

АБДУЛАХАД ЙЎЛЧИЕВ

**ЙИЛЛАР
ВА
ЙЎЛЛАР**

**«ZAR QALAM» nashriyoti
Тошкент – 2005**

74р Махсус педагогик таълим

УМРИМ КИТОБИДАН БИР САҲИФА

Умр ўтар экан улгайган сари
Айримлар жуда ёш-у, аллаким қари.

Ҳаётда яшашни билган одамга
Менимча теппа-тенг буларнинг бари.

Шукур ДАДАШ

Ўқувчилик йилларимда мактабимиизга ўрнак сифатида фахрийлар билан учрашувлар ташкил этиларди. Уларнинг бири таниқли ишчи, бири эса иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бўларди. Биз, болалар уларни катта ҳаяжон билан тинглардик, уларнинг ҳикоялари бизга эртақдек туюлар, уларнинг ўзларини эса жасур, қўрқмас қаҳрамонлардек қабул қиласр эдик.

Шоир айтгандек, умр дарё мисоли оқиб ўтиб кетибди. Минг шукур, юқорида тилга олган шахслар тенгдошларим қатори мен ҳам икки асрни гувоҳи бўлиб, икки тизимда меҳнат қилишга муяссар бўлиб турибман.

Фарзандларим, шогирдларим ва ўқувчиларим билан бўлган кўп суҳбатларда ўтган даврларга мурожаат этишга, камттарин ҳаётим, болалигим, авлодларим ҳақида сўзлаб беришга тўғри келарди. Ҳамкасб ва қаламкаш дўстларим баён қилинган воқеаларни қозозга тушириб, китоб шаклига келтиришни маслаҳат бердилар. Эсдаликларим келажак авлодларим учун бир хотира ва йўлланма вазифасини ўтар деган умидда бу хайрли ишга бел боғладим. Илоҳим, ўзи қўлласин!

БОЛАЛИК ВА ЎСМИРЛИК ЙИЛЛАРИМ

Мен 1938 йил 7 декабрда Тошкент шаҳрининг Самарқанд Дарбоза даҳасида ўртаҳол оиласада таваллуд топдим. Отам Йўлчи Исмат ўғли 1913 йилда тугилган, савдоси билан шугулманувчи, бир сўзли, очиқ чехрали, маҳаллада ўз ўрнига эга бўлган инсон эдилар. Бувам Исмат ота тўқувчи-хунарманд бўлганлар. Бувим Рихсия ая ўз даврининг илмили кишиларидан бўлганлар. Онам Муборак Шоаҳмад қизи 1914 йилда хунарманд оиласида тугилган, асосан уй-рўзгор ва болалар тарбияси билан машгул бўлганлар. Маҳалла аҳди ва қариндошлар онамни ниҳоятда оқила, меҳнаткаш, оқибатли, сабрли аёл сифатида ҳурмат билан тилга олар эдилар. Мен ва укам Абдураҳмон ҳамда синглим Мукаррамларнинг тарбияси асосан онамнини зинмасига тунгган эди. Онамнинг оталари Шораҳим ота

2021 A 592/3 nomidagi
A O'zbekiston M.

2

10 32059
29,

уста-дурадгор бўлганлар, бувим Зулфия ая тикувчиликни касб этгандар.

Болалик йилларим оғир вақтларга тўғри келган. Уруш даври, йўқчилик, очлик ҳукм сурган пайтлар. Рўзгорни тебратиш фақат отамнинг бўйнида эди. Яра устига чипқон деганлариdek, беш ёшимда онамнинг саломатликлари ёмонлашиб қолди, оғир ишларга ярамай қолдилар. Бир ёқда эмизикли укам, атак-чечак қилиб юрувчи сингглимнинг хархашалари. Хуллас, онам ўзлари розилик бериб отамни уйланишига хайриҳоҳлик билдиридилар.

1943 йилда хонадонимизга Муассзам деган аёл иккинчи она бўлиб келдилар. Улардан тўрт ўғил ва икки қиз дунёга келди. Кичик онамиз муомалали эканлар. Шу сабаб бўлса керак, ҳанузгача ука ва сингилларим ўртасида меҳр-оқибатимиз кўтарилмаган. Оғир дамларда Аҳмад амаким отам қатори бизга меҳрибонлик қилдилар, меҳр-муруватларини аямадилар. Илоҳим Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, улардан умрбод миннатдормиз.

Ўша даврларда ҳар бир хонадоннинг ўзига хос ташвиши етарли эди. Айрим оиласлар жуда ноҷор яшасалар, айримлари буни акси эди. Шунинг учун ҳар бир оила қандай қилиб бўлса ҳам рўзгорини тебратиши учун меҳнат қилиб, заҳмат чекишиди.

Ҳар куни сигирни сугориш учун абкашда 10 челаклаб сувни 1 км оралиқдаги ҳовуздан ташиб келардим. Мана шундай қийин бўлган даврни сўзласангиз, ҳозиргилаар бу чўпчак деб тан олишмайди.

Ёшликнинг анча шўхлик даврларида Самарқанд Дарбоза кўчаси, жар, детдом боги, Заҳарариқ деган жойларда бир неча болалар ўйнаб юрардик. Ҳозирги Оқтепа кўприги ёғочдан ишланган бир-икки метрлаб ўйнаб турадиган, занжирга осиглиқ эди, ёнида 2-3 та катта трубалар жойлашган бўлиб, шу трубалар орқали ким тез ўтишга ўйнар эдик.

Кунларнинг бирида бизнинг бу ишларга бошчилик қиласиган, ундаидиган дўстимиз, ўша даврда ҳамманинг ҳожатини чиқарадиган таниқли, пучуқ табибининг ягона ўғлилари Абдулхай эди, мендан 2 ёшча катта бўлса керак. Шу труба орқали ким тез ўтади ўйнардик, у томонда биттаси санаб туради 1,2,3,4,5 деб, шу трубадан бир неча марталаб ўтганимиздан кейин Абдулхай ўтади. Йўлни ярмига борганида мувозанатни йўқотиб, йўлни ярмида сувга тушиб кетади. Сув жуда тез оқар эди, ҳаммани ёрдамга чорладик, лекин ҳеч ким ёрдам бера олмади. Ана шу воқеадан сўнг, сув тўхтатиљи ва дўстимизнинг жасади анча нарироқдаги тўғондан топилди.

Шу-шу мен ва менинг ўртоқдарим сувдан қўрқадиган бўлиб қолдик. Ўша даврларда Самарқанд Дарбозани давоми колхоз ерлари,

узумчилик алоҳида, алоҳида ҳар хил маҳсулотлар етказиларди.

Ҳозир Оқтепа айланасида жойлашган Мебеллар дўконининг ўринида колхознинг идораси бўлар эди. Кўчаларнинг икки томони мевали дараҳтлар, айниқса, қизил-сариқ тоголчалар, ёнгоқлар, беҳилар, ўриклар билан тўла бўлиб, тўкилиб ётарди. Бу кўпчиликнинг дала ҳовлисидан эди. Шу меваларни қуритиб, қоплаб одамлар олиб кетишар ва қиши давомида шуларни истеъмол қилинарди.

Яна бир воқеа: отам мени кўпинча энг катта акалари Маҳмуд отаникига олиб бориб қўяр эдилар. Мен у ердан кетиб, ойимларникига борардим, лекин у ерда ҳам кўп туриш мумкин эмаслигини, янги уйга, яна амакимларникига боришга, ҳар қандай юмушни бажаришга тўгри келарди.

Отамнинг 4 та акалари бўлиб, фақат Аҳмад исмли акалари мактабни ҳам, институтни ҳам имтиёзли тугаттган эди. Аҳмад амаким туман ижроия қўмитасида ва маҳалла раиси лавозимида 40 йил ишлаганлар.

У киши мени доим ҳузурларига чақириб, «Ўғлим, сен ўқигин, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, давлатимиз учун жуда кўп ёш кадрлар керак» дердилар, мен буни маъносини тушунмас эдим-да.

Катта амаким Маҳмуд акани биз ҳаммамиз «дода» деб атардик, у кишини бир қиз ва бир ўғиллари бор эди. Улар ўша даврда колхозда ишлаб, ҳафталаб уйга келишмасди. Мен уларга ҳар куни кечқурун опоқимлар пиширган овқатни оёқяланг тўқайзорлардан ўтиб, ҳеч вақт чироқ бўлмаган дала шийпонига олиб борардим.

Ҳа, бола эдим. Қорним нонга тўймайдиган давр, нонни эса фақат забор чеклари бор бўлган одамлар 5-6 соатлаб навбат кутиб, ийғлаб-сиқтаб, аранг олиб келишар, нон келгунча айримлар ишга, ўқишига қоринлари оч ҳолда кетишарди.

Айрим кунлари опоқимлар пишириб берган тешик кулча (пончик)ни ўғлиларига 2 та, қизларига 2 тадан тайёрлаб берардилар.

Мен эса бола эдим-да, тешик кулчанинг четларидан озгина олиб еб борардим, уларга етиб боргунимча иккитаси бир ярим бўлиб борарди. Ҳар куни шу иш такрорланар эди. Мен қандай қийналсан ҳам олиб боришга ошиқар эдим, чунки озгина тамадди қилардим.

Кунлардан бир куни ўғилари Юсуп ака:

—Ойи, ойижон шу бериб юборадиган тешик кулчангизни иккита қилиб берсангиз бўлмайдими, колхозда иш кўп, оғир меҳнат, — деб қолди.

Опоқим:

—Нима дединг, бир яримта? Ҳеч бўлмаган гаи, мен ҳар куни иккалангизга ўзим емасдан иккитадан бериб юбораман-ку, — деб жавоб бердилар.

—Қани, Абдулаҳад, бу нима қилганинг, бир жонингни ачитиб қўяй, — деб мени роса калтакларди. Кўзларимдан аччиқ ёш оқизиб, ҳеч кимга керакмас эканлигимни ҳис этардим.

Минг маротаба Аллоҳга шукур этиб, шундай даврларимизни фарзандларимиз асло кўришмасин, деб ният қиласман.

Ёшлигим тез ўтиб кетди, лекин ўша даврдаги айрим анча ўзига тўқ бўлган силаларни ота-оналари: «Эй углим, фалончи билан уйнама, юрма, катта бўлганида ким бўлади» деганлар ҳам бўлган. Лекин улар ногўти сўzlари учун ўzlари уялиб қолдилар, аксинча бизга ҳавас қилиб, фарзандларимиз ўхшамади, энди набираларимиз шуларга ўхшасин деганларининг гувоҳи бўлдим. Ҳаёт, аччиқ ҳақиқат мени тўгри йўлда юришимни белгилаб берди, Аллоҳга шукур.

1956 йилда ўрта мактабни битиргач, олий ўқув юртига киришини кейинги режага қолдириб, 22-мактабда болалар етакчиси бўлиб меҳнат фаолиятимни бошладим. Сабаби, оила аъзолари мен билан отамга қарам эди. Буш вақтларимда отамга ёрдамлашар, гоҳида қоровул ўрнига кечалари дўконда қолиб кетардим.

Отамнинг бирдан-бир орзулури мени инженер касбида кўриш эди. Мен эса математикага, ўқитувчилик касбига рагбатим зўр эди. Отамнинг раъйларига қараб, 1961 йилда Тошкент политехника институтининг механика бўлимига ўқишига кирдим ва уни муваффақиятли тутатдим.

Кунлардан бир куни мактабимиз раҳбари Ҳакимжон Ҳошимов: «Абдулаҳад ўглим, сизда муаллимлик касбига тугма қобилият бор. Келажакда жамиятимизга маорифчи сифатида кўп фойда келтиришингизга ишончим комил», деган сўzlари мени касбимни ўзгартиришга туртки бўлди ва мен Низомий номли Педагогика институтининг математика қўзлиётига ўқишига қабул қилиниб, уни имтиёзли диплом билан битиришига мусассар бўлдим.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА

Студентлик давримдаёқ ўқишдан ажралмаган ҳолда собиқ Октябрь (ҳозирги Шайхонтоҳур) туманининг 102,132-мактабларида математика фанидан дарс бера бошладим. Анча тажрибага эга бўлганимми ёки кадрлар камчиллиги сабаб бўлганми, олий маълумотли бўлган кунимоқ пойттахтдаги 14-мактабга илмий бўлим мудири этиб тайинлашиди.

Мактабдаги таълим-тарбия, мактабдан ташқари ишларга киришиб кетдим. Бу ишлар мен учун ниҳоятда қизиқарли бўлганлиги сабабли вақт билан ҳисоблашмасдим, чарчаш нималигини билмасдим.

Айниқса, дарс жадвалини тузиш, турли ҳисоботларни тайёрлашда математиклигим қул келди. Тумандаги бир неча семинар-кенгашларда фаол қатнашдим, иш тажрибам мактаблараро оммалаштирилди.

Халқ таълим мининг раҳбарлари назарига тушдим шекилли, мени туман маорифи бўлимiga назоратчи-услубчи этиб тайинлашди... 1969 йилдан бошлаб эса шаҳар халқ маорифининг буйруги билан Чилонзор туман маориф бўлими аппаратида бош назоратчи сифатида фаолият бошладим. Бу лавозим расман бўлмаса ҳам маориф бўлимининг муовини ҳисобланар, унинг зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган эди.

Бу даврларда таълим-тарбия масаласи қаттиқ назоратда бўлиб, уни бошқариш мендан катта куч ва билимни талаб этарди. Туманда русийзабон мактаблар куп эди, шу билан бирга барча ҳужжатлар рус тилида юритилар, барча мажлислар рус тилида олиб бориларди. Бу эса мени ўз устимда қўшимча ишлашга даъват этарди.

Чилонзор туман ХТБда ишлаган давримда 81 та мактаб бор эди. Туман халқ маорифи мудири Аҳмедов Султон Аҳмедович (раҳматли) ўта қаттиқ ўл, бир ишни аниқ ва вақтида бажаришни талаб этадиган жонкуяр, маориф ишини яхши биладиган меҳри дарё инсон эдилар. У киши ўз ходимларига, мактабгача тарбия раҳбарлари, мактаб директорларининг иш фаолиятига аниқ баҳо берардилар.

Мактабларда ўқув хоналарини жиҳозлаш, спорт ишларини ривожлантириш, мактаб ўқувчиларини мактаб формасида бўлишига катта аҳамият бериларди.

Мен мана шундай раҳбарнинг раҳнамолигида ишлаб, иш ўрганганлигимдан доимо миннатдорман. Ҳар бир услубчини, назоратчини мактабларга бориб, дарс кузатишларини назорати менга топширилган эди. Бир куни Тошкент шаҳар маорифи бўлими мудири Тоир aka Дадашев телефон қиёдилар мудирни сурадилар, мен у киши бошқа топшириқ билан кеттанлар дедим. Шунда у киши «Сиз 162-мактабга боринг, мен ҳозир етиб бораман» дедилар.

Устоз мактаб ҳаёти билан танишгач, биргалиқда дарс кузатишга кирдик. Дарсдан сўнг менга: «Абдулаҳад Йўлчиевич, бу мактаб раҳбари ҳақида қандай фикрдасиз?» деб сўраб қолдилар.

Мен раҳбарнинг билганимча ютуқ ва камчиликларини очиқ баён қиldim. Шунда у киши менга қараб: «Раҳмат сизга, шундай ишланг, сизга бизнинг ишончимиз катта» дедилар. Кейин билсам, мактаб директори Жамол aka Асомов Тоир Дадашевнинг сафдош дўстлари экан. Лекин шунга қарамай, Тоир aka Жамол Асомовичнинг камчиликларини кўрсатиб, мулоҳазалар билдирилар ва муддат бериб, унинг назоратини менга топширилдилар.

1970 йил январь ойидан Собир Раҳимов тумани ташкил бўлди ва бизнинг тумандаги 30 га яқин мактаблар собиқ (Октябрь) мактабгача тарбия муассасалари ўтказилди. Шайхонтоҳур туманидан Собир Раҳимов туманига бу амалиёт жараёнида анча мураккаб ишларни бажаришга тўғри келди.

Кўпчилик шогирдларни устози, Шайхонтоҳур тумани маорифи мудири 1973 йили мени чақиритириб: «Ука, сиз шу туманда туғилиб, шу ерда ишладингиз, энди яна сизни шу туманга раҳбар мувонига тавсия этсан, нима дейсиз?» дедилар. Мен ҳайрон бўлиб қолдим. «Акбар ака, сиз Султон ака билан касбдошсизлар, гаплашиб кўринг, у киши розилик берсалар, мен нима дейман» дедим. Тез кунда мени шаҳар маорифи мудири Тоир Дадашев чақиридилар ва: «Ука, энди шу туманга раҳбар мувонини бўлиб ўтасиз, Чилонзордаги яхши тадбирларни шу туманда ҳам жорий қиласиз» дедилар ва 1973 йилдан Шайхонтоҳур туманига раҳбар мувонини бўлиб тайинландим. Акбар Қосимов (раҳматли) маориф ишларини чуқур биладиган, талабчан, тиниб-тинчимас, жонкуяр, гамхўр, бирорларни бекорга ранжитмайдиган, доимо кулиб турадиган ажойиб инсон эдилар.

1974 йилда Тошкент шаҳар маорифига раҳбар этиб Йўлдошев Ҳамидулла Қаюмович тайинландилар. Ҳамидулла Қаюмович 41-мактабда жисмоний тарбия, мен 14-мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлаган пайтларимда туман, шаҳарда ҳар хил мусобақаларда кўришиб турардик.

1974 йилда шаҳар маорифи раҳбари бўлганларидан сўнг мени чақириб: «Абдулаҳад, бизга ишга ўтиңг, менга мувонин бўлиб, – дедилар, – бирга ишлаймиз». Мен ҳайрон бўлдим. Тошкент катта шаҳар бўлса, эслай оламанми, деган фикрда эдим. Лекин шунга қарамай, раҳбар мувонини этиб тайинландим. Шаҳарда ҳар йили бир неча мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари қурилар эди. Янги давр талабига мос келадиган ҳашаматли, чиройли, ҳамма қуляйликларга эга бўлган бинолар кўпая борди, давлатимиз қўллаб-қувватлаши натижасида бир неча йилда 100га яқин мактаб-богчалар янгиланди (39,82,84,34,203,116,102,115,214,194,287,219,224, 412,468, 497,588,607,244,394). Ҳар бирининг ишга туширилишида баҳоли-қудрат ўз ҳиссамни қўшдим. Бу ишларни бошқаришда Ҳамидулла Қаюмовични, Хосият Ёқубжоновани, Воҳид Охунович Козимовни, Ҳожиакбар Камоловни хизматлари катта бўлди.

Шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлигининг мувонини сифатидаги фаолиятимда баъзан турли тўсиқларга ҳам дуч келишга тўғри келди. Вазирлик ўзининг навбатдаги сайёр коллегиясининг шаҳарда ўтказишга қарор қилди. Кун тартиби «Мактабларни қаттиқ

инвентарлар ва ўқув қуроллари билан жиҳозлаш»нинг аҳволи ҳақида эди. ГУНО бошлиғи меҳнат таътилида бўлганилиги сабабли маърузага қаттиқ тайёрланишга тўгри келди. РАЙОНО мудирлари, мактаб директорлари билан суҳбатлашдим ва улар фикрини билиб, маъруза матнини тайёрладим. Бундай нуфузли йигилишларда биринчи бор чиқишим бўлганилиги учунми, ҳаяжонда эдим, унинг устига масала менинг вазифамга таалукъли эди.

Хуллас, доклад матнини бўямасдан бор далил ва муаммоларни ечдим. Жумладан, унда шундай сўзлар бор эди: «Шаҳар маорифида қаттиқ инвентарлар масаласи йирик муаммодир. Вазирлик қошидаги «Ўзбексиабпрос» шаҳар мактабларига бир йил ичида бор-йўти 14 фоиз қаттиқ жиҳоз етказиб беради. Бу дengиздан бир томчи холос. Турли мажлисларда предмет ўқитувчилари кўргазмали қуроллар йўқлигидан шикоят қилишгани қилишган. Бизнинг вазирликка мурожаатларимиз эса жаюбсиз қолмоқда...»

Мактаб директорлари зални қарсакларга тўлдиридилар. Коллегия раисининг эса қоши чимирилди, жаҳдан икки юзига қизил югурди. Бу менга нисбатан норозилик аломати эди.

Узим бехабар ўша кезларда номзодим РАЙОНО мудирлигига қўйилган экан. Табиийки, маъруза бу режани чиппакка чиқарди. Вақт – ҳакам деб тўгри айтишган ёкан. Йиллар ўтиб, шаҳар раҳбарияти мени А.Икромов туманининг ташкилий қўмитасига аъзо, сўнгра РАЙОНО раҳбари этиб тайинланди. Шу кезларда август кенгашлари, янги мактаб очилишида бир неча бор вазир билан бирга бўлишга тўгри келди. Тумаңда қилган меҳнатларим унинг аввалги нотўтири фикрини ўзгартиргани унинг ташрифига исбот эди.

1977 йилда Акмал Икромов тумани ташкил этилди. З кишидан иборат (Абдурасулов Ф.А. – раис, Йўлчиев А.Й. – аъзо, Мухитдинов Р.Н. – аъзо) штаби тузилди. 1977 йил ноябрь ойидан З киши ҳар куни эрталаб 8.00 дан кеч соат 10-11 ларгача, туманинг ҳар бир кўчаси, маҳалласи, мактаби, багчаси, завод-фабрикаларини ўрганиб, 39 та бўлим ташкил қилинди ва бўлимларни қандай биноларга жойлаштириш бўйича таклиф бердик ва уни амалда бажардик. Ҳар бир бўлимга раҳбарлар тайинлади ва мен ҳам маориф мудири вазифасига тайинландим, туманимиз ишлари жонланиб кетди.

Туман маорифчилари тез орада ўқув-тарбия ишида, спорт ишларида, фан олимпиадаларида, қувноқ стартлар мусобақасида, «Йил ўқитувчиси» конкурсларида, ободонлаштириш ишларида қатнашиб, шаҳарда юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Янги қурилишлар, эскиларини янгилаш ишлари йўлга қўйилди.

Мактаблар, багчаларни жиҳозлаш, кабинетларни ўқув қуроллари

билин таъминлаш, айниқса, спорт анжомларини кўпайтиришга, кадрларни ўз ўрнига қўйишида ўқитувчиларни малакасини ошириш ишларига алоҳида аҳамият бердик.

1989 йил Тошкент шаҳрида Бектемир тумани ташкил этиди ва мени Бектемир туман халқ таълими мудири этиб тайинлашди. Бектемир туманида янги қурилиш, сув ҳавзалари қуриш, мактабларда билим даражасини кўтариш, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини яхшилашга ҳаракат қилдик.

1991 йилда яна Акмал Икромов тумани халқ таълимига раҳбар вазифасига ўтказиши. Ундан сўнг Тошкент шаҳар маорифига ишга чақиришиди.

2001 йилдан соғлигим ёмонлаша бошлагач, ёшимни эътиборга олиб, кичикроқ ишга ўтказиши илтимос қилдим ва 2001 йилдан бошлаб Шайхонтоҳур тумани 167-мактабда раҳбарлик фаолиятимни бошладим.

Мен 30 йилдан ортиқ раҳбар бўлиб ишлаган бўлсам, ҳаммавақт раҳбарият тавсияси билан юқори лавозимларга ўтказишиди ва мен қўнимдан келганича маориф ишини ривожлантиришга, маорифчиларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга ўз ҳиссамни қўщдим.

ЭҲТИРОМ

Инсоннинг ҳаётида икки шахс унинг камолотини белгилаб беради. Бири ота-она бўлса, иккincinnisi устоздир. Устоз – отангдек улуг деган ҳикмат бежиз тўқилмаган. Зеро, устоз инсонни асосий ҳаёт денгизига етаклайди, уни турли довул ва тўфонларга қарши курашларда чиниқтиради.

Менинг ilk устозим қўлимга қалам тутқазиб, алифбени ўргатган Зайнаб опа бўлса, математика фанига қизиқиш уйғотган Абдусаматбек aka эдилар. Педагогик фаолиятимни бошлашда эса Ҳакимжон Ҳошимов, Боситхон aka, Раҳмат Муслимовлардан муаллимлик сирларини ўраганганман.

Сергайрат раҳбар, ўз касбининг билимдони Саидакбар Саидаҳмедов эса мени туман халқ маорифи бўлими аппаратига етаклаб келиб, сабоқ берган инсон эди.

Шулар қаторида мен яна бир устозимни алоҳида мамнуният ва катта ҳурмат билан тилга олмоқчиман. Бу табаррук инсон юқорида тилга олган устозларимнинг устози, аниқ айтганда, барча шаҳар маорифчиларининг сардори ҳисобланади. Бу буюк шахс Тоир aka Дадашевдир.

Тоир ака 1973 йилда мени илк бор мустақил раҳбарлик лавозимига тайинлаган раҳбар эдилар. Мен у кишидан раҳбарлик одоби, инсоний хислатлар каби фазилатларни ўргангандан. Бу улуғ инсон бетакрор раҳбар эди. Мен ҳаётимда жуда кўп бошлиқларни кўрдим, ҳатто улар билан бирга ишлашга ҳам тўғри келди. Улардан кўпчилиги иш фаолиятларида ютуқлар билан бирга хатоларга ҳам йўл қўйганлар. Аммо, Тоиржон акани эса ҳалқ ҳануз илиқлиқ билан покиза, ҳалол инсон сифатида хотирлайди. Фидойи устоз танҳо ҳалқ манфаатини ўйлаган, самимий, холис, беминнат эди. Мен нафақат у кишига, балки унинг оиласига ҳам ҳавас билан боқардим.

Тоиржон ака Дадашев ёш маорифчи раҳбарларнинг фаолиятини зийраклик билан кузатиб борар, нуқсонларини сезсалар мулойимлик билан оталариdek тушунтирадилар. Бир воқеа кечагидек ёдимда, бу ҳаётимда бир умр эсдан чиқмайдиган бўлиб қолган.

Чилонзор туман ҳалқ таълимида ишлаётган давримда, кунларнинг бирида Тоир Дадашев, Султон Аҳмедович ва мен шаҳарга бирга бориб, мактаб иши билан танишиб қайтаёттан пайтимиизда, хизмат машинасини Ортиқжон деган шофёrlари машинани жуда эҳтиётлаб юрарди, ёмғир шивалаб ёгарди. Қаёққадир жуда шошилардим, шу сабаб «Запорожец» машинамда кўп машиналарни ортда қолдириб, ҳатто сув сачратиб ўтиб кетдим.

Эртаси куни шанба эди. Бирдан телефон орқали мени шаҳарга Тоир ака чақираётганларини айтиди. Ҳайрон бўлдим, кеча бирга эдикку, ҳеч гап йўқ эди. Нимага чақираётган эканлар, деб ҳаяжон билан етиб бордим. Котибадан ижозат сўраб, хоналарига кирдим. У киши ўринларидан туриб, кўл бериб сўрашганларидан сўнг: «Ўтиринг укажон» дедилар. Мен ҳаяжонланиб турибман, у киши секин, оғир вазмин кеча борган, мактаб ҳақида қаңдай фикрдасиз, деб сўрадилар. Суҳбатдан сўнг: «Сизда ҳам автомашина бор экан-а, машинани бори яхши, иш тез бажарилади. Лекин инсон орқа-ўнгига қараб ҳушёр бўлиши, ўзидан катталарнинг ҳурматини жойига қуиши керак. Бу раҳбарларга нисбатан лаганбардорликка кирмайди, балки бор-йўғи ҳурмат ва зътибор саналади. Масалан, отангиз олдидан ҳеч қачон кесиб ўтмайсиз, устоз ҳам ота каби улуғ ҳисобланади», деб табассум билан ўрниларидан турдилар. Бу менга, сизга рухсат деганлари эди. Мен хонадан чиқар эканман, кеча шошилинч қилган хатоимни тушундим. Мен ўша кундан бошлаб ҳозиргacha 30 йилдан ошган бўлса ҳам қулогим остида ўша ҳикмат жаранглаб туради. Тоир ака Дадашев ахлоқ-одобда ҳам олийжаноб раҳбар эдилар.

Шаҳарда фаолият кўрсатган даврларимда пойтактимиз саркотиби Асатулла Ашраповиҷ Ҳўжаев эдилар. Бу инсон табиатан камтарин,

оғир, вазмин, мулоҳазали раҳбар эди. Жаннатмонанд бу инсоннинг менга қилган күмаги бир умр қалбим турида сақланади.

Тошкентда Бутуниттифоқ семинар қилишіга қарор қилинди. Масала мактаб қурилишлари ҳақида эди. Аксига олиб, ГУНО бошлиғи йўқ, доклад қилиш менинг чекимга тушди.

Курувчилар ва бевосита мактабларни эксплуатация қилувчи РАЙОНО инженерлари ва мактаб раҳбарларини йигиб, фикр ғўмашдик.

Йилишида шаҳар котиблари, ижроқўм раиси ўринбосарлари, вазир муовини қатнашди.

Сўз менга берилганда мактаб ва багчаларнинг қайси лойиҳалари бизга тўғри келмаслигини рўйи-рост гапирдим. Жумладан, бизнинг пқлим шароитида сақич томларнинг қийинчиллик туддириши, кунлар доим иссиқлиги гуфайли ошхоналар каби ҳожатхоналарни алоҳида ажралган ҳолда блок шаклида лойиҳалаш каби ва бошқа муаммоларни очиб ташладим. Ўтирган маорифчилар мени қўллаб-қувватлашди, аммо Москов вакилларининг юзларидан норозилик белиларини пайқаш қийин эмасди.

Натижа уйлаганимдек бўлиб чиқди. Мени шаҳар фирқа қўмитасининг иккинчи котиби ҳузурига чақирди. Эрталаб етиб бордим. Унинг хонасида олти нафар шаҳар раҳбарлари бўлиб, менга биринчи савол ташлаанди:

- Нима учун докладингизни бизга кўрсатмадингиз?
- Бу ҳақда менга ҳеч ким айтгани йўқ.
- Сиз ёш бола эмас, коммунист раҳбарсиз, бизни меҳмонлар олдида шарманда қилдингиз.
- Кечирасиз, қайси хатги-ҳаракатим нотўғри бўлди, илтимос айтинг, иккинчи қайтарилмайди.

-Хатоингизни бюрада айтамиз, боринг! – деди зарда билан. Бир кун ўтгач, мени яна чақиришди. Одатим бўйича ярим соат один 9.30 да бинонинг зинасида турардим. Асатулла ака машинадан тушиб, қаршимга келар эдилар. Ўзимни четга олиб, ийманибгина салом бердим. У киши қўл узатиб, туришм сабабини сўрадилар. Бўлгани воқеани қисқа баён этдим. Шунда бошларини ўнг томонга ҳиёл этиб: «Майли, кириб чиқинг ва менга учрашинг» дедилар.

Важоҳатли котиб хонасида ўтирас эканман, ички телефон жиринглаб қолди. Бу саркотиб эди. У кишининг овозлари менга яқол эшитилиб турарди. Хуллас. Асатулла ака мажлис натижаси бўйича маориф раҳбари эмас, балки ўз вақтида ҳушёрликни қўлдан берган биз, яъни партия комитети айбдор эканлигини уқтиридилар ва мени ишдан қўймасликни буюрдилар.

Бинодан енгил қүшдай ич-ичимдан адолатли раҳбарга тасанинолар айтиб чиқдим.

Яна бир устоз кўпчиликка, Ҳамидулла Йўлдошевга, Ўткиржон Мирзажоновга ва шахсан менга кўп меҳнати сингган, юзлаб шогирдларга устозлик қилган Акбар ака Саидаҳмедовдир. Акбар ака Саидаҳмедов доимо бизларга: «Маорифда майд-чуйда деган гап бўлмайди, буни ҳеч қачон эсдан чиқарманлар, ҳаммасини ўз вақтида бажарсаларингиз уйда тинч ухлайсизлар» деб жуда кўп таъкидлардилар.

Кунлардан бир куни мени хоналарига чақириб: «Сиз келгусида мустақил раҳбар бўлишга қобилияtingиз бор, шунинг учун айтиб қўяй, кўп ишни олдиндан кўра билиш, ўз вақтида эслатма бермасдан бажариш бу санъатдир. Буни ҳамма қилавермайди» дедилар.

Бир мисол: сиз кўчадан кетаётсангиз, кўча теп-текис, равон, ҳеч қаерга қарамай баралла юрасиз. Нарироққа борсангиз, кўча қайрилади, сиз ҳам қайрилдингиз, яна юришни давом эттиридингиз, қарабисизки, ариқда сув оқаятти, сакраб ўтдингиз, яна давом этајапсиз, олдингизда харсонтошга дуч келдингиз, сиз уни четлаб ўтдингиз, яна йўлда текис йўллар, ҳеч қаерга қарамасдан давом этиб кетаяпсиз беларво, шунда йўлда бир майда тош оёғингиз тагида пайдо бўлиб, сиргалиб йиқилиб тушдингиз. Кўлингиз ёки оёғингиз ёки бирор бошқа жойингиз лат еди. Ҳайрон бўлдингиз, лекин текис кўчада майда тошга эътибор бермадингиз, натижада бир неча кун ётиб даволаңдингиз.

Шунинг учун Абдулаҳад ука, катта ишни олдиндан билишингиз мумкин, лекин кичик ишларга беларволик қилиш келгуси ишингизга тўсиқ бўлади. Шуни ҳеч қачон унутманг укажон». Акбар Саидаҳмедовнинг бу сермазмун сўзлари ҳеч қачон ёдимдан кўтариilmайдi.

Яна бир устозим бу – Чилонзор тумани халқ маорифи раҳбари Султон Аҳмедович Аҳмедовдир.

Султон ака бир сўзли, чўрткесар, саловатли, ўзини айтганини бажарадиган, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, рус ва ўзбек тилларини баравар сўзловчи, улфатчиликни яхши кўрадиган, ходимларга қаттиққўл, қўлидан келадиган ишлар бўлса ҳеч кимдан, ҳеч қачон аямайдиган, меҳрибон маорифчилардан здилар.

У киши доим бир нарсани кўп айтардилар. «Абдулаҳад, агар сиз тўгри ишласангиз, масалани тўгри ҳал қилсангиз, ҳеч нарсадан қўрқманг, хато ишлаган одамда бўлади, лекин хатони кечиримлилиги ёки кечиримсизлиги бўлади, холос. Одамни, яъни раҳбарни муомаласи катта роль уйнайди, раҳбар кечиримли, меҳрибон бўлса,

халқ буни тұғри тушунади. Сизнинг обрүйингиз ошиб бораверади», дердилар.

Яна бир устозим, сафдошим Ҳамидулла Йұлдошевдир. Ҳамидулла aka иқтидорли, ёшлар билан ишлашни яхши күрадиган тәдбиркор, раҳбарлық қобилиятыға зға, оддий мұаллимликдан спорт мактаби раҳбари, туман, шаҳар маорифида раҳбар мұовини ғана тез орада шаҳар маорифига күтарилиб, күп йиллар раҳбарлық қылды.

Менга 30 йиллик ҳаётимда шу раҳбар билан ишлаш насиб этди. Мен қайсы ишда раҳбарлық қылған бўлсанм, шу кишининг қўл остида бўлдим. Ҳаётдаги барча муаммоларни бирга ҳал қылдик. Раҳбарликда суюги қотган Ҳамидулла aka ҳозир ҳам раҳбар. У шаҳар малака ошириш институтида ректор, педагогика фанлар доктори, профессор. Улкан ишлари тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан битилган Толиб Содиқов, Гуломназир Абдурасулов номларини фахр билан тилга олгим келади.

Толиб Содиқович, Гуломназир Абдурасуловлар менга узоқ йиллар раҳнамолик қылған раҳбарлардир. Бу икки улуғ шахсни халқ доимо мамнуният билан тилга олади. Бундай олижаноб раҳбарларга қанча ихлос қилсанг, шунчак оз.

Толиб Содиқов, Гуломназир Абдурасуловларнинг иш услублари ўзгачадир. Толиб Содиқов ёшларнинг юриш-туриши, кийиниши, маданияти, муаммоларига алоҳида аҳамият берардилар.

Мен Ақмал Иқромов туман маорифи мудири мұовини лавозимига Тұлқин Раҳмоновни шахсий варақасини Толиб Содиқовичга олиб бордим. У киши шахсий варақаны күриши билан номзодимнинг нимасидир ёқмади.

—Қаердан олиб келдинг бу кадрни, ким сенга тавсия қылди? Бу кадринг бўлмайди, — деб ҳужжатни қўлимга қайтариб бердилар.

Ҳайрон бўлдим. Чиққандан сўнг бир-иккита ҳодимлар билан гаплашдим. Улар менга:

—Абдулаҳад aka, ота соchlари үсган, галстуксиз, шим ва костюми ҳар хил, мўйловли, чапани, чеккасига бакки қўйғанларни ёмон кўради, — деб қолишибди.

Мен дарров Тұлқин Раҳмоновни соchlарини чиройли қилиб олдириши, расмга қайтадан тушиб, варақаны шошмай ёзиб тұлдиришни буюрдим. Орадан бир ҳафта ўттандан кейин ҳужжатни олиб, яна Толиб Содиқовга учрашдим, у киши энди ҳужжаттага қараб:

—Бу бошқа гап, олиб кир, сұхбатлашшаман, — дедилар.

Сұхбатдан ўтиб, хурсанд бўлиб қайтдик. Устоз мана шундай бегараз инсонлардан эдилар.

Яна бир мисол. Райком бюроси бўляпти, бир бўлимнинг масаласи муҳокама қилинаяпти. Шунда Толиб Содиқов бу кадр ишламайди.

уни әлмаштириш керак, деган таклифни ўртага ташладилар. Шунда юрс аъзоси Гуломназир aka секин ўринларидан туриб:

- Телиб aka, бу ўзи яхши бола, аммо ёшлиқ қилиди. Сиз айтганингиздек ишларининг мазаси йўқ. Биз ҳаммамиз сизнинг фикрингизга қўшиламиз, аммо 3-4 ой мухълат бераб, яна ишини кўриб чиқсан, – деб уни кафилликка оладилар. Ҳамма Гуломназир аканинг фикръни қувватлади. Шунда Телиб aka:

– Майли, сизлар айтганча булақолсин, – дедилар.

Толиб Содиқов ва Гуломназир aka доимо қўпчилик фикри билан ҳисоблашар эдилар. Бирор ходимни бекордан-бекорга хафа қилиб қўймас эдилар.

1978 йил 1 январда янги ташкил бўлган Акмал Икромов туман партия комитетининг биринчи котиби этиб шаҳарда, туманларда раҳбарлик лавозимларида ишлаган соғдил ташкилотчи, жамоатга ўрнак бўладиган, талабчан, маданиятли инсон Ҳожиакбар Камолов сайданди. У киши бошчилигида туманимизда халқ ҳордигини чиқарадиган сайлгоҳлар қурилди. Бир қанча мактаб ва болалар боғчаларини янгидан қурилишига аҳамият берилди. Шаҳар бўйича ягона лойиҳага эга бўлган туман ҳокимияти биноси қад кўтарди. Акмал Икромов ҳайкали бунёд этилди.

Халқнинг ҳар томонлама шароитини яхшилашга туман ижроия қўмитасининг раиси Гуломназир Абдурасуловнинг салмоқли улуши бор. «Ўрикзор» даҳаси қўшиб берилди, «Ўрикзор» даҳасини барпо қилишда астойдил меҳнат қилинди, тез орада янги турар-жой даҳалари қад кўтарди.

Туманимизда аниқ режа асосида ҳар бир соҳа бўйича жуда кўп тадбирлар ўтказиларди. Бунинг бошида фариштали ва олий фазилатли икки раҳбар Ҳожиакбар Камолов ва Гуломназир Абдурасуловлар турардилар. Бу улуг инсонларни халқимиз қанча ардоқласа, эъзозласа шунча кам. Мана шундай раҳбарлар билан ишлаганимдан фахрланаман ва ҳамон устозлар ёнида бирга бўлганимдан баҳтиёрман.

Устозлар ҳақида қанча гапирсанг шунча оз. Ҳаммамиз учун азиз, мұътабар, ақлли, самимий, меҳрибон, олийжаноб инсонлар билан ынлоқотда бўлиш бу баҳт. Ана шундайлардан бири Гаффор Рашидович Рашидов, Ҳасанжон Гофуров, Ҳожиакбар Қурбонов, Мұхитдин Шоумаров, Жамол Асомов, Акбар Қосимов, Қобил Қосимов, Қобил aka Содиқовлардир. Шулар қаторида меҳрибон, талабчан, жонқуяр, юксак маданиятли, ҳақиқий маорифчи, халқимиз маорифчилари қалбидан жой олган Шораҳим aka Гадойбоевдир. Шораҳим aka узоқ йиллар туман маорифчиларига раҳбарлик қилган,

мактаб иши – давлат иши эканлигини доимо сафдошларига уқтириб келган ва ўнлаб, юзлаб шогирдлар тайёрган, ўта талабчан, чүрткесар, сўзини амалга оширишда ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, сергайрат устоз маорифчи эдилар.

Уларни ташаббуслари билан шаҳарда кекса маорифчилар маркази ташкил қилинди. Бу марказга ўз даврида маорифга жонкуяр, ўз касбини севган кекса ажойиб муаллимларни жалб қилдилар, уларни ҳар бирини асосий режа орқали туманларга ёрдамга юбордилар. Ва тез орада марказ кенгайиб, сафдошлар кўпайишиб, қўлларидан келанича маорифга яна ўз ҳиссаларини қўщдилар. Шулар қаторида меҳрибон, ўз касбини севган, маданиятли, ободоналаштириш ишларида жонбозлик кўрсаттан, 200, 203, 129-мактабларни шаҳарга намуна қилган устоз Маҳкам ака Гадойбоевдир.

Яна қатор бирга ишлаган устозларни эслаб ўтаман. 22-мактаб раҳбари Ҳокимжон ака Ҳошимов бир мактабнинг ўзида 55 йил (1947-2002 йиллар) раҳбарлик қилганлар. Уларнинг ўқувчилари минглаб раҳбар лавозимларида ишлашмоқда. Камтар, сўзлари ҳаммани маҳлиё қиладиган, меҳридарё чин инсон, ҳақиқий маорифчи, эл-юрга хурматига сазовор бўлган, каттаю-кичикка баробар қараган дўст, устоз сифатида ҳеч кимни эсидан, қалбидан ўчмайдиган инсондирлар. Илоҳим, омон бўлсинлар!

Шундай инсонлардан Воҳид ака Козимов, Шоиноят Шоабдураҳмонов, Ҳожиакбар Камолов, Саид Шермуҳамедов, Карим Расулов, Озод Асқаров, Хосиятхон Ёқубжонова – булар билан ҳар қанча фахрлансак арзиди.

Мен 1977 йил ноябрда туман ҳалқ маорифи бўлимини тузишда ҳар бир ходимни ишга олишда, унинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдим, сўраб-суриштириб, биринчи қалдирғочларни ишга қабул қилдим.

БУЛАР:

- 1.Тўхтамуродов Абдуғани Тўлаганович – муовин.
- 2.Венъкова Инна Владимировна – бош назоратчи.
- 3.Адилова Маъсуда Содиковна – ходимлар билан ишлаш назоратчиси.
- 4.Грибанова Анжела Николаевна – бош услубчи.
- 5.Гуломова Татьяна Бердибоевна – услубчи.
- 6.Шокиров Фотиҳ Шокирович – бош ҳисобчи.
- 7.Емельянова Галина Демьяновна – назоратчи.
- 8.Тоҳиров Рихсибой Тоҳирович – назоратчи.
- 9.Ёқубова Карима Собитовна – назоратчи.
- 10.Сфершаева Шура – бош иқтисодчи.

11.Юнусова Мавлуда Қаюмовна – касаба уюшмаси раиси.

12.Арипов Мирсолиҳ – муҳандис.

13.Асадова Феруза Акбаровна – фильмотека мудири ва 86 кишидан иборат ҳисоб-китобчилар ишга тушди. Ҳар бир ходим ўз ишига астойдил киришиб, самарали меҳнатлари учун тез кунда шаҳар маорифида юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, биринчилар қатори юришга муваффақ бўлдилар.

САФДОШЛАР – ЖОНДОШЛАР!

Бу бўлимга шундай сарлавҳа қўйишимга сабаб, бир ташкилотда, бир соҳада узоқ йиллар ёнма-ён меҳнат қилиш деярли ҳар ҳафтада уч марта бирга бўлиш begonani ҳам қондош даражасига олиб келади. Булар менга оға-инидек қадрдан бўлиб қолган.

ҲАМКАСБЛАРИМ:

Миробод (собиқ Ленин) тумани халқ таълими бўлими раҳбарлари:

- Сизова Тамара Беньяминовна
- Сучкова Нина Яковлевна
- Жўрақулова Бахриниса Очиловна
- Абдурасулов Лазиз Маҳкамович
- Рўзиқулов Номоз Орзиқулович.

Юнусобод (собиқ Киров) тумани XТБига:

- Туртаев Йўлдош Мирзаевич
- Тўраева Адиба Тўраевна
- Қосимов Юсуп Юнусович
- Қурбонов Музроб Муродович
- Назарова Муҳаббат Тўрабоевна
- Жалолов Нуритдин Жалолович
- Адилова Маъсуда Содиконалар раҳбарлик лавозимларида ишладилар.

Мирзо Улугбек (собиқ Куйбишев) тумани XТБига:

- Таматарот Георгий Викторович
- Абзалов Гиёс Алимович
- Рабинович Михаил Александрович
- Нурмуҳамедов Талъат Софурович
- Каримов Абдувосит Воҳидович
- Тожихонова Нуриниса Тожихоновна

Шайхонтоҳур (собиқ Октябрь) тумани XТБига:

- Дадашев Тоир Дадашевич
- Солиев Фозил Солиевич
- Саидаҳмедов Акбар Қосимович
- Мирзажонов Ўткир Абдужалилович

-Дадашев Шукурулла Тоирович
-Усмонбеков Равшанбек Қурбонович
-Эшбоев Жамолитдин Раимқулович, Ахмедов Нурмухаммад
Холматовичлар ўз ишларини моҳирлик, талабчанлик билан
бошқармоқдалар.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ ХТБига:

-Нишонов Маҳкам Нишонович
-Аҳмедов Султон Аҳмедович
-Келганов Олимжон Аъзамович
-Файзиев Ўткир Очилович
-Абдуалимов Малик Абдуалимович
-Олимова (Дадашева) Оҳиста Тоировна.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БҮЛИМИГА:

-Жалилов Азиз Жалилович
-Сараджев Юрий Исакович
-Султонов Тўлқин Аҳмедович
-Тоҳиров Жалол Аҳмедович
-Содиқов Рустам Суръатович.

ҲАМЗА ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БҮЛИМИГА:

-Сайдходжаев Султон Ҳоджаевич
-Содиқов Аҳмад Ниязович
-Зиямуҳамедов Асомитдин Бўриевич
-Зокиров Ислом Исҳақович
-Алимов Мирсаидор Соатович
-Абдурасулов Лазиз Маҳкамович.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БҮЛИМИГА:

-Мирраҳимшоев Аббос Носирович
-Абдуллаев Султон Солиевич
-Адилова Маъсуда Содиқовна
-Раҳматуллаев Абдулла Фахритдинович
-Ганихўжаева Муҳайё Сайдовна
-Раимходжаев Норхўжа Сайфиевич.

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БҮЛИМИГА:


-Содиқов Журъат арипович
-Эргашев Йўлдош Эргашевич
-Икромов Шукурулло Тўхтамуродович
-Раҳматуллаев Абдулла Фахритдинович
-Қўчқорова Гулнора Мадраимовна.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ ХТБига:

-Шоаҳмедов Шоабдулла Шоаҳмедович.

ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БҮЛИМИДА:

-Тожиев Аббос Тожиевич



– Усмонов Раҳимжон Усмонович
– Дадашев Тоир Дадашевич
– Йўлдошев Ҳамидулла Қаюмович
– Қосимов Маҳмуд Йўлдошевич
– Зокиров Ислом Исҳақович
– Зокиров Анвар Шукуровичлар уларнинг раҳбарлигида бирга ишлаган муовинлари:
– Горячева Людмила Михайловна
– Мельникова Ирина Ивановна
– Косих Раиса Григорьевна
– Файзиев Ўткир Очилович
– Панченко Сергей Александрович
– Афанасьев Николай Николаевич
– Тўхтаходжаева Гуля Хашимовна
– Непша Роза Андреевна
– Холиқов Собир Холиқович
– Содиқов Шавкат Толипович
– Акромова Тоiba Акромовна
– Зайнутдинов Ҳожиакбар Шамсутдинович
– Шомансуров Шомухтор Шоқосимович
– Нурмуҳамедов Талъат Гофурович
– Дадашев Шукурулло Тоирович
– Алимов Мирсадор Соатович
– Маъдиев Эргаш Ҳошимович
– Собиров Абдуманноп Гаффорович
– Камолов Жамолитдин Сайфутдиновичлардан иборат.

ВАФОДОР ЁР, СОДИҚ ДУСТ

*Ҳар кишининг бор эса яхши сўзи,
Орттирап обрўсин албатта ўзи.*

Ҳар бир инсон ҳаётга келар экан, у оила тарбиясида шаклланиб боради, аста-секин вояга еттан сари оиласда, ака-сингиллар орасида, tengқурлари ичида яхши ниятли, обрўли одамларни кўриб ҳавас қиласди, интилади, мен ҳа шуларга ўхшасам дейди, мана шу интилиш келгуси ҳаёт мазмунини белгилайди. Раҳматли отам Йўлчи Исматов Ҳастимом бозорида жойлашган дўконда ишлар эдилар, мен ҳар куни дўконга бориб ёрдамлашардим. «Эски Жува» даҳасида боғ ёнида хотин-қизлар маданият уйи жойлашган бўлиб, бу масканда бичиш-тикишни ўргатадиган

тұғаракқа доимо қатнайдыган бир қызни күзатиб турардим. Бу күзатиш ҳар куни қайсиdir соатда туғри келиб қоларди, бу албатта режали булса керак, чунки ҳар куни бир вақтда учрашиш ниманидир англатар зди. Кейинги шайтдаги учрашувлар энді 5-10 минутта, кейинчалик ярим соатта чүзилиб, сұхбатлашар здик. Секин-аста икки тарафнинг оиласи, авлодлар ҳақида суриштириш бошланди. Самимий дүстликдан аста-секин орамизда мұхаббат үчқуулари пайдо бұлаётгани сезила бошлади. Агар ота-оналаримиз рози бўлишса, турмуш қуришга аҳду-шаймон қилдик. 1958 йилда тўйимиз бўлиб ўтди, хонадонимизга Дилбархон исмли янги оила атъоси келиб қўшилди. Ёш келин ҳамма уй юмушларини ўз зиммасига олди, чунки қизлик хонадонида бу ишларни пухта ўрганғанлиги сезилиб турарди.

Отамни ҳар куни ишдан қайтғанларида яхши чеҳра билан кутиб олар, туфлиларини ечиб, ҳатто оёқларини илиқ сув билан юваби, уларни дуоларини оларди.

Дилбархон уй ишлари билан чекланиб қолмай, Оқтепа даҳасида жойлашган мактабгача тарбия ўрта-махсус билим юртини, кейинчалик Низомий номли Тошкент Педагогика институтини имтиёзли тамомлади ва 30 йил болалар боғчасида тарбиячи-услубчи вазифаларида ишлади. Ота-оналар, жамоа орасида кагта ҳурматтаға сазовор бўлди. У меҳридарё аёл, садоқатли дўст, пок вижданли, диёнатли, одоб-ахлоқли, меҳр-муруватли, меҳмондўст, пазанда, гўзал инсон, хонадоннинг яхши бекаси зди. У фақат меҳрибон уй бекаси эмас, қасбига меҳр қўйган, талабчан тарбиячи сифатида ўз мавқесига эга бўлган, ёш тарбиячиларга жонкуяр меҳрибон устоз зди. Унинг ҳалол меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Бир неча марта туман мақтов ёрлиқлари ҳамда «Республика ҳалқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Биз оиласида уч фарзандли: 2 қиз ва ўғиллик бўлдик. Катта қизим Дилюзахон, ўглим Равшанжон, кичик қизим Зухрахонлар мактабни олтин медалга тутатдилар, олий ўқув юртларига қабул қилиниб, уни тамомладилар. Равшанжон техника фанлари номзоди деган унвонга сазовор бўлди. Албатта бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, бунинг асосида Дилбархоннинг машақатли меҳнати, уйда тарбияни тұғри мақсадга йўналтирилганининг оқибати деб биламан. Шунингдек, бу бизнинг фарзандларимизга ўрнак бўлишга, улар олдида ҳар қандай вазиятда ўзимизни тута билишимизга, ножуя сўзларни ишлатмаслигимиз ҳам ҳар тарафлама келишишимиз натижасидир. Мана энди улар ҳам вояга етиб, оиласи бўлишди. Бир-бирини тушунадиган, меҳнатсеварлиги билан оиласида ҳурмат қозониб

боришишмоқда. Еттита бир-биридан ширин, чиройли, одобли невараларим бор. Буларнинг ҳаммаси Дилбархоннинг меҳнат маҳсулидир.

Биз 41 йил бирга яшадик, ҳар хил вазиятларда бир-бирамизга суюнчиқ, ҳамдард бўлиб, борига қаноат қилиб, йўғимизни бировга билдиримай, тинимсиз меҳнат қилдик, меҳнатларимиз зое кетмади. Мен бирор ишга ўтганимда ёки ишдан кетганимда, у доимо далда берарди: «Қўяверинг, яқин вақтлар ичида ҳаммаси яхши бўлади» дерди.

Бизнинг хонадонимизга жуда кўп меҳмонлар келишарди, уларни қандай шароит бўлмасин, уй бекаси очиқ чеҳра билан кутиб оларди. Дилбархон үзини бошқалардан ортиқ деб билмаслиги, уйдами, жамоадами, қўни-қўшнилар орасидами, маҳалладами, доимо камтарлик, меҳридәрёлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат билан қараради. Оғир кунларда ўзгаларга ёрдам қылмоқ – ҳамиша мевасини беради, куни келиб қилган яхшилик эвазига бошқалардан қайтади. Қаноат қилсанг, топган-туттанингга сабр қилсанг, ҳеч қачон уйдан барака кўтаришмайди деб янги оиласарга, қариндош-уругларга тушунтирап эди.

Умр ўтаверар, ёшингиз эса улғайиб бораверар экан. Дилбархоннинг ажойиб фазилатларидан бири ҳамма қариндош, ака-ука, сингилларни болалари билан ҳар ойда бир маротаба йигиб, бу йигилишга бошчилик қилиб, уларни оиласидаги ютуқ ва камчиликларни сўраб, уларга ҳаёт сабоқларидан маслаҳат берар, агарда бирорта оила аъзолари келмай қолса, сабабини суриштирап ва эртасига вақт топиб, бориб келарди. Айрим вақтларда мен бу йигилишларга унча хайриҳоҳлик билдиримасдим, афсуски мен ноҳақ эканман, бунинг заминида, оиласарни бир-бирига ҳамдардлиги, меҳри, суюнчиқлиги, соғ-саломатлиги каби яхши хислатлар мавжуд экан. Ҳаётда, амалда узоқ асрлар давомида ҳалқ мақолларига айланган «Ёшлиқда нимани эксанг, улгайганингда шуни ўрасан», «Қариси бор уйнинг париси бор» деган доно ўйтитлар остида жуда кўп маъно борлигини ёшинг улгайган сари пайқаб бораркансан.

Ҳақиқий ҳаёт эллик ёшлардан бошланар экан, бу ёшда одамзод чинакамига пишиб, бошқаларга ўрнак олса арзигулик хислатларга, бировларга сабоқ бўладиган нарсаларни тушуниб етаркансан. Ҳалқимизда доимо бир-бирлари билан учрашганларида, айниқса тўйларда қайта-қайта такрорланадиган ажойиб бир ибора «Илоҳим қўша қаринглар», «Болаларингизни роҳатини кўринглар» деган фикр, бу ҳаётнинг борлиги, «Илоҳим қўша қаринглар» деган сўзнинг маъноси шунча улуг эканки, бу асрлар оша, ҳаёт бор эканки, ўз

маъносини йўқотмаган ва йўқотмайдиган кучга эга экан.

1999 йилнинг 26 ноябрь куни наҳорда бизни хонадонимизга оғир мусибат тушди, менинг дўстим, вафодор ёримни эшигим оддида автомашина уриб кетди, бирор сўз айтмай, хайрлашмай оламдан ўтди.

Бу армон менинг ва фарзандларимнинг қалбида умрбод муҳрланиб қолди. Фарзандларим, жигарларим мендан тез-тез хабар олиб туришади, ҳаммалари менга меҳрибон, аммо умр йўлдошимнинг ўрнини босиши мушкул.

Умр йўлдошим Дилбар ўз исми билан жуда дилбар аёл эди, илоҳим Аллоҳ ўзи раҳматига олган бўлсин!

САМАРА

Боғбон яхши ният билан кўчат ўтқазиб, жони-дили билан парвариш этади. Оқибат йиллар ўтгач, унинг самарасини кўришга мусяссар бўлади. Устоз ҳам ўз шогирдига ўзи билан билим ва ҳунаридан сабоқ беради, ҳаётида кўрган баланд-пастликларга аҳамият беришга даъват этади. Донишманлар «Шогирд устозини тан олган тақдирдагина у устоз унвонига сазовор бўлади» дейишган. Мен 40 йиллик меҳнат фаолиятимда кўплаб ёшлар билан ишладим ва баҳоли-қудрат иш ўргатишга ҳаракат қилдим. Уларнинг кўпчилигининг ҳозирги истиқболини кўриб, дилдан қувонаман, беихтиёр уларнинг ёшлик йиллари кўз ўнгимда гавдаланади. Жумладан, Чилонзор туманида ишлаб юрган пайтларимда ёш йигитчалар Абдумалик Абдуалимов, Тўлқин Султонов, Шукурулла Дадашевлар 102,179,138-мактабларнинг директор ўринбосарлари здилар. Ҳозиргacha дўстлик ришталарини қаттиқ боғлаган бу ўртоқлар мактаб директори, сўнгра туман халқ таълими бўлимининг мудирлари бўлиб етишдилар. Улар ўзларининг одоби, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги туфайли жамоа орасида катта обрў-эътибор топдилар. Улар орасида Шукурулла олийжаноб хусусиятлари билан ажralиб туради. У шаҳар ижроия қўмитасида раҳбарлик лавозимларида ишлади, Республика Вазирлар Маҳкамасида масъул ходим сифатида фаолият кўрсатди, инсонларга қўлидан келган ёрдамини аямади. Шу билан бирга у шоир, журналист сифатида ҳам танилган. Унинг ўнга яқин китоблари чоп этилган. Айниқса 2004 йилда нашрдан чиқсан, «Маърифатта бахшида умр» китоби билан отаси Тоир Дадашев ва ўзига ҳайкал қолдириди, барчанинг таҳсини ва раҳматига сазовор бўлди.

Октябрь туманида ишлаган пайтларимда эса Шоабдулла Муродович Шоаҳмедов, Талъат Нурмуҳамедов, Музроб Муродович Қурбонов,

Асомитдин Бўриевич Зиямұқамедовларга, Акмал Икромон туманида Маъсуда Адилова, Абдуғани Тұхтамуродов, Феруза Асадова, Тұлқин Раҳмонов, Гулнора Құчқорова, Галина Демьяновна, Анжела Николаевна Грибанова, Константин Титов, ГУНОда эса Зайнутдинов Ҳожиакбар, Абдуллаев Султон, В.И.Карижская, Султонов Тұлқин каби маорифчиларга раҳнамолик қилиш баҳтига мүяссер бўлдим. Буларга ўхшаган шогирдлар юзлаб. Улар Ватанимиз равнақи учун, халқимиз баҳт-саодатини яхшилаш, халқ маорифини ривожлантириш масалаларида жонбозлик кўрсатиб ишлаб келмоқдалар.

ОИЛАМ: ФАРЗАНДЛАРИМ – АСАЛ ҚАНДИМ

Отамнинг оталари Исмат ота ҳунарманндар оиласидан бўлиб, ип йигириувчи бўлганлар.

Отам Исмат ўғли Йўлчи майда-чуйда улгуржи савдо-сотиқ ишлари билан шугулланганлар.

Онамнинг оталари Шораҳим ота уста-дурадгор бўлиб, кўпчиликни хизматини адо этганлар.

Онамлар Шораҳим қизи Муборакхон уй юмушлари билан банд бўлганлар.

Отамнинг оналари Рихси ая ўша даврнинг маданиятли, илмли кишиси бўлган эканлар.

Онамнинг оналари Зулфия ая ип йигириувчи ҳунарманд бўлган эканлар. Отамнинг оталари Исмат ота оиласидан 5 та ўғил, 3 қиз бўлган экан. Иброҳим, Маҳмуджон, Ҳикматжон, Аҳмаджон, Йўлчи, Робияхон, Татахон ая, Ҳабиба аялардир. Онамни оталарида 2 қиз, 3 ўғил: Мунирахон ая, Муборакхон ая, Шожалижон, Шокаримжон, Шоқорабойлар бўлган.

Дилбархон билан тотув ўтган умримиз давомида Аллоҳ бизга икки қиз ва бир ўғилни туҳфа этди. Фарзандларимизни барчасини давр талабига мувофиқ тарбиялашга ҳаракат қилдик. Меҳнатимиз зое кетмади. Уларнинг барчаси ҳам мактабни олтин медалга тамомлаб, олийгоҳларни ҳам имтиёзил тутатдилар. Фарзандлар вояга етгандан сўнг, ҳар бирини турмушга чиқариш, уйлантириш, ўзларига мос ҳаёт қуриш, ақлми-ҳушли ота-оналарнинг фарзандларини топиш, уларни ҳаётта тўғри йўналтириш ишлари билан шугулландик, натижаси яхши бўлди. Улар турмуш қуришди.

Дилфузахон олий маълумотли, озиқ-овқат тайёрлаш бўйича мутахассис. Маърупхон ТошГАЗ соҳасида турли раҳбарлик лавозимларида ишлайти.

Ферузахон – ҳуқуқшунос.

Азизжон – олий маълумотли ҳарбий мугахассис.
Равшанжон техника фанлари номзоди, чинни заводида цех бошлиги.
Сурайёхон – олий маълумотали. «Фан ва тараққиёт» илмий-
текшириш комплексини илмий ходими, аспирант.
Камолаҳон – Педагогика коллежининг талабаси.
Мадинаҳон – Тиббиёт коллежи талабаси.
Муроджон – 7-синф ўқувчиси.
Зуҳраҳон – олий маълумотли. Тошкентдаги 348-болалар боячасини
мудираси.
Тўлқинжон – олий маълумотли. Ўзбекистон матбуот қўмитасида
цех бошлиги.
Баҳтиёржон – Алоқа коллежи талабаси.
Анораҳон – 186-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
Фарзандларим ота-онасини эъзозлайдиган ўғил-қизлар бўлгани учун
мен улардан доимо миннатдорман. Авлод-аждодлар ичидан бир-
бирини қўллайдиган, меҳрибон бўлишгани учун фахрланаман.
Халқимизда: «Сен ота-онангта нимани рано кўрар экансан, келгусида
шу амаллар фарзандларингдан сенга қайтади» деган ҳикмат бор.
Илоҳим уларнинг менга ва онасига қилган барча эзгу ишлари
уларнинг фарзандларидан қайтсан.

Ўглим Равшанжон ўртанча фарзанд бўлишига қарамай, гўё тўнгич
акадек опа-сингилларига ғамхўр, қариндошларга эса меҳр-оқибатли.
Истагим, у соғ-саломат бўлиб, шу олийжаноб хусусиятини ҳеч қачон
тарк этмасин.

АЗИЗ ФАРЗАНДЛАРИМ, ШИРИН НАБИРАЛАРИМГА

Мен шу ёшга етиб, ҳаётимдан асло нолимайман, Яраттанга
шукр. Аммо, умрим давомида паст-баланд йўллардан ўтишга, аччиқ-
чучук кунларни ўтказишга тўғри келди. Шу асосда билиб-бilmай
айрим хатоларга ҳам йўл қўйганимни инкор этмайман. Шу сабаб
сизларнинг ҳаётингизда ушбу ҳолатлар бўлмаслиги учун ҳаётий
тажрибамдан келиб чиқиб, қуидагиларни ҳаётингизга дастур
сифатида қолдирмоқчиман.

–Толеим доим ёргу бўлсин, омадли бўлай десангиз, ота-она дуосини
олинг.
–Ҳалол, беминнат, бегараз, имонли устоз, раҳбарга шогира
бўлсангиз, ҳаётингизда қоқилмайсиз.
–Назардан қолмай десангиз, ҳалқ корига яранг.
–Насиб этиб, раҳбар ёки устоз бўлсангиз, шогирдни фақат

- қобиiliятiga қараб әмас, виждони ва садоқатига қараб танланг.
- Бошлиққа яхши күринаман деб эътиқодингдан кечма, эл орасида юзинг қаро бўлади.
 - Таъмагир бўлма, дўстларингдан айриласан, кексайтганингда яккаланиб қоласан.
 - Имкониятинг борида яхшилик қилиб қол.
 - Билимсиз, мустақил фикри йўқ, қўрқоқ, ожиз инсон лаганбардор бўлади.
 - Амалдор бўлишга фақат ҳалқ манфаатини ўйлаб, меҳнат қилсангтина ҳақлисан.
 - Ошина-огайнинг кўп бўлади, лекин битта бўлса ҳам дўст топ.
 - Агар амалинг бўлса, бегоналар ҳам дўст бўлишга ҳаракат қиласди.
 - Дўст деб борингда ҳам, йўғингда ҳам ҳамдард бўлганга айтилади.
 - Ҳаётингда ширин сўз, яхши ниятли, меҳрибон, меҳнатсевар бўлсанг, у доимо сенга баҳт келтиради.
 - Ҳар қандай фарзанд ота-онаси учун гавҳардек покдир.
 - Устозинг доимо устоз бўлиб қолаверади.
 - Тўгрилиқда гап кўп, аммо у ҳаммавақт ҳам барчага ёқавермайди.
 - Ҳар бир кексани ҳам донишманд деб бўлмайди, аммо ҳурмат қилиш керак.
 - Эгрилиқка қўл урган одамни яхшиликка қайтариш ҳамманинг қўлидан келавермайди.
 - Инсоннинг ички маданияти доимо ташқи маданиятидан устун бўлмоги лозим.
 - Боғон ёш ниҳолни ўз вақтида ерга ўтқазиб парвариш қилгани сабабли дараҳт ўз меваси билан яхшилик қайтаради.
- Мана шу юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларга иложи борича амал қилишга ҳаракат қилсанг, эл орасида ҳам, она-Ватан олдида ҳам, оиласда ҳам ҳурматли инсон бўлиб, эл назарига тушаверасан.

УМР МАЗМУНИ

Ҳар бир оиласда бўлгани каби бу оиласда ҳам тўнгич фарзанд дунёга келганида ота-она қувониб, эзгу ният ва орзулар билан унга ажойиб исм қўйишиди. Бу исмнинг маъноси якка-ягона бўлган Аллоҳнинг бандаси деган мазмунга эга эди. Юқорида ҳали исмини очиқ баён этмаган бу инсон билан қарийб ярим асрдан буён қадрдомиз, доим бир-биримизни йўқлаб, кўрганда қувониб, кўрмаганда соғиниб юрамиз. Шу ерда бироз чекиниш қилиб, ўтган асримиз ва бошланган янги асримизнинг камина яхши билган, ихлос қўйган, эл-юртга қилган ва қилаётган фидойи меҳнатларидан доим ҳайратга тушиб юрадиган, муборак исмлари «Абдул» сўзи билан бошланадиган замондошларимиздан ўзбек мусаввирлик санъатининг буюк ва беназир даргаларидан бири, улуг шоир ва муғафакир, шеърият мулкининг буюк сultonи Алишер Навоийнинг нурли сиймосини яратишга ўз умрининг чорак асрини багишилаган, Ўзбекистон халқ рассоми, раҳматли Абдулҳақ Абдулаев, ўзбек миллий чолгу асбобини чалишда ўзига хос мактаб яратган, оддийгина най навоси билан етти иқлимга маълум ва машҳур бўлган Абдулаҳад Абдурашидов, ўзининг қарийб ярим асрлик фаолиятини фарзандларимизга билим беришга, уларнинг қалбига зиё нурларини олиб киришга багишилаган, минг-минглаб шогирдларнинг ардоқли устози бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан халқ маорифи ҳодими Абдулаҳад Йўлчиев ҳақида кўп ва хўп гапирсак, уларнинг меҳнатларига чин дилдан қойиб қолиб, тасанно-ю оғаринлар айтсак, ҳар қанча арзиди!

Келинг, энди азиз ватандош, юқорида номларини ва хизматларини юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олган, якка-ягона бўлган Аллоҳнинг суюкли бандаларидан бири бўлмиш Абдулаҳад Йўлчиев ҳақидаги дил розларимизга қулоқ тутинг.

Дунёда эзгу, хайрли хизматлар қилиб, эл-юрт, улуг инсонлар назарига тушишдан ҳам ортиқ баҳт бўлмаса керак! Абдулаҳад Йўлчиев ҳам ана шундай камтарин, қалби дарё, назарга тушган юртдошларимиздан биридир. Ёшлигидан илм олишга қизиқсан, оиласнинг чин маънодаги яккаю-ягонаси бўлган Абдулаҳад Йўлчиев олий билим даргоҳини тамомлаб, бутун онгли ҳаётини фарзандларга таълим-тарбия беришга, улар қалбига зиё олиб киришга баҳшида этди ва ҳамон ўзининг эзгу ишларини давом эттириб келмоқда. Янги-янги мактаблар, мактабгача болалар муассасаларини қуриш

дайсизми, соглом ва ақлли фарзандларни камолга етказиш дайсизми, хуллас ҳалқ таълимими ривожлантириш йулида нимаки қилиш керак бўлса, бу юмушларни бажаришда доимо камарбаста бўладиган инсонлардан бири Абдулаҳад Йўлчиев бўладилар.

...Тошкентнинг даҳшатли зилзиладан ҳаробага айланган оғир кунлари ҳеч кимнинг эсидан асло чиқмайди. Вайроналар ўрнида нафақат турар-жой биноларини бунёд этиш, балки янги таълим масканларини ҳам қуриш даркор эди. Шаҳар чеккасидаги янги «Бешқайрагоч» даҳасида ҳам зилзиладан зарар кўрганларга уй-жойлар, мактаб, боғчалар бунёд этиш жадаллик билан кетарди. Ана шундай иншоотлардан бирини, яъни замонавий мактаб қрилишини янги ўқув йилига қуриб битказиш вазифаси кўндаланг қилиб қўйиди. Ҳукуматимиз мадади. Абдулаҳад Йўлчиев каби ўз қасбига фидойи, масъулиятни чуқур ҳис қилувчи инсонларнинг жонбозлиги билан шундай мактаблардан бирининг очилиш маросимига Республиkaning ўша пайтдаги сардори, раҳматли Шароф Рашидов бошчилигидаги раҳбарлар ташриф буюришиди. Ҳамма нарса мактабнинг тантанали очилишига тахт қилиб қўйилган эди ва ниҳоят орзу қилинган қувончли дақиқалар келди. Алвон тасма қирқилгач, тантанага келган меҳмонлар янги мактабда ўқувчилар учун барча қулайликлардан мамнун бўлиб қолишаётган пайтда Шароф Рашидовнинг диққатини бир инсон ўзига тортиб қолди. Ушбу мактаб қурилишида тунни кунга улаб, одамларнинг бошини қовуштириб, мактаб ўз вақтида фойдаланишга тоншириш учун елиб-юргурган, ёз қуёшининг тафтидан қорайиб кетган бу инсон Абдулаҳад Йўлчиев эди. Үнга республикамиз раҳбари қўл узатиб, бажарилган ишлардан мамнунлигини изҳор этганида, Абдулаҳад Йўлчиевнинг кўпчилик билан қилган фидойи меҳнатлари шундай эътибор ва эътирофга сазовор бўлганлигидан боши осмонда эди. Шу воқеадан кўп ўтмай, үнга «Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ҳалқ маорифи ходими» деган юксак унвон берилди.

Абдулаҳад Йўлчиевнинг устоз мураббийлик фаолиятида бундай қувончли, ҳамма орзу ва ҳавас қиласидиган лаҳзалар бисёр. Унинг Тошкент шаҳар ҳалқ таълимими бош бошқармасида, шаҳримизнинг қатор тумашлари ҳалқ таълимими бўлимида масъул раҳбарлик вазифаларида қилган ишлари, кўрсатган фидойиликлари ҳақида кўплаб гапирса арзиди. Мен ҳали юқорида Абдулаҳад Йўлчиев билан қарийб ярим асрдан бери яқин биродар бўлиб келаётганилигимизни айтган эдим. Кишининг бошида қувончли онлар, ташвишли дамлар бўлиши табиий ҳол, албатта. Камина ва Абдулаҳад акани билган, таниган, у билан дўстлашган кишилар, шогирдлар у

кишининг пойтахтимизнинг ҳозирги Кичик ҳалқа йўли ёқасида жойлашган файлзли 67-хонадонига кўп марталаб ташриф буюрганимиз. Ўзлари каби яккаю—ягона бўлган суюкли ўғиллари Равшанжоннинг оқилона ва доно қизлари Дилфузахон ҳамда Зуҳрахоннинг, бирбиридан ширин невараларининг тўй тантаналарида, вафодор рафиқалари ўз исмлари билан чин дилбар ва дилдор Дилбархон кенойининг бевақт оламдан кўз юмган қайгули маросимларида қатнашганимиз ва бу инсоннинг иродасига қайта-қайта қойил қолганимиз. Ундан бошқалар ибрат қилиб оладиган ажойиб одамийлик фазилаглари бисёр эканлигига ҳам иймон келтирганимиз. Умрни оқар дарёга қиёслайдилар. Чиндан ҳам шундай. Бинобарин, инсонга бир марта умр берилар экан, шундай яшамоқ керакки, инсондан яхши ном, эзгу амаллар қолсин. Шундай яшамоқ керакки, умр кечирган инсон ҳақида нафақат тириклик чогида, балки ундан кейин ҳам одамлар фақат яхши таплар айтсин. Абдулаҳад Йўлчиев шу жиҳатдан олганда ҳам бутун ҳаёти давомида ибратли, ҳавас қиладиган умр кечириб келмоқдалар. Қалби каби оппоқ соchlари ўзига жуда ярашадиган бу камтарин инсоннинг қилган эзгу ишлари, табаррук ёшидан ошганларида ҳам фидойилик билан бажараёттан юмушлари, муҳтарам юртбошимиз раҳнамолигида юртимиизда амалга оширилаёттан таълим тизими буйича ислоҳотларга қўшаёттан улушлари ҳар қанча мақтovга, таърифу тавсифга сазовордир. Ҳаётнинг, умрнинг мазмуни ана шундай мезонлар билан ўлчанишида бир олам мужассам.

Ёшундай эмасми, азизлар!?

*Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими.*

ҲОЖАТБАРОР ИНСОН

Абдулаҳад aka билан мен 1970 йилда танишганимман. У кезларда Абдулаҳад Йўлчиевич Чилонзор туман маориф бўлимининг бош назоратчиси, мен эса 138-мактабда ишлардим. Куринипдан кичик жуссали бўлса ҳам ўзига хос салобатта эга. Доимо очиқ чеҳрали, ширин муомалали бу инсоннинг ёш бўлишига қарамай, қуюқ соchlарининг кўп қисмини кумуш толалар эгаллаган эди. Бу унинг ёшлик ва ўсмирилик йиллари анча қийин кечганилигидан далолат эди.

Барча мактаб илмий бўлим мудирлари қатори мен ҳам ҳар чорак якуни буйича Абдулаҳад акага ҳисобот топширап эдим. У киши ниҳоятда қаттиққўл эдилар. Сабаби, мактабнинг барча босқичларини муваффақиятли босиб ўтган, таълим-тарбия ишини пухта эгаллаган мутахассис эди.

Тақдир тақозоси билан 1980 йилларда маориф мудири сифатида у киши билан сафдош бўлиш баҳтига мұяссар бўлдим. Ёш раҳбар сифатида акахондан кўп маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олдим, ҳатто дўстлари қаторига қўшилдим. Абдулаҳад aka яхши инсоний фазилатларини ўзида мужассам этган исонлардан ҳисобланади.

Меҳр-оқибат, эзгулик у кишининг шиори эди. Айниқса, устозларга нисбатан у кипининг кўрсатган садоқатига мен бир неча бор гувоҳ бўлганман. Бу борада жуда кўп мисолларни кўрсатиш мумкин.

Устозлар, дўстлар, ҳамкасларнинг қандай тўй, маъракалари бўлмасин, унинг бошида доимо ҳозиргача бел bogлаб, ҳозиру нозир бўладилар.

Абдулаҳад aka инсонларга тўгри ва самимий маслаҳатини аямайди. Кўпинча ёрдамга муҳтоҷ кимсаларга дарров чора топишга ҳаракат қилар, ҳатто ўз раҳбарларини нотўғри қарорларидан қайтариш қобилиятига эга эди. Шу сабаб, кўпчилик ёшлар у кишига интилар ўзининг ҳожатбарори сифатида қабул этади.

Абдулаҳад aka тиниб-тинчимас инсон. Меҳнат нафақасига чиққанларига бир неча йил бўлишига қарамай, мактаб раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Илоҳим омон бўлсинлар!

*Шукур ДАДАШ,
Ўзбекистон Ёзувчилар Уюмасининг аъзоси.*

СЕРГАЙРАТ РАҲБАР

Уттан асрнинг 70-йилари эди. Мен пойттаҳт Чилонзор туман 200-мактабда бош илмий бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатардим. Мактабнинг ўқувчилар жамоаси икки мингдан ортиқни ташкил этарди. Бу ўз-ўзидан мендан саҳардан то кун ботгунча ишлашни тақозо этарди. Мен ва директоримиз Восиқ aka асли деҳқон оиласидан бўлганимиз учун мактабда полиз маҳсулотлари, олма, нок ва турли гуллар етиштириларди. Мактаб остонасиға қадам қўйган киши чиройли тараалган узум ишкомига дуч келарди.

Чилонзор туман ХТБнинг бош назоратчиси, тиниб-тинчимас Абдулаҳад Йўлчиев кўп тадбирларни бизда ўтказиб, кўпчиликка ишимизни кўз-кўз қиласиди. Тез орада Абдулаҳад aka раҳбарлик лавозимларига кўтарилиб, 1977 йилларда Ақмал Икромов туман

ХТБнинг мудири этиб тайинланди. Аниқ эсимда. 1981 йил бошланган пайт эди. Кечки пайт Абдулаҳад ака менинг уйимга келиб: «Маҳкамбой ака, Чилонзор мактабини роса гуллатдингиз, директор паноҳида юриш етар. Энди мустақил раҳбарликнинг аччиқ-чучугини ҳам бир тотиб ўзингизни кўрсатинг» деб энди пойдевори кўтарилаётган Бешқайрагоч даҳасидаги 129-мактабга раҳбар этиб тайинлади.

Мактаб янги ўқув йилига битиши, очилишига Шароф аканинг келиши кутиласди. Мактабда ҳар куни шаҳар, туман раҳбарлари штаб ўтказарди. Абдулаҳад ака қурилиш ишига тумандаги барча мактаб, боғчаларнинг техник хизматчиларини жалб этган, уларнинг келишини шахсан ўzlари назорат қиласарди.

Мактаб очилишига саноқли кунлар қолган, ҳовлидаги ободонлаштириш ишлари билан шугулланар эдик. Якшанба куни эди. Кутимаганда туман фирмә қўмитасининг котиби Ҳожиакбар Камолов ва бошқа салобатли инсонлар ташриф буюришиди. Таништиришдан сўнг иккинчи шахс Министрлар Советининг раиси экан. У киши РайОНО мудирини чақиришни, унга бир неча саволлари борлигини айтди. Шунда тезда Абдулаҳад акани мактаб ичкарисидан чақириб келдим. Мудир эгнида халат, туфли ва шимлари чанг аҳволда раиснинг олдига келди. Раиснинг бу ҳолатдан кўзи қувонгани яққол сезилиб турарди.

Мактаб муваффақият билан очилди, барча мамнун бўлди. Абдулаҳад ака меҳнат таътилига кетди. Ўқитувчилар байрами арафасида газетада Абдулаҳад Йўлчиевга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони берилганлиги ҳақида фармон чиқди. Бу сергайрат раҳбарнинг меҳнатига муносиб баҳо эди.

*Маҳкам ГАДОЙБОЕВ,
халқ таълими фахрийси.*

КАСБГА МЕҲР

Абдулаҳад Йўлчи ўглини мен болалик йилларимданоқ танийман. Бизлар Самарқанд Дарвоза, уларнинг оила аъзолари қўшни Ўқчи маҳалласида истиқомат қиласардик. Абдулаҳад билан 13,85-мактабларда таҳсил олганмиз. Болалиги анча мушкул кечтан, аммо шунга қарамай, ўқишига иштиёқи баланд, қобилияти зўр эди. Тошкент политехника институтини муваффақиятли тамомлаб, инженер деган мутахассисликка эга бўлди. Бу ўша даврда кўпчилик

орзу қиласынан касб бұлиб, маңаллай ақоли ичіда техника бүйіча ҳунармандар кам зди. Шунга қарамай, Абдулахад негадир муаллимлик касбини танлаб иккінчи олийгоҳни ҳам битирди ва илк мекнат фаолиятини пионервожатийликдан бошлади.

Мен XX асрнинг 70-йилларида Тошкент шаҳар Фрунзе (ҳозирги Яkkасарой) туманида маориф мудири сифатида фаолият күрсатаёттап давримда дүстім Акмал Икромов туманига маориф раҳбары бұлиб келди. Биз бу лавозимни эстафета тарзида олган бұлсак, у эса бириңчи маориф раҳбары, уни бириңчи ташкилотчиси сифатида тарихда қолди. Шаҳардаги күпчилік раҳбарлар А.Йұлчиевни суюшар, унға ишончлари қатта зди. Шунинг учун булса керак, Бектемир тумани шаҳар таркибиға құшилғач, РайОНОни ташкил этишни унға тоширишди. У бу вазифаны ҳам мұваффақиятли уddyалади ва күпчилік ишончини оқлади.

Абдулахад Йұлчиев ҳақиқиј маорифчи десам муболага бұлмайды. Сабаби, у маорифчига хос мәданият – шириңсүзлик, юшшоқ мұомала, қамтаринлик каби фазилатлар сохибидір. У нафақат ҳамкаслары, балқи құл остидаги ходимларига ҳам қаттың сұзлагани, уларнинг шахсиятига текканини асло әслай олмайман. Аксинча, уларға мөхрибон, уларнинг мушкулини осон қилишга доимо ҳаракат қылған. Ҳамкасбимнинг яна бир одатларидан бири раҳбарига садоқат билан хизмат қилиш зди. У бу ишни ҳам юракдан бажаарарди, аммо бу ҳаракатига улардан гоҳо адолатсиз жавоб ҳам оларди. Менинг турмуш ўртогимнинг исми Диілбархон бұлиб, маорифчи зди. Ўртогимнинг рафиқаси ҳам Диілбархон бұлиб, у ҳам маорифчи, қамтарин, оддий жафокаш аёл зди.

Абдулахад ўз касбига меҳр қўйған. Шунинг учун ҳам 65 ёшга қадам қўйса ҳам ундан воз кечолмайды. Ҳозирги кунда Тошкентдеги 167-мактабда раҳбар, ундан ўқитувчилар ва ота-оналар жамоаси ниҳоятда мамнун. Дүстімга асло толиқиши билмай, умрининг сұнгти кунигача севған касбидан ажралмасын дейман.

*Үткір ФАЙЗИЕВ,
«Халқ таълими аълоғиси».*

ТУГМА МАОРИФЧИ

1991 йиллар зди, мен маңалламиз яқинидаги 394-богчада мусиқа раҳбары бұлиб ишлардым. Кунлардан бир күн bogчамизга туман маорифининг мудири Абдулахад Йұлчиев кириб келдилар. Мудира – онам Одила Үмарходжаева у кишини bogча ҳаёти билан

таништирилдилар. Болалар маскани тумандаги барча боғчалардан озодалиги, кўкаlamзорлиги, инглиз тилини, мусиқани чуқур ўзлаштириши билан ажралиб турад эди. Богчамиз «Ором» номига яраша оромгоҳ эди. Абдулаҳад aka боғчадан кетатуриб:

—Хўш, Гулихон, келгуси режаларингиз қандай? — деб сўрадилар. Шунда мен боғчани келажакда мусиқа гулшанига айлантириш ҳақидағи фикрим билан ўртоқлашдим ва ёрдам берсангиз бўлди дедим. Улар «Баракалла, Гулихон, албатта ёрдам берамиз» дедилар ва тез кунда қўшимча бино қурилди. Кутубхона, инглиз тили, спорт зали, мусиқа хоналари ишга тушди, бу ишларга жонкуяр тиниб-тинчимас раҳбаримиз Абдулаҳад aka бош-қош бўлдилар.

—Гулихон! Сендан талаб шуки, яқин ойлар ичида боғча Республикага танилиши керак, чунки бунга энди барча шарт-шароитлар етарли, — дедилар.

Фаришта омин деган экан, Абдулаҳад Йўлчиевнинг кўрсатган ёрдамлари туфайли Республикага танидик. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллик тўйида боғчамиз тарбияланувчиларининг чиқишлари ва қизимиз Захрохонни Президентимиз кўтариб, бағриларига босишлари бизни ниҳоятда илҳомлантириди, ҳатто қўзимиздан севинч ёшлари қалқиди. Бу эса бизни янада яхшироқ ишлашга, туманимизда шундай боғчаларни кўпайишига асос бўлди.

Акмал Икромов туманида янги боғчалар, мактаблар қад кўтарди, туманда оромгоҳлар ишга туширилди. Бу ишларнинг бошида Абдулаҳад aka барча ходимларни бирлаштириб бош-қош бўлдилар. Онам Оила опа нафақага чиққач, мудира этиб тайинландим. Шу даврларда устозлардан яна бир хусусиятни ўргандим.

Устоз туманда ҳар хил тадбирларни, ўтказиладиган мажлисларни айтилган вақтда ўтказар эдилар. Ҳеч бир раҳбарни кеч қолишини ёқтирилас. Доимо сизларни ходимларингиз сизлардан ўрнак олади дердилар. Ҳётимизда шундай одамлар борки, уларнинг меҳр-муҳаббати чашмасидан, маърифат хазинасидан беҳисоб одамлар баҳраманд бўлади, бундай устознинг меҳр-саҳовати ҳар бир шогирда қалбида чуқур из қолдиради.

Тақдир тақозоси билан ҳозир маориф раҳбариман, мудир этиб тайинланган кунимоқ биринчи бўлиб Абдулаҳад aka келиб, мени қучиб табриклидилар.

Меҳрибон устознинг:

—Шогирдим шу лавозимга кўтарилган экан, мен бундан фахрланаман, бу менинг ютуғим, — деганларида қўзимдан маржон каби севинч ёшлари тўхтамади.

«Устоз отангдек улуғ» деганлари шу бўлса керак.

Тұғма маориғчи Абдулақад Йұлчиеевнинг курсисида ўтириб, у кишининг ишини ұzlары берган сабоқлари асосида давом эттирмоқдаман.

Мен учун төгдек сұянчиқ, маслағатгүй устозим борлигидан баҳтимизга омон бұлсингилар!

*Гулнора ҚҰЧҚОРОВА,
Тошкент шаҳар, Ақмал Икромов
туман халқ таълими бўлими мудири,
«Соглом авлод учун» ордени соҳибаси.*

ТИНИБ-ТИНЧИМАС РАҲБАР

Абдулақад ака шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари сифатида ишлаган кезларида физкультура ва спорт масалаларига мутасадди эдилар. Ўзларининг атрофларига спорт мутахассисларидан Анатолий Блинков, Баҳром Тұхтабеков, Константин Титов ва мени турли тадбирларга жалб этардилар. Ўзлари математика ўқитувчиси бўлсалар ҳам жисмоний тарбия масалаларини қийналмай таҳдил эта олар эдилар.

1977 йилда Ақмал Икромов тумани маориғчилариға раҳбар этиб тайинландилар. Шу даврда мен 193-мактабда ишлар здим.

Биринчи хайрли ишлари бизнинг мактабимиздан бошланди. Мактаб узоқ йиллардан бери кўмир билан ёқилар, асло исимас, атроф қоракуяга беланиб ётар, тозалик учун дакки эшигардик. Абдулақад аканинг саъй-ҳаракатлари билан маблаг топилиб, иссиқлик қувурлари тортилиб келинди ва маҳалла аҳдининг ҳурматини қозонди. Шу билан бир қаторда ижроқўм раисининг муовини, рапортан раиси, депутат Азиз Раҳматуллаев билан ҳамкорликда бошлангич синflар учун қўшимча бино қрилди.

Мактаблар ва боғчаларда спортнинг барча турларини жонлантиришга алоҳида зътибор бердилар. Натижада туманимиз спортчилари шаҳар бўйича доимо совринли ўринларга эга бўлдилар. Ундан ташқари туман ва шаҳарда ўтказиладиган «Қувноқ стартлар» мусобақаларида ҳам яхши кўрсаткивларга эга бўлдик, ҳатто Белоруссия Республикасида ўтказилган Бугуннитифоқ мусобақасида қатнашишга муваффақ бўлдик.

Мактабларда спортнинг турлари бўйича жонкуяр ўқитувчилар астойдил иш олиб борардилар. Булар Қурбон Шарапов, Жўра Авезов,

Миша Хлебов (44), Юрсуной опа (129), Жўра Раҳимов (75), Вячеслав Мороз (74), Геннадий Худяков (107)лар спортнинг енгил атлетика, қўл тўпи, волейбол, гимнастика турларидан фақат шаҳарда эмас. Республикаизда етакчи ўриниларни олишар, 1980 йилда Москвада ўтказилган олимпиада ўйинида туманимиз ўқувчилари Республика шарафи учун қатнашган. Бу ишларни уюштиришда, амалга оширишда, шароитларни яратиб беришда раҳбаримиз Абдулаҳад Йўлчиевнинг раҳнамолиги, ишбилармонлиги бошқа раҳбарларга қараганда анча ажралиб турарди.

Абдулаҳад акада одамларни бирлангтира билиш, ташкилотчилик қобилиятлари кучли эди. Ўзига ҳам, бизларга ҳам тинчлик бермасди, бир сўз билан айтганда тиниб-тинчимас раҳбар бу инсон.

*Тўлқин ҲАЙДАРОВ,
«Бешқайрагоч» маҳалла
фуқаролар йигини раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ҳалқ таълими ходими.*

УСТОЗ ДОИМО УСТОЗ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

Абдулаҳад Йўлчиев 2001 йил февраль ойида бизнинг мактабга раҳбар бўлиб келдилар. Мактабни ўрганиб чиқдилар, мактабимиз анча пугури кеттан, шароитлари оғирроқ эди. Жамоани йигиб секин-аста режа асосида тушунтириб, яқин 3-4 йил ичиде мактабимиз тумандаги ўртача мактаб қаторига олиб боришни мулоҳимлик билан тушунтириб, иш бошладилар. Шу ўкув 2000-2001 йилидан бошлаб мактабда ободонлаштириш ишларини бошлаб юбордилар.

Мактаб орқа томонида жарлик бўлиб, ўралмаган эди, улар терак дарахтларини эктириб, мактаб атрофини ўрадилар.

Мактабдаги катта, қуриган дарахтларни кестириб, ўрнига мевали дарахтлардан олма, олча, ўрик, шафтоли, нок, беҳи, тут дарахтларини, кўчатларини экдилар.

Мактаб кўчасидаги ерга беда ва манзарали гуллар экдилар. Мактаб ҳовлиси доимо яшил бўлиб туриши учун беда ва атиргул кўчатлари экдилар.

Мактаб орқасидаги ташландиқ ерга жўхори, супурги, чеснок ва бошқа экинлар эктириб, кўкаламзорлаштиришга катта ҳисса қўшдилар.

Мактаб спорт майдончаси ўқувчилар ёрдамида таъмирланди. Теракларни сугоришни йўлга қўйдилар. Мактаб ички ҳудудида эса

анчадан бүён ремонтталаб бўлган мактаб спорт зали ва мажлислар залини капитал ремонт қилинди.

Ҳар бир синф хонаси, фойе, йўлаклар ҳам капитал таъмир қилинди. Синф хоналарини талаб даражасида жиҳозлашга эрищдилар.

Биринчи қават йўлкасига бу йил линолиум қилиш мўлжалланган. Ҳар бир қаватни галма-гал линолиум қилиш мўлжалланган. Спорт зали ва мажлислар зали деразалари ойна билан қопланган. Спорт зали ва мажлислар зали дераза ойналари қирқулоқ эди, ҳаммаси бутун ойналар билан қопланди. Фаоллар залидаги барча анжомлар сифатли таъмирланди. Биринчи синфдан бошлаб мактабда рус тили, чет тили ўқитилишига эътибор бердилар, кадрлар қўнимизслигини бартараф этдилар. 9-11-синф битирувчиларини 90 фоизга ўқиш ва иш билан таъминлашга эрищдилар.

Мактабимизни ота-оналари, участка нозирлари, маҳалла жамоаси, оқсоқоли билан алоҳида амалий ишлаб олиб бордилар, натижада ҳозирги кунда доимо маҳалла аҳли ҳам, ота-оналарга ҳам маслаҳаттўй, кимни нима иши бўлса, мактабдан ташқари булўрга тўғри йўл кўрсатадилар, ундан ташқари мактабимизга bogча мудираларидан, мактаб раҳбарларидан маслаҳатга келиб турдиганлар сон-саноқсиз.

Бу ишларга чарчамасдан одамларни кўнглини олишга ҳаракат қиласдилар.

Бизни мактабимиз жамоаси устоздан анча ҳаётий ишларни ўрганиш билан ақлли, заковатли, маслаҳаттўй, ишбилармон, бизга янада ишда ҳам, оиласда ҳам ҳамдардлик билдирадиган раҳбар билан ишлаш анча завқли эканлигини тушуниб бормоқдамиз, маорифчилар баҳтига шундай одамлар кўп бўлсин деймиз.

*Минаввар ҚАМАРИТДИНОВА,
167-мактаб раҳбар муовини.*



Отамнинг аялари Рихсия ая



Отам Исматов Йўлчи



Онамнинг оталари Шо Ахмад уста ўз фарзаңдлари билан



Онам Муборакхон Шо Ахмад қизлари



Умр йўлдошим Дилбархон билан



Дилбархон қизлари сингиллари билан



Фарзандларим билан



Укаларим билан



Сингилларим ва Қобиљон билан



Дилбархон фарзандлари ва синглиси билан



Набираларим



Келиним ва набираларим



Акмал Икромов тумани І-котиби Комолов Хожиакбар Комолович туман ҳалқ таълими мудири Йўлчиев Абдулаҳад йўлчиевич Метод кабинет мудир Сайдахмедов Махмуд Сайдахмедович мактабда ўзаро сухбатлашмоқда



Ором номли болалар мажмуасининг очилиш маросими.
«Узбекистон ҳалқ таълими вазири Йўлдошев Жўра Фаниевич, Вазирлар махкамасининг маъсул ҳодими Турсунов Ислом Турсунович, туман (ҳалқ таълими мудири Йўлчиев Абдулаҳат йўлчиевич,) «Ором» болалар мажмууси мудираси Кўчқорова Гулнора Мамараимовна



Узбекистон халқ таълими вазири Шермуҳамедов Сайд Шермуҳамедовчич, Акмал Икромов тумани 1 котиби Комолов Ҳожиакбар Комилович, Акмал Икромов тумани ижроия қўмитасининг раиси Абдурасулов Гуломназир Абдурасулович, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасини бошлиги Йўлдошев Ҳамидулло Қаюмович, Акмал Икромов туман халқ таълими бўлими мудири Йўлчиев Абдулаҳад Йўлчиевичлар ўзаро келгуси режалар ҳақида сұхбатлапимоқдалар



Халқ таълими ходимлари Оқ-тепа махалласи йигинидаги иштироки



Акмал Икромов тумац ҳалқ таълимии ходимлари ўзлари ободонлаштирган боғда



Ахмад Яссавий мақбарасига зиёрат вақтида
Мирзажонов Ўткир Абдужалилович, Йўлчиев Абулаҳад, Йўлчиевич, Йўлчиева
Дилбархон Муротовна, Одилова Маъсудо Содиковна, Акбарова Ферузахон
Акбаровна Йўлдошев Ҳамидулла Қаюмович, Нурмуҳамедов Таълат Гофурович,
Дадашев Шукурулла Тоирович, Султонов Тўлқин Ахмедович, Шоаҳмедов
Шоабдулла, Зокиров Ислом Исҳоқович, Жалолов Нуридинлар



Акмал Икромов туман халқ таълими ходимлари



Акмал Икромов туман халқ таълими ходимлари



Фарзандларим ва набираларим билан



Набираларим оиласы даам олаёттган пайитимизда



Оила даврасида, Үткиржон, Ботир ака, Шавкатжон, Равшанжон,
Мажитжон, Раънохоналар



Самарқанд шаҳрида зиёрат
қиласан вақтимиз 1986 й.
Абдулла Исматов Ахмедович,
Боҳодиржон, Мен, ва
Самарқандлик биродаримиз
Бахтиёржон



Симпропил Ўзбекистон санаториясида
оиласавий дам олиш даври



Кисловодскийда оиласавий дам олиш даври



Украина Лъвов шахри 76-
Ахунбобоев номли мактабда.



Кислонодскийда оилавий дам
олиш даври



Набирам Мадинахон билан



Келинларим Матлубаҳон, Сурайёҳон, Куёвларим Маърупхон,
Тўлқинжонлар, Қизим Зухроҳон, Набирам Ферузахон, Абирам
Рашитжон



Укам Ғофуржон Ўгиллари



Шайхонтохур тумани 324 мактабда ўтказилаётган йил ўқитувчиси
конкурсидан лавҳа
Ходжаева Любовь Анатольевна, Иўлчиев Абдулаҳад Йўлчиевич,
Эшбоев Жамолитдин Раимқулович, Исмоиловна Тамара
Жабборовна, Шамсутдинова Валентина Загидовна, Шарипова
Ферузахонлар



Шайхонтохур тумани ҳалқ таълими мудири
Эшбоев Жамолитдин ва мен Алишер Навоий боғида



Шайхонтохур тумани 167-мактаб раҳбар хонасидағи сұхбат
Раҳбар мұсовинлари Қамаритдинова минавар, Қодирова Сайдалар



Гадойбоев Махкамака билан Чимён санаториясида

Ижод намуналари:

ОҚ ДАСТУРХОН

(Бўлган воқеа)

Бу гулшан ичраки йўқтуп

Бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур чиқса

Яхшилик билан от.

(Алишер Навоий)

1945 йил. Тошкент шаҳрида Самарқанд Дарбоза кўчаси «Сузук ота», «Чуқур кўпприк», «Занги ота», «Илгари» маҳаллаларини ўз ичига олган эди.

Ўша даврларда Тошкент шаҳри тарихга эга бўлган бир неча дарбозаларга бўлинган бўлиб, шулардан бири Самарқанд Дарбоза кўчасидир.

Бу кўча Чорсудан бошлинар, йўллари чиройли текис терилган тошйўлдан иборат бўлиб, охири Самарқанд — Дарбозагача у ёги бир Кўён араваси сигадиган тор кўча орқали Новза сувигача йўл бор эди, атрофи колхоз ерлари, шаҳарли одамлар баҳордан чиқиб кузгача бўлиб, қилинган меҳнат эвазига, мева-чеваларни териб келадиган дала боғлардан иборат эди.

Ўша даврда шу кўчамиздаги бир неча хонадонларда бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилмоқдамиз.

Бола эдик, Мурғак қалбимиз бегубор бўлса ҳам, шўхлик, ўйинқароқлик, севинчу қувоня дилимизни така-пука қилиб турса ҳам ҳаммамизнинг юзимизда сўлгинлик, руҳиятимизда маюслик, хатти-ҳаракатларимизда мискинлик, бир сўз билан айтганда катталарга хос ғамбодалик бор эди. Биз тенгқур болалар тирик етимлар эдик, оталаримиз урушга кетишган, ўйларимиз ҳувиллаб қолган, ҳаммамиз оч-наҳор юраверганимиздан ранги-рўйимиз саргайган, озиб тўзиб кетганимиздан полиздаги «қўриқчилик», гўё шақ-шуқ суюгимиз, қуруқ теримиз қолгандек эди.

Бола эдик, ўша пайтларда ҳам бу олам, думалоқ сайёрамиз — Ер шари ҳув жарлиқдаги сув тегирмоннинг гардиш тошига ўхшаб айланар, кун ўтар, тун тунар, яна тонг отар. Ер ҳамон чарх уриб умр кечиб борар, биз тенгқур болалар ҳориган одам тепаликка қўтарилаёттандек амал-тақал улгайиб борардик, улгаяётганимизни ҳам билмасдик. Тонг отганини мактабга кеч қолмайлик деб юрганимизни, ўқишидан чиқиб далада кечки овқатга ўтин йигганимизни, гоҳ бугдойзорда қолган-қутган бошоқларни терганимизни, кеч тушганда қорнимиз очиб, силламиз қуриганча,

бурнимиз ерга теккудек ҳолатда ҳовлимизга кириб келганимизни, онажонимиз раҳм қилиб тайёрлаб қўйган бўлсалар шулдур-шўп гўжани ичиб, ўринга гум ошиб уйқута кетаёттанимизни билардик, холос.

Ҳа бола эдик. Қалбимиз губорсиз, қўнглимиз эҳтироссиз эди-ю, бутун вужудимиз билан эзилиб, маъюс-мискин тортиб юрардик. Ахир, тирик етим эдик-да. Суянган тогимиз, ишонган богимиз Онажонларимиз эди. Ҳамма нарса: турмушга, рўзгорга бор-йўққа, хаста-касалга, очлик-йўқликка, кийим-кечакка, мурғак болаларнинг таълим-тарбиясига, хуллас ҳаётнинг оғир гидирагини айлантирувчи онажонлар, мункиллаб қолган бувижонлар эди.

Бола эдик. Қалбимиз губорсиз эди-ю, тинч осмонимизни қоп-қора даҳшатли булат босиб кун ботар томонда қирғин-барот уруш бўлаёттанини, шаҳар ва қишлоқлар ёниб вайронага айланадиганни бизнинг ота-акаларимиз ҳон кечиб, жон бераёттанинни, мардана кишиларимиз ҳалок бўлаёттанинни мурғак юрак билан ҳис этардик. Дўстларим Ҳамидулла, Маҳмуд, Забиҳилла, Насрулло, Жамол, Абдулла, Аҳаджон ва мен дала ҳовлимизнинг этак томонидаги жарлик олдига кечқурунлари борар эдик-да, баланд тепаликка чиқардик:

— Қаранглар, кун ботар томон ёнаяпти! — деб аюҳаннос солардик.

Ўртоқларим кенг у кун ботар осмоннинг қип-қизаридек кеттанига тикилишиб қолар, назаримда улар сеҳрлангандек туюлар, оппоқ юзлари шафақ алансидан мисранг тусда товланар эди. Ичимиизда содда ўртоғим Ҳамидулланинг юзлари йиглагандек буришиб кетарди-да:

— Вой-ву, урушнинг алансидаги осмонгача етибди, қаттиқ бўлаёттан экан, — дерди.

Тенгқур ўртоқлар унинг ваҳима гапига кулардик-да тасалли берардик:

— Уруш жуда узоқда... Бу алантага қуёшнинг ботишидаги нур чақнаши-ку... Бу шафақ алансидаги чиройли, — дердик.

Содда Ҳамидулла ҳамон кун ботар томонга тикилганича ҳайратда қотиб туарар, бирдан ўша томон учидаги бораётган гала-гала қушларни кўриб икки қўлини баланд кўтарганича қичқиради:

— Қушлар! Жон қушлар! У томонга учманг! У томонда уруш бўлаяпти!... Ҳаммангиз ёниб кетасиз!.. Тенгқур ўртоқларим орасида бўйим улардан пастроқ бўлса ҳам, ҳаммаларини туртиб олдинга ўтардим-да, илтижо қилиб бақирадим:

— Қушларжон! Уруш бўлаётган жойларга тез учиб боринг!
Дадажонларимизга салом айтинг, бизнинг согинганларимизни
айтинг!

Ортимда бақириб-қичқириб турган ўртоқларим менинг
илтижоимни эшигиб, бир зум жим бўлиб қолишарди. Ахир менинг
қушларга қилаётган илтижоим уларга ҳам ёкиб тушар, улар ҳам
дадажонларига салом йўллашни исташар эди-да.

— Қушларжон! Уруш бўлаётган жойларга тез учиб боринг!
Дадажонимизга салом айтинг!

Ҳамма ўртоқларим шу оҳангда бақириб-қичқириб учар
қушларга нидо қилишарди.

Бола эдик. Жар-жулгаларда елиб-югуриб уруш-уруш
ўйнардик-да, «немис»ларни итдек қувлаб, жарлик сувига
бўктирадик. Голиб чиққанимиздан кейин, ҳаллослаб қирғоқдаги
кўм-кўк майсалар устига узала тушиб ётиб олардик. (Катта
бўлганимизда шуларни эслаб, болалигимизнинг энг гаройиб онлари
фақат ўша эканини ҳис қилганимизда кўзларимизга беихтиёр ёш
олиб қўямиз), кейин дилимизга яна гамгинлик тушарди-ю, худди
кўнглимишдек зим-зие ўйимизга қайтардик.

Ҳа, бола эдик. Ўйинқароқлик ҳам, дала болаларига хос шўхлик
ҳам, гайрат-ишчанлик ҳам доим ҳамроҳимиз эди. Кеч кузгача далада
ишлилардик. Лой кечиб картошка терардик, карам кесардик, юдузлар
чарақлаб чиққанда ҳам қанд лавлагиларни кавлаб олардик. Биздан
сал ёши каттароқ болалар қўш ҳайдар, аравада сабзавотларни
омборга ташир, колхознинг энг оғир юмуш-ишиларини бажаришар
эди. Далада беш-олти яшар болалардан тортиб, оналаримиз, буви-
буважонларимиз ҳам ишлашар, урушга деб мева-чевами, сабзавот-
резаворми, йигиг аравага ортардик.

Кечқурунлари ҳувиллаб қолган далаларда емишлик териб
юрганимизда, хув дала этагидан жуда узун ва баҳайбат аждарга
ўхшаб поездлар карвони ўтарди, устида худди чўккалаб ўтирган
филга ўхшаш танклар кун ботарга ўқ отарини тўтирилаб учиб борар
эди.

Бола эдик. Қуроллар ортилган поездлар кун ботарга қанча
тез борса, оталаримизга мадад бўлишини худди тушунгандек,
танкларга қўл силтаб хайлышардик. Поезд карвони далалардан
ўтиб уфқда гойиб бўлиб кеттунча кўз узмай тикилиб туардик.
ойижонларимизу, опа-сингиллар-у, ҳамма сехрлангандек бир зум
жим қоларди-да, яна индамай эгилганича ишга берилиб кетарди.

Далаларда чарчаб-эгилиб ишилардик-да, яна гамгин уйга

келардик. Ҳар куни, кунора маҳаллада қайгули гап тарқарди:

— «Құчкор отанинг ўғли Ҳикматдан «қора хат» келибди! Бечора саксонга кирган чол кампирдан айрилиб, Әлгиз қолган эди, ёмон бўлибди. «Қора хат»ни билдиrmай қўя қолинглар, холидан хабар олиб туринглар!».

— «Ойша хола бечора очликдан кунжара еб, шишиб кетибди».

— «Сарви холанинг қизи Гулсун ичтерлама бўлиб қолибди».

— «Мухаррам келиннинг очликдан сути қуриб, чақалоги нобуд бўлибди».

Ҳар куни шунаقا гап. Бир-биридан кўнгилсиз хабарлар.

Тенгқур ўртоқларим билан бу гапларни эшиштамиз, азамиракаларга югурдамиз, кичкина бола бўлсан ҳам қабрларга бордамиз, ғам-алам чекиб, кечқурун тушганда уйга келамиз-у, похол ёстиқча бош қўйиб тин оламиз: «Уйқу бунча яхши, ҳеч ғам-ташвиш чекмай, ҳеч нимани билмай ётасан!».

Эсимга тушди, бувим бир гап айттан здилар: «Ўлган одам ҳеч нимани сезмайди!» Уйқу ҳам ўлимга ўхшар экан-да...

Кунлар шунаقا ўтаверади, ўтаверади, одам зерикиб кетади, турғак юракларим эзилиб кетади.

Ҳа, бола эдик-да. Яна эрта саҳарлаб турамизда, бувижонимиз тикиб берган тўрва папкамизни кўтариб мактабга чопдамиз. Унинг елкага осадиган богичи узунроқ шекилли, бўйим пастлигидан тўрва папка нуқул оғим болдирга тегавериб ғашимни келтиради. Ўқитувчимиз ким кеч қолса, синф хонаси бурчагига тургазиб қўядилар. Болалар ҳар хил имо-ишора қилиб, одамнинг жигига тегишарди. Лекин тенгқур дўстларим Ҳамидулла, Жамол, Маҳмуд менга қилиқ ҳам қилишмайди.. қарашмайди ҳам, ачиниб ўтиришганини сезаман. Бир-икки марта шунаقا кеч қолиб изза торптганимдан кейин кеч қолиш «навбати»ни бошқаларга бериб, дарсга ҳаммадан олдин келадиган бўлдим. Энди мен уларни масхаралаб ўтирадим.

Бола-эдик-да. Мен тенгқур ўртоқларим ичидаги шўхроқ, чаққонроқ, ҳар ишга удабурон эдим.

Кўчамиздаги Салим ака деган киши мен ҳақимда сал ёмонроқ гап ҳам айттан: «Бу боладан катта бўлганда кисавур чиқади». шу гапни эшигтганимда кўнглимга қаттиқ тегиб яхши ният туғиб қўйғанман: «Шошма сассиқ Салим, мендан шундай зўр одам чиқсанки, кейинчалик бу гапингдан уялиб юр!»

— Дилимиз шикаста, кўнглимиз маъюс бўлиб юрса-ю, каттадан «мени кисавур, Ҳамидуллани — лақма, Ҳошимни —

қиморбоз, Маҳмудни — дангаса бўлади», — деб айтса, ёмон алам қилас экан. Биз тўрт тенгқур ўртоқ вояга етганда шунаقا яхши одам, шунаقا етук кишилар бўлайликки, Салим сассиқ кўриб қўйисин.

Ха, бола эдик-да, ширин сўз дилимизга малҳам, кучимизга қанот багишлар эди. Содда ўртогимиз Ҳамидулланинг онаси Лаълихон опа бизни жуда яхши кўради йигирма етти-йигирма саккиз яшар, хуш бичим, истараси иссиқ, кулишлари гулдек чиройли жувон эди. Бир куни Ҳамидулланинг ўша пайтда уйида тўрттала ўртоқ дарс тайёрламоқчи бўлдик. Ҳар доим галма-галдан кимнинг уйидагилари уришмай яхши кутиб олса ўшаларникига тез-тез борардик, лекин кўпинча Ҳамидулланикига бориб туардик, чунки Лаълихон опа бизни доимо очик чеҳра билан кутиб олардилар-да.

Ўша кун сира эсдан чиқмайди. Кечки пайт Лаълихон опа пешайвон ёнидаги катта уйга хонтахта қўйиб, дарс тайёрлашимизга жой ҳозирлаб бердилар-да, ҳаммамизга жилмайиб:

— Болажонларим! Сизларга яхшилаб бир палов дамлаб бераман, — дедилар.

Оч-наҳор юрганимиз, беш-олти ойлаб палов емаганимиз учун бу гапни эшишиб, ҳаммамиз баравар қичқириб юбордик:

— Ур-ре! Палов ош еймиз!

— Айланай сизлардан, қўзиларим! — Лаълихон опа икки ўрим йўғон соchlарини силкиб, чаққон юриб ошхона томон кетдилар. Бир қанча вақт ўтиб ошхона тарафдан пиёздоғ ҳиди, туркираб димогимизга урилди. Бай-бай-бай! Мунча ёқимли! (Ўшандан бери қанча-қанча пиёздоғлар димогимизга урилади-ю лекин ҳеч бири Лаълихон опанинг ўша кунги палов ошининг пиёздоғига ўхшамайди). Шунаقا мазза қилиб ўтиргандик, Лаълихон опа уйга кириб келдилар:

— Қани китоб дафтарларни бир чеккага йигиштириб қўйинглар, мен дастурхон ёзман...

Апил-тапил дафтар-китобларимизни йигиштириб олдик.

Бундай қарасам Лаълихон опамлар оппоқ жудаям оппоқ, худди оққушга ўхшаган оппоқ дастурхонни ушлаб турибдилар. (Уруш йиллари бунаقا чиройли оқ дастурхонни ҳеч ерда кўрмагандик). Мен ҳавасим келиб, қимтиниб ўзимча ақлли таклиф айтдим.

— Бунаقا чиройли дастурхонни солманг, опа жудаям оппоқ экан, кир бўлиб қолади.

Лаълихон опам кулдилар:

— Вой, нега унақа дейсан, Абдулаҳаджон, дастурхон сизлардан айлансин... Бугун сизларни яхшилаб бир меҳмон қиласай, ўгилларим.

Узун хонтахтага оппоқ дастурхон ёзилдию, күнглимииз чарақлаб, кўзларимиз ярақлаб кетди.

Лаълихон опа катта қизил чойнақда чой дамлаб, ўзлари пойтакка ўтиридилар-да, бир пиёладан чой узатдилар, кейин ҳар биримизга қараб меҳр билан гапирдилар:

— Сизлар тўйт ўртоқсизлар, ҳаммаларингиз ақлли болаларсиз... Уруш қургур ҳам тугаб қолар. Катта йигит бўласизлар. Менинг ўғлим отасига ўхшаб ўқитувчи бўлса ажабмас... Абдулаҳад жуда ақлли бола, катта жойларда ишлаб, обрўли бўлади. Маҳмуд билан Хошим олим бўлади... Ўшанда мен анча қариб, буви бўлиб қоламан... Ҳамидулланинг отаси, сизларнинг адаларингиз урушдан омон-эсон келиб сизларни катта институтларда ўқитишади... Оғир бу кунлар ўтиб кетади... Сизлар яхши одамлар бўлиб эл-юртда обрў олиб юрасизлар.

Шунда ҳаммамизнинг дилемиз яйраб, Лаълихон опамни худди осмондан ҳозиргина тушган фаришта, оналарнинг онаси деб билдик. Салим сассиқнинг биз тенгқур ўртоқлар ҳақида айтган хунук гапларини эслаб, ижирганиб қўйдик.

Бола эдик. Лаълихон опа палов ошни сузгани ошхонага кетиши билан, шишадан ҳаммамиз ўз сиёҳдонимизга сиёҳ қуймоқчи бўлдик. Маҳмуд шишанинг пўкагини очиб, энди Ҳамидулла га узатаётган эди, бирдан ағдарилиб кетди-ю, оппоқ дастурхонга бинафша рангсиёҳ мўл-кўл тўкилиб, кўз ёшдек жилга бўлиб оқди. Ҳаммамиз қўрқиб ўрнимиздан туриб кетдик. Ҳамидулла хонтахта тагига, Маҳмуд билан Хошим эски шкаф орқасига, мен эса тахмонга тутилган одеял орқасига беркиндик.

Шу пайт лаганда қип-қизил паловни кўтариб Лаълихон опа уйга кириб келдилар. Мен уларга одеял тешигидан нима қиласкинлар деб қараб турар эдим.

— Вой, қўзиларим... Қанисизлар? Вой ўлай, қаёққа кетдинглар! Лаълихон опам ҳайрон бўлиб уйнинг ҳар томонига қарадилар, бирдан хонтахта тагидан Ҳамидулланинг оёги чиқиб ёттанини кўриб дедилар:

— Вой, Ҳамидулла, бу нима қилганинг, чиқ бу ёққа, ўртоқларинг қани?

Ҳамидулла хонтахта тагидан чиқиб йиглаб юборди, буни кўриб мен шкаф ортидан турган Маҳмуд билан Хошим ҳам «ув» тортиб йиглаб юбордик. Оппоқ дастурхоннинг ярмига сиёҳ тўкилиб ёттанини кўриб, Лаълихон опа воқеага тушунди. Ҳаммамиз энди ўртага чиқиб ўксиб-ўксиб йиглаб турардик.

— Йигламанглар, құзиларим, — деди қувноқ жарангли овоз билан Лаълихон опа, — дастурхонга сиёҳ тұқилибди, шу билан бир нарса бұлибдими... Сизлардан битта дастурхон айлансын...

Мен ўш бола бұлсам ҳам тушунаман, биздан «битта» дастурхон «айлансын», лекин ўша уруш йиллари бунақа оппоқ дастурхон ҳам оиласа азиз зди-да!

Лаълихон опа яна бошқа дастурхони солиб, бизга қип-қизил паловни едирдилар, кулиб-кулиб қизиқ воқеаларни гапирдилар.

Ҳамидулланинг дадаси — Эргаш акани жуда шириң сұз, яхши киши бұлғанини айтты бердилар:

Бола здик. Оқ дастурхонга сиёҳ тұқиб юборганимизга бир-икки күн хижолат чекиб юрганимизни, кейин унугиб ҳам юбордик...

...Йиллар үтди, қанча турналар карвони келиб кетди, лекин биз тенгқур ўртоқтарнинг дадаларимиз урушдан қайтиб келишмади.

Лаълихон опа умр дүстини, садоқат билан кута-кута қоп-қора сочлари оқарди, ўша бизга ёзған дастурхонидек оппоқ бұлиб оқарыб кетди, юрагида биз оппоқ дастурхонга тұккан сиёҳ каби дөг қолди. Бу дөг умрашининг урушда қаҳрамонларча ҳалок бұлғанини эшитішганида шикаста дилига мангуға муҳрланиб қолди.

Ха бола здик. Лаълихон опа оқ дастурхон устида яхши тилак билан тұрт ўртоқнинг келгуси тақдирі ҳақида каромат қылиб айттан гаплари ҳақ бұлиб чиқди: Үгли Ҳамидулла ажайиб инженер, мен коллективға раҳбар, Абдуллажон эса олим, Маҳмуджон, Аҳаджонлар медик бўлиб, эл-юрг хизматида куйиб пишиб юрибмиз.

Дам олиш вақтларимизда, тенгқур ўртоқдар учрашиб қолғанда, Ҳамидулланинг уйига бориб турамиз. Унинг онажониси бизнинг ҳам онамиз. Оппоқ шойи рұмол ўраб ўтирадилар. Келинлари хизматда бўлади, құша-құша набиралари Лаълихон бувини иззатикромда тутишади.

Катта одамлармиз, ҳаммамиз нечталаб фарзандларнинг отасимиз. Лекин гулгүн дастурхон атрофида ўтириб тұрт тенгқур ўртоқ яхши одам бўлиб етишганимизга шукроналар айтамиз, бизни бир пайтлар булар ўмон одам бўлади, — деган Салим ота тирик бўлғанида айтган сассиқ гапига пушаймон ерди, уяларди, деб эслаб қўямиз.

Дунёда шириң сұз, яхши ният, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик фазилат экан. Ўша оғир уруш йилларида оқ дастурхон атрофида Ҳамидулланинг онажониси хаёлан орзу қилған күнлар келди.

Ҳамон нуроний чеҳрасидан табассум аримайдиган Лаълихон буви дастурхон устида яхши ният айтади:

Ҳамма омон бўлсин, эл-юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Яхши тилак орзу одамларга йўлдош бўлаверади.

УМРНИНГ ГУЛ ФАСЛИ

«Оила даврасида сұхбат»

Дунёга янги меҳмон келди, чақалоқ туғилди, дейлик. Бу хушхабар бутун оилани, қариндошш-уругларни, қўни қўшни, дўст биродарларни хуллас, ҳаммани қувонтириб, дилларда яхши ният уйготди: «Янги меҳмон узоқ умрли, ризқи насибали ақлли-ҳушли бўлсин», деб орзу тилак билдирилади, исми-жисмига мос қилиб яхши умид билан от қўйилади, чақалоқ оиласа азиз қилиб боқилади. Она парвариши, ота хоҳиш-ройиши билан гўдак камол топиб боради.

Инсон боласи дунёга келган кунданоқ ана шундай диққат-эътибор, меҳр-ифтихор, умид-интизорлик билан, «Фарзандим яхши улгайсин, келажакда одам бўлсин», деб ота-она у учун зарурий барча меҳнат-машақатни зиммасига олади.

Онажонларнинг тунда ширин уйқудан кечиб кўкрак сути беришлари дилбанди учун қайгуришлари, бетоб бўлганда куйиб-ёнишлари, оталар болам деб ўzlари емаганни едириб, кийдириб фарзандлари учун елиб-югуриб меҳнат қилишлари — буларнинг ҳаммаси инсонни камолатта етказиш учун худди табиат ўзи белгилаб қўйган ўзгармас қонун вазифаси ва бурчиdir. Бир доно кишидан сўрабдиларки:

— Фарзанднинг қадр-қиммати нима билан ўлчанади?

Доно киши айтибди:

Фарзандлар инсоният ҳаётининг давоми, уларни чароғбонига қиёс қилса бўлади, зотан фарнзандлар биздан кейин чирогимизни ёқадилар, демак ҳаётни давом эттирадилар.

Яна сўрабдилар:

— Ота-онага фарзанднинг қандай ҳикмат-ҳосияти бор?

Доно айтибди:

— Фарзанд ёшлигига ота-онасининг қувончи, қариганда суюнчи бўлади. Агар фарзанд яхши камол топиб, одоб-ахлоқда манзур бўлса, ота-онага, эл-юртдан раҳмат келади, бундай фарзанд ҳалоллик, поклик, камтарлик, меҳнаткашлик билан баҳт-саодат топиб, кексайган ота-онасининг суюнчиғи, уларнинг умр сўнитидаги роҳат-фарогати бўлади.

Донишманднинг бу ҳикматона таъриф-тафсилини батафсил келтирганимизнинг боиси бор. Фарзанд нафақат ота-онанинг, бутун, эл-юртнинг, она-Ватаннинг ифтихори, қувончи, суюнчи эканлиги ҳаммамизга маълум. Ҳукуматимиз оналар ва болалар учун ҳамма имкониятларни, барча қулайликларни яратиб қўйибдилар. Шунинг учун ҳам: «баҳтли болалигимиз учун жонажон она-Ватанимизга минг раҳмат!» дейилган шоир ҳамма жойда кичкинтойларимиз дилидан баралла янграйди.

Фаровон ҳаётда яшаяпмизки, унинг қадр-қимматини доим эъзозлашимиз керак. Инсон ҳаётта келар экан, унинг дилида чексиз орзу-истаклар, ширин умидлар жуш уради. Ота-она ҳам фарзандининг истак-умидлари амалга ошиши учун курашади: бола уйда, бoggчада тарбияланиб, сўнг мактабга илм-фан асосларини эгаллашга киришади. Айниқса шу пайдан бошлаб ота-она, уйдаги катталар, мактабда ўқитувчи-мурабабийлар ўқувчиларнинг яхши ўқиши, билимларини пухта эталлаб бориши, одоб-аҳлоқни, ақлли-хушли, идрок-иқтидорли бўлиши каби фазилатлар мужассамлашишига ҳар томонлама эътибор берадилар. Холисона ўйлаб кўрсак, ёш гўдак биринчи синф остонасига қадам қўйгандан то ўнинчи синфни битириб етуклик аттестатини олгунча давлатнинг қанчалаб маблаги, оила, мактаб ва ўқитувчиларнинг қанча куч-күввати, билими, яна бир муҳим оиланинг қанча иқтисодий сармояси сарфланади. Шуларнинг ҳаммаси замонамизнинг ҳар томонлама ривожланган, чинакам ватанпарварлик руҳида тарбияланган она-Ватанимиз кишисининг камоли учун аталганини биламиз. Тўлиқ ўрта маълумот олган ҳар бир йигит-қизга катта ҳаётга йўлланма сифатида етуклик аттестати берилади.

Етуклик! Бу сўзда катта маъно бор. Жонажон мактабда кўплаб фан асосларини эгаллаган йигит ва қизлар энди ҳаётнинг катта йўлига чиқиб, маълум бир касб-хунарнинг мустақил эгаси бўлишига етук гражданин ҳуқуқини олган бўлади.

Етуклик ва ёшлиқ! Бу икки сифат «Ҳасан-Хусан» дегандек бир-бирига монанд ва үхшашибдири.

Ёшлиқ ҳам инсонга умр каби бир марта берилади. Уни шундай сермазмун, серзавқ қизиқарли ва эсда қоладиган тарзда ўтказиш керакки, келгусида одам қарилик гаштини суроётгандага жасоратли революционер ва Улуғ Ватан урусларида жанговар бўлган қаҳрамон бобо-бувиларимиз, ота-оналаримиз каби фахрий туйгулар билан ажойиб ёшликларини эслаб юрсинлар.

Умр фаслларини қадрини кексалардан сўраш керак. Мен бу

гапни бежиз айтаттаним йўқ. Кўпчилик ёшлар болалик пайтларини эслашиб: «Болалигим қизиқ ўтган» деб кулишади, кексалар эса қандайдир ширин армон билан: «Оҳ, менинг ёшлигим!» деб кўшишади.

Ёшлик, ёшлигим,

Кани менинг ёшлигим

дейилган қўшиқда ҳам ажойиб ҳислатларга бой ёшлик онлар, ёшлик дамлар қўмсалади, ширин ёки аччиқ хотирланади.

Ёшлик жуда ажойиб умр фасли. Бир доно: «Ёшиқда ёзганинг тошга ёзганинг, қарилиқда ёзганинг музга ёзганинг» деган экан. Бу жуда топиб айтилган кенг маънодаги ҳикмат бўлиб, ҳаётингда зарур бўладиган барча билим ва ҳунарни ёшлик пайтингда згаллаб ол, улар бутун умрингга керак бўлади, қариганда булар ҳаммасига улгирлмайсан деган ўтигини тушунгиради.

Чиндан ҳам ёшиқдан ўрганган нарса дил-жонга сингиб, бир умрлик одат-фазилат бўлиб қолади. Кимки ёшиқдан меҳнаткашликка, ҳалолликка тўгриликка ва соғдилликка ўрганса бир умр бу фазилатлар унга ҳамроҳ бўлиб баҳт-саодат боғи етаклаб бораверади. Агар шуларнинг аксига юриб одам лоқайд, дангаса, текинхўр, ёлғончи, товламачи, эгри қўл, меҳнатсиз даромад топишга одатланиб қолса умри ҳасрат-надоматда зое ўтиб кетади.

Ёшлик худди баҳордек, «ғир» этган шамоддек, оқар сувдек тез фурсатда ўтиб кетишини ҳам унумаслик керак. Вақтини қадрлаган одам баҳтини қадрлайди. Баҳт-вақт билан топилади. Шунинг учун ёшиқда биринчи нағбатда билимли ва ҳунарли бўлиб олиш керак. Ота-она, оила, мактаб, аввало она-Ватан ўзи тарбиялаган фарзандларидан катта умидлар кутади, улкан ишларга, бунёдкорликка чорлайди. Ҳозирги кунда миллионлаб ёшларимиз она-Ватанимизнинг куч-қудратини, мудофаа қувватини, эл-юрт фаровонлигини ошириш йўлида ҳамма жабҳаларда: она-Ватан посбонлигида, қурилишларида, буюк иншоатлар бунёд этицида, қўйингчи ҳамма жойда жасорат ва матонат кўрсатмоқдалар.

Афсуски, баъзида ёшларимиз орасида, юқорида биз айтиб ўтган болалиқдан то ўсмирлик ёшигача она-Ватану, ота-оналаримиз сарф этган маблағларни, парваришларни, бутун меҳнат-машаққатларини, фарзанддан кутилган орзу-умидларини билмайдиган, билса ҳам нон тепкилик қилиб, хаҳо-таралла қилиб юрадиган беларво ва лоқайд ёшлар ҳам учраб туради. Мен шу ўринда бир мисол айтиб ўтмоқчиман.

Нодир исмли бир ўқувчим ўнинчи синфни амал-тақал қилиб

зўрга битирди. Унинг отаси боласини эркалатиб давлали ошибтошиб кетганданми ўқувчи «ўглига» «Жигули» олиб берганди. Ёш ўсмир Нодир босар-тусарини билмай қолди. Ўқитувчилари унинг отасини чақириб ўглининг ёмон ўқишини, бола талтайиб ҳеч кимни менсимай қўйганини ётиғи билан тушунтиришиди. Шунда отаси Толибхўжа мана бундай важ-карсонни айтди:

— Ўглимнинг феъли-автори шунаقا... тажанг. Уйда онасини ҳам, опаларини ҳам менсимайди. Мендан бир оз ҳайиқиб туради... Энди ёшда...

— Ёш эмас-ку, аттестат олади ахир, ўқишини яхшиласин...

— Аттестат олади деяпсизларку, ишқилиб ўртача ўқиса бўлдида... Мана биз ҳам чаласавод эдик, амаллаб ишлаб кетдик, катта оилани боқаяпман.. Бу ҳам йўлини топиб кетар...

Отанинг ўғли тарбиясига нисбатан бунчалик лоқайдлиги ўқитувчиларни ҳам, кейинчалик Нодир маҳалладош бир қўшнисини урганда маҳалла судида ўтирган одамларни ҳам ранжитди. Азият чеккан боланинг отаси ўша куни жаҳл билан Толибхўжага заҳарханда сўз айтди:

— Ҳой, Толибхўжа, сиз ўғил эмас, уришқоқ «хўроз»ни ўстирияпсиз, кўзингизни очинг!

— Нима демоқчисиз, Акбархўжа? — деб керилди бирдан ўрнидан туриб Толибхўжа. — Сиз ўзингиз бундан йигирма йил илгари хўроз уриштириб юрадингиз-ку.

Акбархўжа амаки аччиқ кулди:

— Мен хўроз уриштирган бўлсанам, сиз одам уриштирияпсиз-ку..

Ҳамма кулди. Маҳалла суди Толибхўжа ишлайдиган бошқармасига ўглини тарбиялай олмагани ҳақида хат ёзадиган бўлди.

Мана шу воқеадан кўп ўтмай Нодир ичган ҳолда «Жигули» машинасини ҳайдаб келатуриб, кайф билан рулни бошқаролмай қолади, йўлкага чиқиб беш яшар қизчани уриб юборади. Қизча ҳалок бўлади. Нодир эса етуклик аттестатини ҳам олоомай қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Отасининг ногутри тарбияси, боланинг ножӯя хатти-ҳаракати туфайли нораста қизча ҳаётдан кўз юмид кетди, Нодирнинг ёшлик дамларига қора кўланка тушди. Фаровон ҳаёт қадрини билмайдиган, умрнинг энг гўзал фасли-ёшликни тушунмайдиган, тўқликка шўхлик қиласидиган кишиларнинг тақдири ана шундай аччиқ бўлиб қолаверади.

Мен педагоглик қилаётган Акмал Икромов районидаги 4-үртә мактабни шу үкув йилида күплаб ажойиб ёш йигит ва қызлар битиришиди. Үнинчи синфларни тамомлаган 101 үқувчидан үн иккитаси фахрий өрлиқ, 2 та кумуш, шу жумладан уч үқувчи олтин медал олишга мұяссар бўлди. 8-синфларни эса 147 үқувчи тамомлади, кўплари аъло баҳоли шаҳодатнома олишиди.

Мен битириувчи ёшлар билан уларнинг орзу-истакларини билиш, зарур бўлса маслаҳат бериш мақсадида йил давомида кўп марта сұхбатлашдим. Ана шу сұхбатларда ёшларимизнинг ажойиб ҳислатларини пайқаб, замон талаби билан ҳамнафас яшаётган үқувчиларимиздан беҳад хурсанд бўлдим. Үнинчи синфни яхши баҳолар билан битирган Насиба Жамолова, Азиза Ниёзова, Озода Мирзаева, Абдулла Ҳакимов, Мирфайзулла Абдуқодиров, Нодира Набиева, Равшан Халилов, Рихсивой Баҳромов, Дилдора Юсупова, Муборак Аюлова, Ҳасан Мұхсинбеков, Клара Акромова ва бошқа кўпчилик үқувчилар Тошкент тўқимачилик комбинатига, шаҳримиз қурилишларига бориб ишлашга қатъий аҳд қилишиди.

Мактабимизнинг 8-синфлари тамомлаган кўпчилик үқувчи ёшлар шаҳримиздаги ҳунар-техника билим юртларига бориб фан асосларини ўрганиш билан бирга касб-ҳунар эталлашга бел боглашди. Адҳам Соатов, Абдураҳим Расулов, Аҳмад Ҳикматуллаев, Равшан Обидов, 12-хунар техника билим юртида бўёқчилик касбини, Исмоил Муслидинов, Тоҳир Исҳоқов, Ботир Ибрагимов, Хайрулла Ҳакимов, Фарҳод Пўлатов, Абдулла Болтаев, Равшан исҳоқов, Фахрийдин Миноваровлар 42-хунар техника билим юртида ўқиш ва автослесарлик касбини ўрганишга аҳд қилдилар. Шунингдек бир неча үқувчилар 9 ва 55-хунар техника билим юртларига касб-ҳунар эталлашга ўқишга киришиди.

Богга яхши парвариш қилинса ширин-шарбат мева олинганидек, мен юқорида исм-шарифларини келтирган ўсмир ёшлар оиласда, мактабда пухта билим ҳар томонлама етук тарбия олишганлиги учун ҳаётда ўз йўлларини аниқ топиб, катта ҳаётга қадам босишимоқда. Улар яқин фурсатда билим юртида ўқиб, касб-ҳунар ўрганиб ишчи-хизматчи ота-оналари қаторига ўтиб, зл-юрт ишига она-Ватан қудратини, ҳалқ фаровонлигини оширишга ўзларини фидокорона меҳнатлари билан муносиб ҳиссаларини қўшадилар, шу билан бирга ўзларини баҳт-саодат йўлларини топадилар.

Шуни таъкидламоқчиман, Институтга киролмай қолган кўчакуйда лақиllаб юрадиган, қари-қартант, ота-онасининг боқимандаси

бўлиб текинхўрларча яшайдиган ёшлар кўзга хунук кўринади, шолизор ва гулзордаги чақиртиканакка ўхшаб қолади. Ҳозирги замон ҳар бир киши меҳнат қилиши жонажон она Ватанимиз, ҳукуматимиз белгилаб берган жадаллаштириш программасини халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштириш чора-тадбирларини амалга оширишда бир жон, бир тан бўлиб кўрашмогимиз керак.

Ёшлик — умрнинг энг гўзал ва қудратли кучи. Ёшларимиз ўз ҳаёт йўлларида баҳт-саодатни, шон-шуҳратни, донолар айтганидек, узоқ умр саломатлигини меҳнатда топадилар, илм-фанинчи чуқур ўрганиб ҳаётдаги кўплаб сирли муаммоларни ечадилар ва уни халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат эттирадилар.

KATTA ҚИЛИБ КУРСАТАДИГАН ОЙНА

Бола бошидан — ниҳол ёшидан

...Оиласда янги инсон туғилди, дунёга янги меҳмон келди. Бу хушхабар бутун оила аъзоларини, қариндош-уругларни, қўни-қўшниларни, дўст биродарни, хуллас ҳамма ҳаммани қувонтириб дилларда яхши ниятлар уйготди. «Янги меҳмон ризқли, насибали, ақлли-хуши бўлсин» деб орзу-тилаклар билдирилади, исми-жисмига мос қилиб яхши умидлар билан исм қўйилади. она-ю ота куну тун унинг атрофида парвона бўлади. Айниқса она ўз жигарбанди деб тунларни кунларга улаб мургак фарзанди атрофида парвона, гиргиттон бўлади.

Халқимизда «Бола бошидан, ниҳол ёшидан» деган жуда яхши гап бор. Шундай экан болани гўдаклигиданоқ тарбиялашга бутун диққат-эътиборни қаратиш керак. Шу уринда бир ривоятни оқшомхонларга яна бир бор эслатиб ўтиш фойдадан ҳоли эмас. Луқмони Ҳаким уч кунлик гўдакнинг отасига ўтилчасини тарбияга топширишга келганида унинг уч кун кечикканини айтганини ҳар биримиз биламиз. Демак, инсоннинг шаклланиши учун биринчи ва асосий масъулият ота-она зиммасига юкланди.

Дарҳақиқат фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун зл-юртнинг, она-Ватанинг ифтихори, қувончи, суюнчиғи бўлиши учун унинг тарбиясига асосий эътибор қаратилиш керак.

Маълумки, мустақил Ватанимизда соглом авлодни камол топтиришга ҳар томонлама муҳим аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши,

шу ном билан аталувчи кенг кўламдаги дастурларнинг ҳаётта тадбиқ этилаётгани республикамиизда фарзандлар тарбиясига ва унинг камолига нақадар катта аҳамият бериладиганлигига яна бир бор ёрқин далилдир. Бинобарин жамиятимизда мадҳини ҳар қанча йиса арзийдиган, бола тарбиясида барчага ибрат бўладиган ажойиб оиласалар кўпчиликни ташкил этади. Бундай ибратли оиласаларни кўрганингда ёки мақтовини эшиттанингда қалбинг севинчларга тўлади.

Маълумки, бизнинг ўзбек халқи болажон ҳалқ. Агар диққат билан назар солсангиз фарзанд тарбиялаётган оиласалар ўртасида бир мунча фарқ борлигини ҳис этасиз. Бир оиласда аксарият ҳолларда ҳамма ишлар расамади билан тақсимланган бўлади. Ҳар бир боланинг оиласда бажарадиган ўз юмуши бор, улар бир-бирларини иззат ва ҳурмат қилишади. Бошқа бир оиласда эса аксарият ҳолларда болаларнинг дангаса, ишёқмас, тантик бўлиб ўғанлигининг шоҳиди бўласиз. Ҳуш, бунинг сабаби нима? Биз бола тарбиясида кўпинча эътиборсизликка йўл қўямиз, бунинг натижасида болалар гап уқмас, ўзбошимча бўлиб ўсадилар. Баъзи ота-оналар эса болаларни ҳаддан ташқар эркалатиб уларнинг айтганларини беками-кўст адо этадилар. Бу нарса бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шу ўринда давлат раҳбари Акмал Икромовнинг ўғли Ургут Икромовнинг отасининг берган тарбияси борасидаги сўзларини бир ёдга олайлик:

— 30-йилларнинг бошида юртимиизда аҳвол ниҳоятда оғир эди, озиқ-овқат етишмасди. Ўшандай очарчилик йилларида ҳам отамиз биз фарзандларга жуда қаттиққўл эди. «Ҳамма бола қанақа бўлса сизлар ҳам ўшандайсиз, ортиб кетган жойларингиз йўқ, арзанда бўлиш керак, эмас» деярдилар. Отамиз бизларнинг ўқишимизни ҳар доим кўз-қулоқ бўлиб кузатишиб турарди, нимани ўқиёттанимизни суриштиради, ўзи билан киноларга олиб борар эди. Кийим кечакни бошқаларнинг ҳаваси келадиганнини кийдирмасди. Эсимда, укамга узун шим олиб беришди. Ўша куниёқ у деворга осилиб, янги шимнинг тиззасини йиртиб келди. Кейин ана шу гиззаси йиртилган шимга ямоқ солиб, уни то торайиб қолгунча кийиб юрди...

Юқорида келтирилиб ўтилган мисолнинг нақадар аҳамиятли эканлигини ортиқча таъкидламаса ҳам бўлади. Лекин шуни айтиш керакки, ҳозирги лайтда ҳаётда ҳар томонлама ўрнак бўлаётган, фарзандларга яхши тарбия бераётган юзлаб оиласаларни тилга олиш мумкин. Шундай оиласалардан Азимовлар, Ҳайтовлар, Самиговлар, Муҳамедовлар, Турсуновлар, Зайниддиновлар.

Хүш, юқорида номлари зикр этилган ота-оналар қандай қилиб шундай фарзандларни камолга етказажёттан эканлар, деб савол тугилиши табиийдир. Биз күплаб бундай оиласарда бўлганимизда унинг сабаби аён бўлди. Аввало шу оиласарнинг боғонлари, яъни ота-оналари тарбияли, обрўли одамлар, қолаверса, улар фарзандларига ёшлигидан бошлаб бирор ҳунар ўргатадилар. Масалан, оила сарбони қўли гул, тандир ясади, фарзандларининг барчаси қайси соҳада бўлмасин ҳаммалари шу ота касбини ўрганиб олишган. Ёки бошқа бир оиласига назар солсак бу сила фарзандларининг барчаси ота касбини дурадгорликни згалламоқдалар. Бундай оиласарни кўплаб мисол қилиб келтириши мумкин. Энг эътиборли томони шуки, бундай оиласарда тарбияси оғир фарзандлар йўқ, ҳаммаси меҳнаткаш.

Лекин шуни ҳам афсус билан айтиш керакки, бола тарбиясини нотўтри тушунадиган ота-оналар ҳам анча-мунча топилади. Уларнинг назарида бола тарбияси уларнинг қорнини тўйдиришу уст бошларини бут қилишдан иборат эмиш. Тўғри, бу нарсалар ҳам ота-она зиммасидаги вазифадир. Лекин асосий вазифа болани жамиятта муносиб, етук инсон қилиб етиштиришида. Шу ўринда ҳалқимиз орасида юрадиган бир гапни эслаб ўтиш ўринлидир: «Болалар ёмонликни катта қилиб кўрсатадиган ойнадир». Ҳақиқат ҳам болалар олдида қилинган кичик бир ёмонлик уларнинг кўзига катта бўлиб кўринади. Шу боисдан ота-оналар болалари олдида ўзини қандай баланд-паст гапларни гапиришадиган, айниқса, болалар аҳлоқига ёмон таъсир қиладиган бемаза қилиқларни қилишдан қаттиқ сақланишлари керак. Дарҳақиқат ҳар ким экканини ўради. Шундай экан бола ҳам ота-онасидан олган тарбиясига қараб ўсади. Баъзи ота-оналар тарбиянинг мана шу томонини эсдан чиқариб бепарво бўлиб юраверадилар. Бир вақт қарасаларки, болалари безори, ўқиш-юришлари ёмон. Шундай ота-оналар ҳам борки, ўз фарзандлари ўқиётган мактабга йиллаб қадам қўймайдилар, фарзандларининг ўқиши, хулқ-атвори билан қизиқмайдилар. Уларнинг назарида тарбия билан бояч, мактаб шугулланиши керак эмиш. Аслида инсоннинг фарзанднинг шаклланиши учун биринчи ва асосий масъулият ота-она зиммасига юкланади. Бояч, мактаб ва жамоатчилик тарбияси ота-онага кўмақдир холос. Бояч тарбияси боланинг дунёқарашини ривожлантируса: мактаб унинг маънавий дунёсини кенгайтиради, уни дунёвий фанлар билан қуроллантиради.

Мен шу ўринда кўп йиллик педагогик тажрибамдан келиб чиқиб фарзанд тарбияси борасидаги айrim фикрларимни азиз

оқшомхонлар билан ўртоқлашмоқчи эдим. Биз, катталар, яъни энг аввало ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ўз тарбиямизга ҳам жиддий назар солишимиз керак, токи бизлардан ўрнак олаётган фарзандларимиз бизнинг тарбиямиздан нуқсон кўрмасин. Болаларимизга ҳалол меҳнат нонини едирайлик, ҳар бир гапимизни ўйлаб гапирайлик. Қолаверса, болаларни кўчада зътиборсиз ва бекор қолдирмайлик, бола ҳаётида оила жавобгарлигини, ота-она масъулиятини бир неча баробар ошириш жамият учун нақадар катта аҳамиятта эга эканлигини тушуниб етишимиз зарур. Яна бир вазифамиз фарзандларимизнинг маънавий дунёсини кенгайтиришимиз лозим. Инсоннинг маънавий дунёси қанча қашшоқ бўлса, у шунчалик бешафқат бўлади.

Хозирги пайтда мактабларимизда «Одабнома» дарслари фан сифатида ўқитилмоқда. Аммо бу билан чекланиб қолишимиз керак эмас. Ҳар бир ўқитувчи иложи борича дарсининг 5 дақиқасини одоб-ахлоққа сарфлаши даркор.

Ёшлик умрнинг энг гўзал ва ширин, қудратли давридир, келажак авлодимиз ўз ҳаёт йўларида баҳт-саодатни, шон-шўҳратни, дононларимиз айтганидек sog-саломат умрни аввало ҳалол меҳнатдан топадилар, илм-фанни чуқур ўрганиб ҳаётдаги кўплаб сирли муаммоларни ечадилар ва уни халқимиз фаровононлиги йўлида хизмат эттирадилар. Гапимизни мухтасар этиб айтмоқчимизки, юқорида айтиб ўтилган вазифаларни сидқи дилдан бажарсак бизнинг келажагимиз, орзу-умидимиз бўлган фарзандларимиз ҳаётда завол кўрмай ўсадилар, турмушда ўзларининг муносиб ўринларини топадилар, сиз билан бизнинг муносиб ворисларимиз бўлиб етишадилар.

ТАРБИЯ — ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

*Эй азизим, ҳар қандай фарзанд
ота-онаси учун гавҳардек покдир*

Ҳар бир инсон дунёга келиб шакланар экан, доимо нимагадир интилиб яшайди. Зоро, бу ҳаёт инсонга фақат бир маротаба берилади, холос. Мана шу берилган неъматдан оқилона фойдаланиш, ажойиб фарзандлар тарбиялаш ҳар бир инсоннинг биринчи галдати вазифасидир.

Жамиятимида мадҳини достон қилса арзийдиган ажойиб

оилалар хад-ҳисобсиз. Бундай ширин оилаларни күрганингда ё мақтөвни эшитганингда севинасан киши. Одатзотнинг, тарихнинг, замоннинг интилиши шу дейсан. Бизнинг ўзбек халқ болажон халқ. Агар диққат билан назар солсангиз, 8-10 фарзанд тарбиялаётган хонадонлар билан 2 ёки 3 фарзанд тарбиялаётган оилалар ўртасида катта фарқ борлигини ҳис қиласиз. Кўп болали оилаларда ҳамма ишлар расамади билан тақсимланган. Ҳар бир боланинг оиласида юмуши бор, улар бир-бирларини ҳурмат қиласидар, бўш вақтлари умуман бўлмайди. Кам болали оилаларда эса аксарият ҳолларда бунинг тескарисини гувоҳи бўласиз: болалар эрка, тантик, ўзбилармон бўлиб ўсади. Маънавий жиҳатта эса болада оқ билан қорани фарқ қила бошлаган кунидан тортиб то онги юксак погонага кўтарилгунча юз берган бутун сифат ўзгаришлари киради.

Биз бола тарбиясида кўпинча, муҳим томонни эсдан чиқариб қўямиз. Натижада болалар гап уқмас, ўзбошимча бўлиб ўсадилар.

«Шарқ гули» маҳалласининг Зиёд Саид кўчаси 136 хонадонида истиқомат қилувчи Авазовлар оиласи ана шундай оилалардан биридир. Оиласида вояга етаётган фарзандларнинг ҳар бири хулқи, одоби, шарму хаёси билан маҳалла аҳлининг эътиборини қозонган.

Хўш, алоҳида номлари зикр этилган ота-оналар қандай қилиб шундай олийжаноб фарзанд тарбиялаётган эканлар, деган савол туғилиши табиийдир.

Биз кўплаб бундай оилаларда бўлганимизда, бунинг сабаби аён бўлди: Энг аввало шу оиласининг бобонлари — яъни ота-оналари тарбияли, обрўли одамлар экан. Қолаверса, улар фарзандларига ёшлигидан бошлаб ҳунар ўргатир эканлар. Масалан, «Акмал Икромов» маҳалласидаги Муҳамедовлар оиласини олсак. Бу оила бошлиги — қўли гул одам. Тандир ясади. 8 нафар фарзанди бор. Фарзандларининг барчаси шу ҳунарни ўрганиб олишган, оталарига ёрдам беришади.

«Уч тепа» маҳалласида истиқомат қилувчи Турсуновлар оиласига назар солсак, бу оила фарзандларининг барчаси ота касбини, яъни дурадгорликни эгалламоқдалар. Бундай оилалардан юзлаб мисол келтиришимиз мумкин. Энг кераклиси шуки, бу оилаларда тарбияси оғир фарзанд йўқ, ҳаммаси меҳнаткаш. Биз албаттга бундай оиласи билан фахрлансанак арзиди.

Эссики бола тарбиясини тўғри тушунмайдиган ота-оналар анча-мунча топилади. Уларнинг назарларида бола тарбияси — қоринларини тўйдириш, уст-бошларини бут қилишдан иборат. Тўғри, бу нарсалар ҳам ота-она зиммасидаги вазифа. Асосий вазифа эса

— болани жамиятта муносиб, етук одам қилиб етиштиришадыр. Халқимизда бир гап бор: «Болалар ёмонликни катта қилиб күрсатадиган ойнадир». Ҳақиқатдан ҳам, болалар олдида қилинган пашшадек ёмонлик уларнинг кўзига туядек бўлиб кўринади. Шунинг учун ота-она болалари олдида ўзларини ҳар қандай шаст-баланди гапдан, айниқса, болалар аҳлоқига ёмон таъсир қиладиган bemаза қилиқлардан қаттиқ сақланиши керак. Ҳар ким экканини ўради: бутдой эккан — бутдой, арпа эккан — арпа. Бола ҳам ота-онасидан олган тарбиясига қараб ўсади. Баъзи ота-оналар йиллаб ўз фарзандлари ўқиётган мактабга қадам қўймайдилар, ўқиш, хулқатвори билан қизиқмайдилар. «тарбия билан боғча, мактаб шугулланиши керак», деб ҳисобладилар.

Натижа эса: кўзни шамғалат қилиб йўл кўрсатаётгандар, автобус, троллейбусларда чўнтақ кесаётгандар қанча-қанчалаб. Кейинги беш йиллик маълумотларга назар ташласак, ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамалари томонидан қайд қилинган жиноятнинг деярли бешдан бир қисмини ўсмиirlар содир қилганигини гувоҳи бўламиз. Юқоридаги фактдан кўриниб турибидики, вояга етмаган ўсмиirlар жиноятчилиги айни кунда камдан-кам учрайдиган фавқулодда ҳодиса эмас, балки яшаётган жамиятимизнинг қайсиdir бўгини дарс кетганилиги, эскириб-бўшашганилигидан далолат беради.

Киши қачонки кун кечириши қийинлашиб, яшашнинг бирон-бир чорасини топмай қолганда жиноятга қўл уради. Тўгри, турмуш бироз қийинлашиб кетди. Иқтисодий муаммолар юзага қалқиб чиқмоқда, озиқ-овқат, саноат маҳсулотларининг тақчиллиги сезилипти, шунинг натижасида бир томонда танқислик, бошқа томонда меҳнатсиз даромад топувчилар сони ошиб боряпти. Лекин ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, бошларига оила тебратиш ёки мустақил ҳаёт кечириши масъулияти тушмаган ёшларимизнинг жиноятта қўл уришига, худбинлик кўчасига киришига сабаб нима? Богча тарбияси боланинг дунёқарашини ривожлантирса, мактаб тарбияси унинг маънавий дунёсини кенгайтиради, уни дунёвий фанлар билан қуроллантиради.

Машҳур ёзувчиларимиздан бири: «Инсон меҳнатда, фақат меҳнатда булоқдир. Меҳнатта муҳббати қанчалик қизгин бўлса, унинг ўзи шунча улутвор, иши эса, чиройлидир», деган эди...

Аслида инсонга маънавий ҳусн берадиган, уни жиноят ботқогидан қутқарадиган нарса меҳнатdir. Сизларга маълумки, табиат иқтидорини ҳаммага бирдек бермайди, яъни беш қўл баробар эмас. Биз ўсмиirlарни иқтидорига қараб ажратсак, уларга ҳаётда ўз ўринларини топишга кўмаклашган бўлардик.

Шаҳримизда иқтидорли болалар учун ташкил этилган касб-хунар лицейларимиз шундан далолатдир. У ерда болалар ўзлари қизиққан соҳа бўйича ўқийдилар. Қани энди, барча мактабларимизни ҳам шундай лицейлар даражасига кўтара олсак ва ўқувчиларни ўз қизиқишилари бўйича тўлиқ жалб эта олсак... Ҳозирча бунга тўла имконият йўқ.

Хунар танлаш масаласида эса ҳозирги ёшлиаримизнинг иқболлари жуда баланд. Биронта ҳунар ўрганиш тилаги билан ҳаётга назар солсак шу қадар кўплигини кўрамиз, бу катта баҳт, катта давлат деб санаш керак. Маҳалаларда ажойиб ҳунармандлар бор: жумладан, тақачи, темирчи, тунукасоз, соатсоз, бўзчи, дегрез, дурадгор, заргар ва ҳоказо. Мана шундай ҳунармандларнинг ишини жонлантириб, болаларимизни шу ҳунарга жалб этиш лозим. Яна бир муаммо:

Бугунги кунда аёлнинг аҳволи мақтагулик эмас. Кечқурун кун бўйи давлат идорасида эркак қатори ишлаб ҳолдан тойган аёлларни дамбадам соатта қараётган ҳолда учратасиз. Куннинг ботишига қараб қовоги тундлашиб бораётган бу сержаҳл аёлларнинг бир хаёли ҳозир ўпкасини қўлтиқлаб bogчага этиб борганда «Ҳар доим кеч келасиз, нима сизнинг болангиздан бошқа дардим йўқми мени», — деб юзига сапчийдиган bogча опада бўлса, бир хаёли ҳозир мактабдан қайтган, аммо қаерда юргани номаълум ўқувчи боласида. Эрталаб эса аёллар яна болаларни судраб, жеркиб bogча яслиларига шошилаётган бўлади...

Бизнинг бу муҳитимиз таъсири тугилаётган болаларимиз соглигида, характеристида беками-кўст ўз аксини топмоқда. Тажанг, серзарда оналардан инжиқ, касалванд болалар дунёга келмоқда.

Жумҳуриятимиз раҳбарияти бугунги аҳволни чукур тушунган ҳолда бу инқироздан чиқиши йўлларини қидирмоқда. Шу ўринда ҳақди бир савол туттилади. Хўш, фарзандларимизнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб олишлари, жиноят кўчасига кирмасликлари, оқил, доно, меҳрибон бўлиб этишишилари учун нималар қилиш зарур?!

Мен кўп йиллик педагогик ва раҳбарлик тажрибамдан келиб чиқиб, айрим муаммоларни ҳал қилиш лозимлигини айтиб ўтмоқчиман:

— Биз катталар, яъни энг аввало ота-оналар, муаммолар, жамоатчилик вакиллари ўз тарбиямизга ҳам жиiddий назар солишимиш керак, токи бизлардан ўрнак олаётган фарзандларимиз бизнинг тарбиямизда нуқсон кўрмасин. Болаларимизга ҳалол меҳнат нонини едирайлик, ҳар бир гапимизни ўйлаб гапираильик.

— Назаримда, ўсмирнинг тарбиясини тўғри йўлга тушириб олиш мақсади аёлнинг давлат идорасидаги иш куни соатини қисқартириш лозим. Қолаверса, болаларни кўчада зътиборсиз, бекор қолдирмаслик, бола ҳаётида оила жавобгарлигини, ота-она масъулиятини бир неча баробар ошириш, жамият учун назоратсиз қолган бола келтирган зарарни ота-онадан ундириб олиш ҳақида қонун чиқариш кабиларга ҳам жиддий аҳамият берадиган вақт келди.

— Яна бир вазифамиз фарзандларимизнинг, ўқувчиларимизнинг маънавий дунёларини кенгайтиришимиз лозим. Инсоннинг маънавий дунёси қанча қишишоқ бўлса, у шунча шавқатсиз бўлади. Ҳозирда болаларимиз бадиий адабиёт ўқимай қўйишиади. Уларда китобга муҳббат уйғотишимиз зарур. Бадиий адабиёт инсонга ҳаёт сабоқларидан дарс беради, улар қалбида эзгулик уйғотади.

— Видеосалонлардан ёппасига воз кечиш даркор. Бир расмий ҳужжатта таъкидланишича, шаҳримида уч ўсмир 9 ўшдаги болани кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қўйноқлар билан азоблаб ўлдирган. Қотилларнинг энг каттаси 13 ўшда. Аниқланишича, улар муштумзўрлик, қотилликнинг турли усусларини намойиш этувчи даҳшатли видеофильмларни сурункали томоша қилишган экан.

— Кейинги вақтларда Жумҳуриятимиз раҳбарияти муаллимларимизнинг заҳматли меҳнатларини муносиб тақдирламоқда. Лекин, талабчан, изланувчи, чуқур билим ва иқтидорга эга бўлган ўқигувчиларимиз бармоқ билан санарлидир. Мактаб даргоҳини яхши талабчан педагогларимиз тарк этишмоқда, мана шуни олдини олишимиз лозим. Бозор иқтисоди сабабли ҳам ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишлари сўниб бормоқда.

— Яна шуниси ҳам борки, мактабларда муаллимларнинг этишмаслиги, айниқса эркак муаллимларнинг камайиб кетиши ҳам ўсмирларимизнинг ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Тарбия соҳасига кўпроқ эркак ўқитувчилари жалб этмас эканмиз, бу соҳамиздаги муаммоларнинг ҳал бўлиши қўйинлашиб бораверади. Шунинг учун олий ўқув даргоҳларига педагогик синфларга кўпроқ ўғил болаларни жалб этишимиз лозим.

— Ҳозирда фарзандларимизнинг кўпчилиги мактабдан ташқари вақтларда ислом дини, унинг тарихидан сабоқ олмоқдалар, зътиқодга ўрганмоқдалар. Бу яхши. Лекин, айрим нотўғри тарзиботчиларнинг тарбиялари бу борада салбий аҳамият касб этмоқда. Жумладан, айрим фарзандларимизда эзгулик, инсонийлик

фазилатлари ўрнига, мактабга, фанларга, устозларга нисбатан нафрат уйготмоқда. Бу ниҳоятда ачинарли ҳол. «Асалнинг ози шириң», — дейди халқимиз. Ҳамма нарса ўз меъёрида бўлиши керак, диний эътиқод фарзандларимизни дунёвий илмларини ўрганишга, инсонларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга чорлаши керак, аксинча эмас.

— Яна бир муҳим нарса шуки, балогатга етмаган болалар билан ишлаш назоратчиларининг ишларини яна бир кўриб чиқиш керак. Бу ташкилот кейинги пайтда қогозбозлик билан ўралиб қолди, турли ҳужжатлар йигиши билан машгуллар. Ахир, бу назоратчилар балогатга етмаган ёшлар билан маҳаллаларда, ЖЭКларда иш олиб бориши лозим-ку?! Улар эса тайёр ҳужжатлар асосида ишлайти холос.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, Сиз билан биз юқорида айтиб ўтилган вазифаларни сидқидилдан бажарсак бизнинг ҳосилимиз бўлган фарзандларимиз завол кўрмай ўсадилар, ҳаётда ўз ўринларини топадилар. Сиз билан бизнинг муносиб ворисларимиз бўлиб етишадилар, деб ишонаман...

ИБРАТ

(Устоз ёди)

*Тўгрилиқдан келмиш ҳамма яхши от
Эгрилиқдан фойда кўрмади бир зот.
Абдулқосим Фирдавсий*

Шоир айтганидек, тўгрилиқ ноёб фазилат бўлиб унинг соҳиби улуг инсонлар қаторидан ўрин олади. Зоро, тўгри инсон қалбидаги фақатгина покизалик, яхши ният бўлади. Гараз, ҳасад унга бегона. Бундай кишилар бошқаларни ҳам ўзларилик биладилар. Ишонувчан, қувлиқ, айёрлик нималигини билмайдилар. Айниқса, кўпчиликка бош бўлган раҳбар кишиларда бу фазилатнинг мужассам бўлиши бу инсоннинг ҳаётда яхши ном қолдиришга асосий омил бўлади. Ҳаётимда кўп раҳбарлар, кўкрагини қатор орден медаллар безаб турган инсонларни кўрганман. Аммо уларнинг номлари тез орада халқ тилидан учуб кетишига ҳам гувоҳман. Бунинг асосий сабаби юқорида олган фазилатларнинг етишмаслигидан десам тўгри бўлади. Бир умр раҳбар бўлиш мумкин, аммо инсонларнинг яхшилигини унутиб, мол-дунёга ҳирс қўйиш, шахсий манфаати йўлида бирорвга

жабр қилиш унинг бутун қилган тоат-ибодатини йўққа чиқаради.

Аксинча, эл-халқ манфаатини ўзининг шахсий манфатидан устун қўйган, тупроқ каби ҳокисор, инсонларнинг доимо оғирини енгил қилган инсонлар исми эса авлодлар оша барҳаёт қолаверади. шундай олижаноб шахслардан бири абадий барҳаёт инсон Тоир ака Дадашевдир.

Бу буюк инсонни Тошкент шаҳрининг қайси даҳасидан сўраманг ҳурмат билан тилга оладилар, эзгу ишларни ёдга олиб жонли мисоллар келтирадилар.

Бўй басти келишган, фаришта юзли бу киши ниҳоятда камтарин, мулоим сўз, айни вақтда ўта талабчан инсон эди. Катта лавозимга эга бўлишларига қарамай бу инсондаги соддалик, самимилик бизларни ажаблантиради.

Тоиржон ака халқ таълим мининг барча сўқмоқларидан мардонавор ўтган мугахассис-раҳбардир. Ўқитувчиликдан то шаҳар маориф бўлимининг мудири вазифасида самарали меҳнат қилган устоз маориф назариясини етук олимлардек, амалиётни эса бевосита иш жараёнлари орқали эгаллаган эдилар. Иш ҳафтасининг бир кунини (шанба) мактабда ўтказиш у кишининг иш режасидан ўрин олган эди. Мактаб ҳаёти билан танишганларидан сўнг адабиёт дарсига кузатувга кирдик. Дарсни ёш мутахассис — аёл олиб борарди. Негадир у ҳаяжонланар, уятдан юзлари қизарган. Биз томонга қарашга ийманиши яққол сезиларди. Дарс ниҳоятда муваффақиятли ўтди. Машгулот тутагач, ҳаммамиз мактаб директори Жамолиддин Асомов хонасида ўқитувчи иштирокида кузатув таҳлилини ўтказдик. мен шунда муаллима шу йили институтни битириб келган Тоир аканинг тўнгич келини Каримахон эканлигини эшитиб қалбимда ҳайрат билан бирга таҳсин ва ҳавас пайдо бўлди.

ЭРТАК ЭМАС БУ СЎЗЛАР...

Май ойининг кунларидан бирида Муроджон дарс тайёрлаётганида бирдан кеча ўқитувчиси берган топшириқ эсига тушиб қолди: ахир зартага ҳар бир ўқувчи бобо-момоларидан иккинчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари ҳақида эшитганларини айтиб бериши керак-ку! Яхшиям дарс тайёрлаб бўлган маҳалда эсига тушди, бўлмаса зартага уялиб қоларди-я. Хуллас, Муроджон бобосига мақсадини айтди.

«Урушдан кейинги дастлабки йил, аниқроги, 1946 йилда мактабга борганман. Бу давр биз тенгиларни анча эрта улғайтирган

эди, назаримда. Тикланиш йиллари бўлгани учун етги-саккиз ёшдаги болалар ҳам катталарга бирдек кўмаклашардик. Лекин давр синовини енголмаганлар ҳам бўлди: кимдир ўқишини ташлаб қўйди, яна кимдир ўғриликка берилиди. Бироқ, бизнинг «самарқанд дарвоза» маҳалламиизда ота-оналар фарзандлари ўқишига жиддий эътибор бергани боис, гузаримиизда бу ҳолат кам учрар эди. Ўқищдан бўшаган маҳал оила юмушларига ёрдам берардик: бое-рог ишлари, ер чопиш... Урушдан кейинги тикланиш йилларида ана шу боғлардан чиққан мевалар оиласлар жонига оро кираради...»

Муроджон бобосидан яна кўп гапларни эшилди. Ҳатто айримларини дафтарига ёзиб ҳам олади. У бобосининг қалбидағи хотира саҳифаларини очган эди. Муроджон бобосининг Тошкент шаҳридаги ўзи ўқийдиган 167-мактаб директори эканини биларди-ю, лекин унинг 1958 йилда ўқитувчилик фаолиятини бошлаганини энди эшилди. Балки олдин ҳам эшилгану эътибор бермагандир. Ҳай майли, буниси муҳим эмас. Лекин, барибир, бобосининг гаплари унинг учун қизиқ. Муроджон бобосининг узоқ йиллар Тошкент шаҳри ва туманларида ҳалқ таълими бўлими мудири ва мудир муовини вазифаларида ишлаганини эшишиб, унга бўлган меҳри янада юксалди. Айниқса, бобоси иккита олий таълим даргоҳини (педагогика ва политехника институтлари) битирганини айтганида, у ҳам катта бўлгач, бобосидек ўқишини ният қилиб қўйди. «Ҳозир 5-синфда ўқийман. Ҳали яна 4-5 йил бор-ку!» дея чамалаб қўйди ўзича у.

— Бунинг учун нима қилиш керак? — дея хаёлидан нима кечганини сезгандек сўради бобоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими Абдулаҳад Йўлчиев.

— Албатта, «аъло»га ўқиш керак! — деб жавоб берди Муроджон. Эртасига хотира ва қадрлаш куни арафасида бўлган дарсда Муроджон Йўлчиев уялиб қолмади. Бобосига айтган гапларнинг муаллим топширигига тегишли қисмини олдида сўзлаб берди.

Ш.НИШОННОВ.

ТАРБИЯ ФАҚАТ МАКТАБНИНГ ИШИМИ?

Кейинги йилларда ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар, фикрлар хилма-хиллиги, иқтисодий барқарорлик, қайта қуриш муаммолари ёшлар онгига таъсир этмай қолмайды. Ҳозирги кунда ёшлар ўртасида билиб-бilmай қилган ишлари оқибатида жинояччиликлар содир бўлмоқда, ўқувчилар дарслардан буш вақтларини бекор ўтказишлари, ўзи севган ўйин ва ёшлар билан шугулланиш учун шароитнинг яхши эмаслиги қузатилмоқда. Отаоналарнинг кўпчилиги давлат хизматлари билан овра бўлиб, фарзандларига кам эътибор бермоқдалар. Ўқувчиларнинг серқирра фаолиятини бошқариш, уларнинг таълим-тарбияси билан шугулланиш ҳозирча мактабларда педагогик жамоаларга юклагилган, бола тарбияси билан асосан мактаб шугулланиб келмоқда. Бинобарин ёш авлодни тарбиялаш мактаб, оила ва жамоаларни ўзаро яқин ҳамкорлик билан иш тутишларига боғлиқдир.

Бола тарбияси жуда қийин ва масъулиятли иш. Шунга қарамай кўпчилик ота-она фарзандларини фақатгина яхши кўриш, уларни яхши кийинтириш, овқатлантириш ҳакида ғамхўрлик фарзандларини билим қучогига йўллаш иштиёқи билан яшайдилар. Кейинчалик эса айримлари ўз фарзандларини ўқищдаги ютуқларию камчиликларига, ҳатто тарбиясига ҳам эътибор бермай қўядилар. Айрим вақтларда ота-оналар ўzlари болаларни ёғончи бўлиб қолишларига сабабчси бўлмоқдалар. Қўшнимиз чақириб келса, «мени йўқ деб айтинглар» деб фарзандларимизга айтамиз. Телефонда сўрасалар «Дадам йўқлар» деб ўргатамиз. Оқибатда фарзандларимиз иккиюзламачи, алдамчи бўлиб ўсадилар. Қуш уясида кўрганини қиласди, деган мақол борку ахир!

Ота-оналар фарзандининг биринчи тарбиячилариидир. Бола тарбияси билан фақат мактаб, оила шугулланиб қолмай, балки маҳалла ҳам қизиқмоги лозим. Маҳаллада болалар билан ишлаш учун фаол тарбиявий иш олиб борадиган гуруҳлар бўлиши зарур. Бу гуруҳга маҳалла қариялари аъзо бўлишлари ва мактаб билан биргаликда тарбиявий ишларни амалга оширишлари керак. Дарсдан кейин дам олиш, ёзги таътил кунларида болалар билан айрим жойларда, ҳеч қандай иш олиб борилмайди. Маҳаллалар иш дастурида маҳалладаги болалар, ўсмирлар тарбияси бўйича ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар режаси ҳам тузилмаган, тузилгандарни эса талабларга жавоб бермайди. Маҳалла фаолларини,

раисларини мактаб педагогик жамоаси чақириб, маҳаллада ўсмирларни тарбиялаш ишлари ҳақида суҳбатлашишса, ишлари кўплигини баҳона қиласилар. Ваҳоланки, маҳалла мактабдаги тарбия жараёнини бойитиш ва унинг узвийлигини таъминлашда катта ёрдам бермоги лозим. Маҳалла-мактаб ҳамкорлигига тадбирлар билан, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиша, соғлигини мустаҳкамлашда, чиниқтириш ва спортнинг бирор тури билан қизиқтиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида болаларни интизомликка ўргатиш билан маънавий-аҳлоқий тарбиянинг ҳам таъсирчан омили бўлади. Маҳаллаларда тўтараклар ташкил қилинса, болалар ўзлари қизиқсан машгуотлари билан шугулланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Оилада бола тарбиялашда меҳнатнинг аҳамияти катта эканлиги, болаларни меҳнатсеварликка ўргатиш ота-оналарнинг муҳим бурчи экани ва бунда ота-оналар намуна эканлиги ёдда тутиш лозим. Болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, фарзандларимизнинг меҳнатини қадрлаш, кўчат экиш, ҳашар йўли билан маҳаллаларда баҳор, меҳнат байрамини ўтказиш, маҳаллаларда ҳарбий хизматта йигитларни кузатиш, кексаларга кўмаклашиш, хотира ўтқазиш, маҳалладаги хонадонларга ёрдамлашишда якка-ёлғиз кишиларга ёрдамлашиш, кичикларга меҳр-шавқат, гамхўрлик кўрсатиш, саҳоватли бўлиш, табиатта нисбатан меҳр-муҳаббат ва гамхўрлик ҳисларини ўргатиш, она Ватанга бўлган меҳни уйғотиш зарурдир.

Ўқувчи-ঁшларни тарбияли бўлинг, деган билан тарбиялаб бўлмайди, бунинг учун аввало ота-она шахсан намуна кўрсатмоги лозим. Эзгулик, одамийлик улуғ санаалган оилада ўсан бола ота-онани, қолаверса ўз устозларини ҳурмат қиласидиган, маҳалла-куйда ўзидан кичикни ҳурматлаш, катталарни иззатлашни ўз ўрнига қўядиган, халқпарвар бўлиб етишади. бундай фазилатта эга бўламан деган ҳар бир ота-она эл ичидаги бўлмоги, элдаги одат ва удумларни яхши билиши лозим. Шунда бундай оилада тарбия кўрган бола ҳар бир ишни қилишдан олдин бу қилмишларимизнинг оқибати нима бўлади, деб ўйлайди, маҳалла-куй нима дейди, деб андишага бориб, ақл билан иш тутади.

Ҳар бир оилада ота-онанинг бир-бири билан ўзаро муносабат масаласи муҳим, чунки ота-она бир-бирини иззат-ҳурмат қиласагина болалари ундан андоза оладилар. Айрим ота-оналар ўз болалари тарбиясидан ўзини соқит қилиб, масъулиятни мактабга, педагогларга ағдариб қўядилар, кунда фарзандларининг кийимига, ишда, кўчада

юришга, ўқишига, ўзидан катталарни ҳурмат қилишга эътибор бермайдилар. Мактабдан болаларни тарбиялаб беришни талаб қиласидилар.

Бундай ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоҳида ишлаш, яъни оиласи ўрганиш, ота-оналари билан алоҳида бўлиш, педагогик маомила, кийиниш, меҳнат қилиш маданиятини юксалтириш керак. Буни амалга ошириш мактабларда синф раҳбарларининг назоратида бўлмоги ҳамда мактаб-оила-маҳалла ҳамкорлиқда иш олиб бормоги лозим. Мактаб тарбияси борасида фақат ота-оналар мажлиси ўтказиш кифоя қилмайди. Улардан педагогик тушунча ва малакалар ҳосил қилинса, ота-оналар учун якка тартибда маслаҳатлар берилса, маҳаллалардаги яхши оила тарбиясини намуна қилиб кўрсатилса, маҳаллаларда, ота-оналар, ўқувчилар оила-маҳалла концепцияси мақсадига эришади.

ЯХШИ ТАРБИЯ — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Ҳар бир инсон дунёга келиб, шаклланар экан, доимо нимагадир интилиб яшайди. Зеро, бу ҳаёт инсонга фақат бир маротаба берилади холос. Мана шу берилган неъматдан оқилона фойдаланиш, ажойиб фарзандлар тарбиялаш ҳар бир инсоннинг биринчи галдаги вазифасидир.

Жамиятимизда маджини достон қилса арзийдиган ажойиб оиласи ҳад ҳисобсиз. Бундай ширин оиласи кўрганингда ё мақтовини эшитганингизда севинасан киши. Одамзоднинг тарихини замоннинг интилиши шу дейсан. Бизнинг ўзбек халқи болажон халқ.

Бугунги кунда аёлларимиз аҳволи мақтангулик эмас, кўчаларда кун бўйи давлат идорасида эркак қатори ишлаб ҳолдан тойган аёлларни дам-бадам соатга қараётган ҳолда учратасиз. Куннинг ботишига қараб қовоги тунлашиб бораётган бу сержаҳл аёлларнинг бир хаёли ҳозир ўлқасини қўлтиқлаб етиб боргандা «Ҳар доим кеч келасиз, нима сизнинг болангиздан бошқа дардим йўқми», деб юзига сапчийдиган боғча опада бўлса бир хаёли ҳозир мактабдан қайтган, аммо қаерда юргани маълум бўлмаган ўқувчи боласида. Эрталаб эса аёллар яна болаларни судраб жеркиб, боғча яслиларга шошилаётган бўлади.

Бизнинг бу ноҷор муҳитимиз таъсири туғилаётган болаларимиз соғлиғида, характеристида бекаму-кўст ўз аксини топмоқда. Башанг серзарда оналардан инжиқ касалванд болалар дунёга келмоқда.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Хүш фарзандларимизнинг ҳаётда ўринларини тошиб олишлари, жиноят кўчасига кирмасликлари, оқил, доно, соғ-меҳрибон бўлиб етишишлари учун нималар қилиш лозим?!

Мен кўп йиллик педагоглик тажрибамдан келиб чиқиб, айрим муаммоларни ҳал қилиш лозимлигини айтиб ўтмоқчиман:

— Биз катталар, яъни энг аввло ота-оналар, муаммолар жамоатчилик, вакиллари ўз тарбиямизга ҳам жиддий назар солишимиз керак, токи бизлардан ўрнак олаётган фарзандларимиз бизнинг тарбиямиздан нуқсон кўрмасин. Болаларимизга ҳалол меҳнат нонини едирайлик, ҳар гапимизни ўйлаб гапирайлик. Қолаверса, болаларни кўчада эътиборсизлик, ва бекор қолдирмаслик, бола ҳаётини оила жавобгарлигини ота-она масъулиятини бир неча баробар ошириш жамият учун назоратсиз қолган бола келтирган зарар ота-оналар учун жамият учун катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етишимиз зарур. Яна бир вазифамиз фарзандларимизнинг, ўқувчиларимизнинг маънавий дунёларини кенгайтиришимиз лозим. Инсоннинг маънавий дунёси қанча қашшоқ бўлса, у шунча шавқатсиз бўлади. Ҳозирда болаларимиз бадиий адабиёт ўқимай қўйишиди. Уларда китобга мұхабbat үйготишимиз зарур. Бадиий адабиёт инсонга ҳаёт сабоқларидан дарс беради, улар қалбида эзгулик үйготади.

— Яна шуниси ҳам борки, ноҳиямиз мактабларда муаллимларнинг етишмаслиги ҳам ўсмирларимизнинг ўқув жараёнiga салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Тарбия соҳамиздаги муаммоларнинг ҳал бўлиши қийинлашиб бораверади. Шунинг учун мактабларимизда ташкил этилган педагогик синфларга кўпроқ ўғил болаларни жалб етишимиз лозим.

— Ҳозирда фарзандларимизнинг кўпчилик мактабдан ташқари вақтларида ислом дини, унинг тарихидан сабоқ олмоқдалар, эътиқодга ўргатмоқдалар. Бу яхши, лекин айрим нотўғри тареиботчиларнинг тарбиялари бу борада салбий аҳамият касб этмоқда. жумладан айрим фарзандларимиз эзгулик, инсонийлик фазилатлари ўрнига мактабга фанларга, устозларга нисбатан нафрат үйготмоқда.

Бу ниҳоятда ачинарли ҳол. «Асалнинг ози ширин» — дейди халқимиз. Ҳамма нарса ўз меъёрида бўлиши керак, диний эътиқод фарзандларимизни инсонларга нисбатан меҳр оқибатли бўлишга чорлайди.

— Яна бир муҳим нарса шуки, балогатга етишган болалар билан ишлаш назоратчиларининг ишларини яна бир кўриб чиқиш керак. Бу ташкилот кейинги пайтда қоғозбозлик билан ўралиб қолди, турли ҳужжатлар йигиш билан машгулдир. Ахир, бу назоратчилар балогатга етмаган ёшлар маҳаллаларда, мактабларда иш олиб бориш лозим-ку?! Улар эса тайёр ҳужжатлар билан ишляпти, холос.

Хулоса: қилиб шуни айтишимиз керакки, сиз билан биз юқорида айтиб ўтилган вазифаларни сидқидилдан бажарсак, бизнинг ҳосилимиз бўлган фарзандларимиз завол кўрмай ўсадилар, ҳётда ўз ўринларини топадилар. Сиз билан бизнинг муносиб ворисларимиз бўлиб етишадилар.

ИБРАТ ЮЛДУЗИ

*Ёшлик қувватию кексанинг ақли-
Галаба гарови бу ҳалқнинг нақли*

Қайта қуриш, янгилиниш, долгали ҳаёт... Унинг жуда оғир кечеёттан дамли жабҳаларда йилт эттан нур акс этади. Бу — ҳаёт қувончи инсон қалбининг чўглари кенг меҳнат қучогида алантланади. Унинг ҳароратидан одамлар онги нурланади. Бу нур ҳаёт тўлқинларида одамларни зэгуликка даъват этади...

Маҳкам ака Гадойбоев ҳам ёш инсонларга зиё тарқатувчи ана шундай чароғбонлардан бири десам, муболага бўлмас.

Ёдимда, ҳали мактаб партасида эканлигимда каминанинг онги шу нур билан шуъланган эди. Эндилиқда шу нур мени ҳам маорифчиларнинг хизматкори сифатида катта ишларга бошлади...

Шу ўринда фикрни ошкора равища айтмоқчиман. Шундай одамлар борки, улар ўз тақдирини жамият ва ҳалқ билан боғлаб, зэгулик йўлида 50-60 йил Ватанга хизмат қиласди-ю, лекин матбуот саҳифаларида улар тўғрисида камдан-кам ёзилади. Республикаизнинг саводхон қилган ва маърифат нурларини тарататётган устоз муаллимлар ҳақида ранг-баранг материаллар бериб борилишини жуда-жуда истайман. Шу муносабат билан мени устоз мураббий Маҳкам ака Гадойбоев ҳақида ўз фикрларимни билдиришни лозим топдим.

Меҳнат фаолиятингда баъзан шундай фахрли воқеалар бўладики, уни то сўнгги нафасигача унугулмайсан, унугтишга ҳам ҳаққинг йўқ. унинг тотли завқлари ҳаёт саҳифаларига муҳрланиб қолажак.

«Устоз отангдек улуг» деганиңдеги ўқитувчининг ҳаёти үшшайды — битта ўзингдан битта маромда тинимсиз оқади. Ташқаридан қараган одам унда бир хилдаги турмуш тарзини кўради: уй — мактаб — дарс — танаффус — уй... Бир хилдаги сабоқ, бир-бирига үшшаган болалар. Лекин, бу сокин ҳаёт замиридаги долгалар, тутғёнларни шу соҳада ишлаган инсонгина ҳис этади.

Ўз касбини севган, ардоқдаган, машаққатлардан чўчимаган, қисқаси 53 йилдан бери маориф соҳасида фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган ардоқли устозлардан бири Тошвой ака Каримовдир.

Яқинда Тошвой аканинг мўъжазгина хонадони дўсту ёрларнинг, шогирдлару, маҳалла аҳлиниң табрикларига тўлди. Чунки устоз 70 ўшга қадам қўйдилар.

Үрта бўйли, қотмагина, пешонасини қалин ажин қоплаган, кўзлари ҳамиша кулиб турадиган устозни шогирдлар меҳр билан бағриларига босар эканлар, бир зум бўлсин ўзларини болаликка қайтаргандек ҳис қилдилар: устоз бағрининг иссиқлигини туйдилар.

Тошвой ака ўз фаолияти давомида юзлаб болаларга математикадан таълим бердилар, болаларга меҳр-муҳаббат, Ватан туйгуларини сингдира билдилар. Ҳозирги кунда у кишининг қўлида тарбия топғанларнинг кўпич йирик олим ва жамиятимизнинг ардоқли кишилари, 36 нафари эса математика муаллими...

Халқимизда: «Сен ўз касбингни ардоқлассанг, эл-юрт, она-Ватан сени ардоқлайди», — деган доно ўғит бор. Ўз касбини ардоқлаган Тошвой ака Каримов ҳам шогирдлари ардоқлаган севимли устоздир.

Ётмиш йил. Эзгуликнинг етмиш довони. Ўзгаларга да устоз забт этган эзгу манзиллар насиб этсин.

Каримов Тошвой ака — бу қалби кенг, иродали математика муаллимини на фақат Тошкент шаҳри, ҳаттоқи республика ўқитувчилари ҳам таниб, ҳурмат ва эъзоз билан тилга оладилар.

Улардаги билим, инсонийлик, оадмшинавандалик, меҳрибонликнинг чеки йўқдир

Бунгунги кунда сизнинг кўпгина шогирдларингиз ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида, раҳбар лавозимларида, олий ўқув даргаларига профессор, доцент, кафедра мудирлари, мактабларда етук математик ўқитувчилари бўлиб ишлаб келмоқдалар.

Сиз бу шогирдларингиз билан ҳақли равишда фахрлансангиз арзиди.

Эл-юрт олдидағи ҳалол меҳнатлари улуг ватан уруши даврида ҳалқ тўгрисида олиб борган тарғибот ишлари учун бир неча медаллар,

Меҳнат қизил байроқ ордени, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвонларига эгадирлар.

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

*Адолат гоясини рад этиб бўлмайди.
У одоб-ахлоқ, ақл-идрок қонунларидан,
омма ҳаётидан келиб чиқади.
Адолат ҳаёт уфуриб турган сўздир.*

*Саҳна. Саҳнада чироқ аста-секин
ёритила бошлайди. Хона кўринади, хонада
аёл қўлидаги мактубини охирги
мисраларини ёзиши тугатиб ўқий
бошлайди.*

АЁЛ

— Ҳурматли таҳририят. Менга тинчлик бермай қалбимни ўртаётган ташвишга соган саволимга жавоб беришингизни сўрайман.

Менинг ўглим ўзининг икки ўртоғини ёнига олиб, Машраб исмли дўстининг туғилган кунига бормоқчи бўлиб йўлга тушади.

Улар кўчага чиқишиб анча вақт транспорт кутишади. Аммо автобус келавермагач, болалар шўхлик қилиб, катта йўлнинг қирғоғида турган «Жигули»дан фойдаланиб, зиёфатга боришади. У ердан уйга қайтишиб машинани яна жойига олиб келаётганларида милиция ходимлари томонидан ушландилар. Ўглим ва унинг ўртоқлари машинага ҳеч қандай зарар етказмаганлар,

уни яхшилаб ювиб, ялтиратиб, бензинигача тўлдириб қўйишган. Бироқ суд буларнинг ҳеч бирини инобатга олмай Ўзбекистон Ж.К. 276-моддасига мувофиқ ўглимни ва унинг икки ўртогини қамоқ жазосига ҳукм қилди. Лекин ўглим машинани ўғирламоқчи бўлмаган-ку. Шунинг учун ёшгина ўглимнинг умрини хазон қилиб озодликдан маҳрум қилиш адолатданми? Мендек онаизорнинг оҳу-зорини ким тинглайди?

*Аёл мактубни буклаб конвертга
жойлади. Саҳна қоронгулашади. Кадр
сўзлар мазмунига қараб ўзгариб боради.
Кадр ортидан*

Бошловчи:

— Ҳаётда шундай ҳолталар юз берадики, бехосдан бир ишга қўл урилади, бўлар иш бўлиб ўтгач «Қилган ишим тўғри эдими ёки нотўгрими деб бош қотирилади.

Кўринишидан жиноятта ўхшамайдиган хатти-ҳаракатлар қонун нуқтаи назаридан баҳолангандা жиноят бўлиб чиқади.

Ҳозирги вақтда ёшларимиз орасида билиб билмай ишларга қўл уриб, шиддатли ёшлик фаслини жиноят курсисида ўтказаётганилиги сир эмас.

Нима учун? Бунга асосий сабаблар бор-ми? Бу балки, ёшларимизни ўз ҳуқуқларини ва ҳукуматимиз томонидан жиноий жавобгарлик юзасидан чиқарилган қонун қоидаларни билмасликлариданми?

Нима деб ўйлайсиз? Бу муаммоли саволларга жавоб топиш мақсадида кўрсатувимизга ҳуқуқшунослар ҳамда олий суд вакилларини таклиф этамиз.

Кадрда бошловчи:

— Асосан қандай ёшлар жиноятга қўл уришмоқда?

Ҳуқуқшунос:

— Биз фактларга асосланиб гапирганимизда, балоғатта етган ва етмаган ёшлар орасида жиноий ишга қўл урганлар учраб туради. Асосан улар талончилик билан қўлга тушмоқдалар.

БОШЛОВЧИ:

— Жиноятчиликда айбланиб, құлға олинган шахс, суд бошланғунга қадар ва суд жараённанда қонун олдида үзини ҳимоя қилиш учун қандай ҳуқуқларга зерттеңіз?

Хуқуқшунос:

— Аввало жиноятчиликда айбланиб, құлға олинган шахс, маҳкамага олиб келингандан сүнг Адвокат Әллашга ҳуқуқ берилади. Адвокатсыз бир оғиз ҳам саволларга жавоб бермаслықта ҳаққы бор.

БОШЛОВЧИ:

— Суд жиноятта құл урган шахснинг ёнини ва биринчи марта судлананаётганини инобатта оладими, ҳамда жиноят эканлигини билмасдан туриб жиноят қылған кишини, жиноий ишини олий суд ҳисобға оладими? Яғни билиб туриб содир этилған жиноий ишга нисбатан енгиллік тұғдирағы-ми?

Хуқуқшунос:

— Биринчи саволингиз юзасидан жавоб берадиган бұлсак албатта судлананаётган шахснинг ёшини ва биринчи марта судлананаётганини ҳисобға олади. Үнга кодекс бүйіча енгил жазо берилади Лекин бәзі Әшларимиз эса қонуннинг бу олижаноблигини ҳисобға олмайдылар ва улар орасыда яна жиноятта құл урадиган инсонлар йүқ зemas.

Энди пиккинчи саволга келсак инсон билиб турибми, билмай турибми жиноят қылади. У қонун олдида жавоб беріши лозим. Чunksi у үзи яшаёттан жамиятта ва одамларга қылған жинояты орқали зарар етказади. Демек, Әшлар билмай жиноятта құл урмасликлари учун давлатимиз томонидан чиқарылған қонун-қоидалар барча мактабларда, маҳалларда ота-оналар йигилишида кодексларни тұла үрганиб чиқышлари зарур деб үйлайман.

БОШЛОВЧИ:

— Албатта, жиноят қылғанлар жазоланади. Лекин жамият учун хавфли бұлған шахслар жиноятни ташкилотчилариңіздір. Мана шу яқин күнларда худди шундайларни баъзилари жиноий жавобгарлікка тортилғанлығини фактлари борми?

Хуқуқшунос:

— Тұгри жамият учун энг хавфли шахслар жиноятни ташкилотчилариңіздір. Улар ушланмасдан қолмайды, албатта, ушланади ва жиноий жавобгарлікка тортилади. Агар қочиб кетса қидирув зыян қилинади.

БОШЛОВЧИ:

Үтган даврда кучга киритилған янги жиноят кодексида

автомобилларни ўгирлаганлик жиноятига оғир жазолар белгиланган. Шундан кейин автомобилларни ўгирланиши кескин камайиб кетди. Лекин бу мутлоқо камайды деган гап эмас. Бу кодексни күп ёшларимиз билишмайды. Мактабларда мана шу қонун-қоидалар, кодекслар ҳақида үқитилиши вақти келмадимикан. Балки улардан имтиҳонлар қабул қилиш керакдир, нима деб үйлайсиз?

Хуқуқшунос:

— Тұғри ёшлар орасида уларға янги қонун-қоидаларини хуқуқларини англашда мактабни роли катта бўлиши лозим. Институтларда ҳам хуқуқ фани бўйича соатлар киритилса яхши бўларди. Бизнинг режаларимиз бор, бу ёшлар учун, жамият учун, соглом авлод учун, келажак учун хизмат қилиш ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир.

Мана кўрдингизки ёшлар жиноятга қўл урушди, бунга ким айбдор? Ота-онами, болаларми?

— Йўқ, йўқ, айбдорлар бу ёшлар фарзандларимиз, булар бу ишларни қилмасликни биладилар, лекин икки дўстларнинг келишуви, қонунни моҳиятини тушунмаслик, жавобгарликни ҳис қилмаслик, гурури олдида ўзларини енга олмаслик оқибатидә жиноят содир этилди, энди ота-онанинг ҳолатини, боласини кечаю-кундуз үйлаб, соғлиғига путур етишини нима билан изоҳлаш мумкин?

Азиз ёшларимиз, келгуси ҳаётингиз заарларнамасдан туриб, уни қадрига етингиз, ота-онангизни бошини эгмасдан уларни авайлаб дуоларини олиш ҳар бирингизга насиб этсин.

САДОҚАТНИ КЎЗЛАРИ НЕГА ЁШЛАНДИ (МЕҲРИБОНЛИК УЙИДАН БИР ЛАВҲА)

*«Она билан бола
Гул билан лола».*

Республикамиз ҳудудларида жойлашган меҳрибонлик уйларида фарзандларимиз учун ҳукуматимиз томонидан барча қуляйликларни яратиб берган, барча кийим-кечаклари-ю озиқ-овқатлари ва уларни ҳар бирига алоҳида мураббийлар, мактабга бориши-ю, қайтиши, уларни дарс тайёрлаши, ҳар хил тўгаракларга иштирок этишлари таъминланган, шундай шароитлар яратиб берилишига қарамай, болаларга нимадир этишмайди, бу нима экан?

Садоқат: (Етоқхонаси деразасидан кўчага термулган ҳолда

күзларида ғамгинлик, ёш). Ойижон, менинг ойижоним қаерлардасиз? Наҳотки менинг мургак қалбим таллингандарим, жовдираган күзларим сизни құмсайди сизни, сиз эса буни ҳис қилмасанғиз? Эх мени хаёлига келтирмаган, меҳрсиз фарзандлик түйгүларимни ҳис қилмаган тошбагир онажоним. Тарбиячи опамни саволларига жавоб беромаслигим, бирга үқиёттан болаларнинг үйинларига құшилолмасам, нима қилай? Дераза өнида сизни уззуқу сизни кутишларимни, она меҳрига зорлигимни биласизми ойижон?

(Шу пайт коридорда оёқ товуши эшитилади, яқынлашади.)

Ойижон, ойижон йўқ афсус сиз эмассиз, бошқа одам Сарвини отаси. Мана бугун ҳам келмадингиз мени эса ҳамон сизни зор-зор кутаман. Кўзалримда ёшларим йўқдек қотиб қолади, кечалари иситмалаб, яна мижжа қоқмай чиқаман, ахир сизни согинаман ойижон сизни.

(Шу пайт тарбиячи кириб келади.)

Тарбиячи: Ҳа, Садоқат сенга нима бўлди тагин? Вой Худойимей, яна иситманг чиқаяпти-ку, дарров хонага кириб ётгин, мен ҳозир ҳамшира билан гаплашиб дори олиб келаман.

Садоқат: Йўқ, йўқ онажон, йўқ мен касал эмасман, фақат ойижонимни согиндим ойижоним келмаяптилар, мендан хабар олмаяптилар, қаерларда юрган эканлар? Билмадим?

Тарбиячи: Шугинами холос, улар албатта келадилар, балки бирон бир юмушлари чиқиб қолган бўлса керак.

(Шу пайт бир аёл қизчасини етаклаб, ўғлини кўргани кириб келади ва буни тарбиячи ҳам Садоқат ҳам диққат билан кузатадилар.)

Шерзоднинг онаси: Шерзод, ҳой Шерзод, тезроқ бу ёққа кел, ўглим, кела қол.

Шерзод: Ойижоним келадилар, ойижон мен бу ердаман. ойижон мен бу ерда қолишни истамайман, уйга олиб кетинг, уйга олиб кетақолинг ойижон, яхши бола бўлиб ҳамма ишларингизга ёрдам бераман.

Шерзоднинг онаси: Вой ўглимай, буни иложи йўқ ахир, сени олиб кетолмайман, сен шу ерда яхши ўқишинг келгусида яхши бола бўлишингга яхши тарбия олишингга ишончим комил ўглим. Мана, мен сенга үйинчоқлар живачка, шоколадлар олиб келдим, тез-тез келиб тураман ўглим.

Шерзод: Йўқ ойижон менга үйинчоқларингиз ҳам, живачка ҳам, шоколад ҳам керак эмас, фақат уйга олиб кетсанғиз, уйга кетаман.

Онаси: Ўглим агар менга шунақа эргашаверсанг, бошқа сени кўргани келмайман, ўтил бола бунақа эргашавермайди.

(Шу зайдада она аста секин юриб чиқиб кетади-ку, Шерзоднинг кўзлари жиққа ёшга тўлади. Бу воқеани кузатиб турган Садоқатнинг ҳам кўзлари ёшлиданади ва яна ўзига-ўзи гапиради).

Садоқат: Ҳа, ойижон сиз келсангиз мен сизга сира эргашмайман, фақат сизни сизни кўрсам бўлди эди. Менга ўйинчоқ ҳам, живачка ҳам, шоколад ҳам керак эмас ойижон, афсус сиз яна келмадингиз, мен сизни барибир кутавераман, кутавераман. Менинг дунёда энг азиз ва меҳрибон ойижоним, ойижоним.

Тарбиячи: Эй ҳаёт, мунчалар мураккаб бўлмасанг, Садоқатга, Шерзодга ўхшаган болалар камми? Ота-она меҳрига зор, кечаю кундуз уларни ўйлаган ва уларнинг исмини мургак қалбли оналар қаердасизлар, оналик меҳрингиз, қалбингиз қани? Ҳозир қаерларда экансиз? Ниму учун болалар ёнига келмайсизлар, болаларга она муҳаббати етишмаёттанини наҳотки англамасангиз.

Бизнинг айрим ҳолатларда учраб турадиган бундай ҳолатларни бўлишга кимдир сабабчи, буни ким тушуниб етади ёки болалар айборми? Бу муаммо муаммолигича қолди. Лекин бир нарсага биз аминмизки Шерзод, Садоқатга ўхшаган фарзандларимиз ҳукуматимиз томонидан қилинаётган ғамхўрлиги боис келгусида Ватанимиз учун ажойиб инсонлар бўлиб етишишига аминмиз, лекин меҳрини топиб бериб бўлмайдиган, ҳеч нарсага тенг келмайдиган куч эканлигини айрим енгил-елли ҳаётга ўргантан оналаримизга айтиб қўйишимиш тўгри бўлса керак, агар уларда оналик меҳри заррача уйғонса, пайдо бўлса, албатта бундай нуқсонлар камайса ҳеч бир фарзанднинг кўзи ёшлиданаса, оналик муҳаббатидан айрилмаса деган умиддамиш.

Онадир фарзанд қалбининг метин суюнчи!

Онадир ҳар бир боланинг сўнмас қувончи!

Онадир йўлида йўлдош, жонида жондош!

Онадир тунида ою, кунида қуёш!

БЕЛЛАШУВГА САВОЛЛАР

1. Узбекистон Республикасининг давлат рамзлари, мадҳияси, герби, байроги.

2. Австралиянинг энг машҳур ҳайвони (кенгуру).

3. Учар одамлар ҳақида афсона қандай номланади? (Дедал ва Икар)

4.«Ассалому алайкум» сўзининг маъноси нима? (Сизга тинчлик ва соглиқ тилайман)

5.Алишер Навоийнинг асли исми нима бўлган? (Низомиддин)

6.Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи Олий органи? (Олий мажлиснинг қонунчилик палатаси)

7.Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига қачон давлат мақоми берилган? (1989 йил 21 октябр)

8.Амир Темур мақбараси қандай номланади? (Гўри Амир)

9.Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳиясининг муаллифи ким? (Абдулла Орипов)

10.Футболнинг ватани? (Англия)

11.Навбатдаги ёзги олимпия ўйинлари қаерда ўтказилади? (Австралия, Сидней)

12.Эга ва кесим сўз бирлиги бўла оладими? (Йўк)

13.Ўзбекистон ҳудуди? (447,5 минг. км.)

14.Акция ниам? (Қимматбаҳо қозогз)

15.Ҳар ким вафо қилса, вафо топгусидир, Ҳар ким жафо қилса, жафо топгусидир. Мисралар муаллифи ким? (З.М.Бобур)

16.Ислом динининг муқаддас китоби? (Қуръон)

17.Экология нима? (Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш)

18.Машҳур «Сен етим эмассан» шеърининг муаллифи ким? (Гоғир Гулом)

19.Ўзбекистоннинг мустақиллик куни? (1991 йил 1 сентябр)

20.«Юлдузли тунлар» асарининг муаллифи ким? (Пиримқул Қодиров)

21.«Сеҳрли қалпоқча» қиссасининг муаллифи? (Худойберди Тўхтабоев)

22.Ўзбекистон қачон БМТга қабул қилинди? (1992 йил мартда)

23.Улуг донишманд олим Абу Али Ибн Сино шундай деган эди ...«Агар табиатда чанг бўлмаганд...» Олим фикрини тўлдиринг, у нима деган? (Агар табиатда чанг бўлмаганда, инсон минг йил яшаган бўлур эди) деган эди А.А.И.Сино)

24.Ўзбек давлат тузуми? (Республика)

25.Қачон Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўм муомилага киритилган? (1994 йил 1 июл)

26.Тугалланган фикрни англатадиган нутқ бирлиги? (Гап)

27.Бир дақиқада Сиз қадимий ҳунармандчиликнинг турларидан камида 5 тасини санаб беришингиз зарур? (Дўппидўзлик, токчилик, кулолчилик, ганчкорлик, зардўзлик)

28.Амир Темур қаерда дағн қилинган? (Самарқанд).

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚҰЛИДАДИР

Күп жаҳонгир күрган бу дунё
Ҳаммасига гувоҳ ер ости.
Лекин дўстлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгири кам бўлган, рости
Беш асрки, назмий саройни
Титратади занжирбанд бер шеър
Темур тиги етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.
Дунё бўлди чаманим маним
Ўзбекистон — Ватаним маним.
Абдулла ОРИПОВ.

Ўзбекистон! Тупроги зар, ҳосили гавҳар, одамлари сахий,
багри кенг, меҳри дарё меҳмондўсту, одампарвар, хушхулқу,
хушсухан диёр!

Республикамизнинг тараққиёт ва ўзгаришларига бой даврида
инсоннинг ҳар томонлама камол топиши, ҳозирги кун талаби ва
эҳтиёжиdir.

Ёшлар тарбияси — давримизнинг энг долзарб муаммосидир.
Болалар оила ва ота-оналарининг эмас, балки давлатимизнинг
келажагидир. Келажак авлод тақдирни жамиятимиздан ва шунинг
билан бир қаторда, ҳар биримиздан катта масъулият талаб қиласди.

Ҳар бир оилада ва ҳар бир жамият ўз авлодини маънавий
етук кишилар бўлиб этишишини истайди.

Ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар савиясини ошириш, унинг
турли услублари ишлаб чиқиш, бундай улкан масъулиятли, шарафли
вазифани ҳал этишда мактаб, оила, маҳалла ва жамоатчилик
ҳамкорлиги муҳимдир. Илгари даврда «етти қўшнинг отанг-онанг»
деган яхши иборалар бор эди, болаларимиз бирор шўхлик қилса,
кўчадан утаяётган ҳар бир киши бефарқ қарамас ва буни ҳамма
ота-она тўғри тушунар эди, ҳозирда эса бундай ҳодисаларда
кўрмасликларга олиб кетиш ва айрим ота-оналарга уқтирилганда
эса «сизни нима ишингиз бор, ўзингизни болангизга қарасангиз
бўлмайдими» қабилида иш иш кўрадилар, бу эса оиласа ҳам,
маҳаллага ҳам, мактабга ҳам, жамиятга ҳам зид ишдир.

Ушбу тавсияномалар мазмунни ижодий ва амалий, тарбиявий
маънавий ишларингизда озгина бўлса ҳам фойда берса, бу хайрли
ишга ҳиссамизни қўшган ҳисоблаймиз.

Кейинги йилларда ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар, фикрлар хилма-хиллиги, иқтисодий барқарорлик, болалар тарбиясига ўта бефарқыл, қайта кўриш муаммолари ёшлар онгига таъсир этмай қолмайди, тўғриси ҳозирги кунда ёшлар ўртасида билиб билмай қилган ишлари оқибатида жиноятчилик қўпаймоқда. Ўқувчилар дарсан бўш вақтини бекор ўтказиш ёки уларни ўзи севган ўйин ва ишлар билан шугулланишлари учун шароит яхши эмаслиги, ота-оналарни кўғчилиги давлат хизматлари билан овра бўлиб кўпроқ фарзандларига кам эътибор бериш билан оқибатидир.

Ўқувчиларни бошқариш, уларни таълим-тарбияси билан шуғулланиш ҳозиргача мактабларда педагогик жамоаларга юқлатилган фақат бола тарбияси билан мактаб шуғулланиб келмоқда. Ҳақиқат 1 сентябр арафасида ота-оналар ўз фарзандларини билим қучогига йўллаш эҳтиёжи билан яшайдилар. Кейинчалик эса айрим ота-оналар ўз фарзандларини ўқищдаги ютуқлари-ю ва камчиликларига ҳатто тарбиясига ҳам эътибор бермайдилар.

Маҳаллада болалар ва ўсмиirlар билан тарбиявий ишларни ташкил этища жисмоний тарбия тадбирларига эътибор бериш. Maxsus спорт-согломлаштириш майдонча ташкил этиш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказища, соглигини мустаҳкамлашда уларни чиниқтириша ва спортни бирор тури билан қизиқтириша ёрдам беради, бу ўз навбатида болаларни интизомлликка ўргатиш билан маънавий-ахлоқий тарбияни ҳам таъсирчан омили бўлади.

Ҳар бир оиласда бола тарбиялашда меҳнатнинг аҳмияти катта эканлиги, болаларни меҳнатсеварликка ўргатишни ота-оналарнинг муҳим бурчи эканлиги, бунда ота-оналар намуна эканлиги болаларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги фарзандларимизни меҳнатни қадрлаш, кўчат экиш, ҳашар йўли билан баҳор меҳнат байрамини ўтказиш, мактаб, уйларда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, маҳалла ўқувчилари билан Наврӯз байрами, маҳаллада Ҳарбий хизматга йигитларни кузатиш, кексаларга кўмаклашиш ишларини бирга бажарсалар айни муддао бўларди.

Хотира кунларини ўтказиш, якка ёлиз кишиларга ёрдам беришада кичикларга меҳр-шафқат, ғамхўрлик кўрсатиш, саҳоватли бўлишни, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат ва ғамхўрлик хисларини уйғотиш она Ватанга бўлган меҳрни уйғотиш керак.

Мен ўзимни шу фаолиятимда педагогик вазиятларга кўп учраб турман. Савол-жавоб орқали билмаганларимни тўлдириб бораман.

1.Савол: — Сизнинг болангиз ўртоги билан уришиб қолди, шунда сиз қандай иш тутасиз?

Жавоб: — Албатта, жанжал сабабини билиб оламан. Вазиятни тұғри тушунишга ҳаракат қиласынан. Агар менинг болам айбдор бұлса, үртогидан кечирим сұратаман.

Агар үртоги айбдор бұлса, ундан унга кек сақламаслигини тушунтираман ва уларға үз хатоларини тузатишларига өрдам бераман.

2.Савол: — Сиз үглингизни чекишини сезиб қолдингиз, шунда қандай иш тутаси?

Жавоб: — Вазият оғир, бунда бир неча чораларни құллаш мүмкін. Тұғрироғи үглем билан очиқдан-очиқ, юрақдан гаплашиб оламан. Чекиши зарари ва унинг оқибаттарини тушунтираман. Керак бұлса, үртоқ бұлағттан гурухдан ажратаман. Үзим ҳам чекишини ташлашга ҳаракат қиласынан.

3.Савол: — Сизнинг үглингиз ёки қизингиз ёмон баҳо олди. Унда үқитувчисини айблади. Сиз бунга қандай қарайсиз?

Жавоб: — Бундай вазият рүй берса, үқитувчи билан учрашиб, боламнинг ёмон баҳо олган сабабини сұрайман. Агарда сиз үқитувчи билан келишсангиз, унда болани үқишиң жиғдій қараңға чақириңг. Борди-ю, үқитувчи билан бир фикрга келиша олмасангиз, унда болани күнмасдан үзингиз, оғир вазминлик билан масалани ҳал қилинг,

4.Савол: — Сиз үглингизга чекишини ташлайман деб ваъда бердингиз, лекин сұзингизни устидан чиқа олмадингиз. Үглингиз сизни чекиб турғанингизни күриб, «ада чекишини ташлайман — деб ваъда берган эдингиз-ку» деса, шунда Сиз қандай жавоб берган бұлар эдингиз?

Жавоб: — Мен айборман, умуман чекишини ташлашим керак, лекин қийин бұляпты. Шундай бұлса ҳам аста-секин чекмасликка, албатта ташлашга ҳаракат қиласынан.

5.Савол: — Борди-ю сиз үглингизни құпол сұзлағтанини эшлитиб қолдингиз. Сизнинг танбеңингизга шундай жавоб қайтарди, «үзингиз-чи, нима дердингиз?»

Жавоб: — Шунда үглем билан гаплашиб олардым ва үзимни хулкимга ҳам эътибор берардым.

6.Савол: — Сизга болангиз ноўрин танбек берди дейлик, бунга Сиз қандай қарайсиз?

Жавоб: — «Ешлик қиласан, ақл үргатиши ярашмайды». Бола ота-онасини ёмонлигини эмас балки, унинг ақлалиигини, донолигини, гурурини ҳұрматтайди. шунда Сиз үглингиз ёки қизингизга, «сен ҳақсан, мен бу камчилікларимни тузатишта ҳаракат

қиламан», десандын сүзингизни бекорга шамолга кетмасликтин ишботланған.

7.Савол: — Сиз кичкина бұлса ҳам, бегона нарасаны уйнингизда пайдо бўлиб қолганини кўрдингиз ва ўтлингизни «қаердан олдинг» деб сўрадингиз. Шунда у «тобиб олдим» деб жавоб қайтарди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

Жавоб: — Албатта биринчи навбатда болани тўгри ёки ёлғон гапираёттанини аниқлаш керак. Бирорни нарсасини топиб олса, албатта эгасига қайтариш кераклигини болага тушунтириш керак. Бундай воқеаларни четда қолдирмасдан, албатта ҳар доим назорат қилиб туриш керак.

8.Савол: — Сиз ишдан келиб дам оляпсиз, болангиз дарс қиляпти, онаси эса кечки овқат билан овора. Шунда сиз болангизга, «онангта ўрдамлашиб юборгин», дедингиз, болангиз эса «ўзингиз қарашиб юборинг» деса, сиз нима қилган бўлардингиз?

Жавоб: — Яхиси кулимсираб ўрнингиздан турингда ва ўғлингизни олиб қилинмаган ишларингизни биргалиқда бажаринг.

Оилада ҳар бир фарзанд ота-онадан ибрат олади. Онани ҳурматлашни отадан ўрганади. Болалар кўпинча оиладаги етишмовчиликдан змас, ота-она ўртасидаги ноаҳилликдан, бўлар-бўлмас, арзир-арзимас жанжаллардан таъсиранади, ранжиди.

Боладаги ҳар бир ўзгариши: ижобий ёки салбий инжиқлик ва эркаланишларни кузатиб бориш лозим.

Тарбиянинг уч илдизи бор: оила, мактаб ва жамоатчилик. Тарбиянинг ана шу манбалари соглом бўлгандагина кўзланган мақсадга эришилади. Болага ҳам инсоний муносабатда бўлиш: унинг ички дунёсини ўрганиш, қайту аламларига, шодлигига шерик бўлиш лозим. «Нега ёмон бола бўлиб қолди?» «Унинг яхши бўлиш учун нима қилиш керак?» Оила ва мактаб ана шу саволларга жавоб топиши керак.

Болаларнинг хулқ-одоб ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш худбинлик, такаббурлик, ўз манфаати учун интилишни, шунингдек, ёмон одатлар ҳақида кенгроқ маълумот бериш керак. Айниқса, «Сиз (ўғлингизнинг ёмон) ўзингизнинг ёмон одатларингизни, қайси феълатворингиз Сизга ёқмайди?» «Кимга ҳавасингиз келади, нима учун?» «Қандай характерни қули деб ҳисоблайсиз?» каби саволларга жавоб олиш, мунозара-баҳс юритиш фойдалидир.

Болаларни ютуқ ва камчиликларини мунтазам ўрганиб бориш, ножӯя хатти-ҳаракатларини аниқлаб, намунали фазилатларини ибрат қилиб кўрсатиш, танбех бериш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Болалардаги одамлардаги ғамхұр бўлиш, ҳиммат, сарб-қаноатли бўлиш, баднафс бўлмаслик, камтарин мақсадга эришиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ўз-ўзини идора қилиш, самимиятли, саранжом-саришталик, янтиликни пайқаш, талабчанилик, қадр-қимматини, меҳр-шафқат, оқибатли бўлишни тарбиялаш, бу фазилатларни рағбатлантириш, шунингдек қўпполлик, танбаллик, масъулиятсизлик, исрофгарчилик, манманлик каби ёмон одатларни қоралаш лозим.

Камтар, камсухан ва оддий инсон ҳамма севиб қоладиган гўзал инсондир. Камтарга-камол, манманга-завол. Бола азиз-одоби ундан азиз каби халқ мақолаларидан фойдаланиш, бадий асарлардан, ривоятлардан мисоллар келтириш болага тез таъсир қиласди.

Ота-оналар болаларини авайлагани, кўнгилсанлик қилганлари туфайли, улар ҳаётida туганоқ бўлаёттандарини сезмасалар керак. Кўр-кўрона севги билан севиб, уларни «мажруҳ» қилиб қуяётгандарини сезишмаса керак. Аввало, ота-она фарзандини эркалайди, ўпади, унинг ҳар бир қилигидан суюнади, сўнг уни авайлайди, ийқилса тургазиб қўяди, иш буюришга ҳам ийманади. Кейин эса фарзандларини нега бепарво, нега ҳеч нарса билан қизиқмайди, деб ҳайрон бўлишади. Балки фарзанд билан бирга ҳамсуҳбат бўлганда, уни кино, театрга бирга олиб бориб, кўрилган фильмлар, спектакларнинг салбий, ижобий томонларини бирга муҳокама қилганда ҳаётимизда жиноятчилар мутлақо бўлмас эди.

Айрим жиноят содир эттан вояга етмаганларнинг ота-онасидан суд жараёнпида судъя фарзандлари тўғрисида гапириб беришни сўраса, улар доим фарзандлари яхшилашади, бирорни хафа қилмаганлигини, ҳайвонларни севишларини айтишади.

Фарзандлари жамият ишига актив ёки пассив муносабатда эканлигини билишмайди, бу тўғридаги саволлар улар учун ёт бўлиб қолган.

Ота-оналар фарзандининг давлат мол-мулки тўғрисида, жамият олдидаги бурчи тўғрисида ўйлашлари мумкинлигини тасаввур ҳқм қилишмайди. Уларга ёшлигидан фарзанди уй эрмаги, овунчоқ бўлса, аста-секин улар яхши еб-ичадиган кийинадиган истеъмолчига айланади. Энди уларни бошқариш қийин. Ана энди ота-она «Нима қиласман?» «Қанчалик мен баҳтсизман, текинхўр, бемеҳр фарзанд бўлиб чиқди» деб хафа бўлишади. Ҳар бир ота-она тарбия санъаткори бўлмоғи лозим. Тарбия санътининг ўзи нима? Бу болаларни севиш санъатидир. Инсоний севги-юксак инсоний

маданияттар. Инсоннинг севишига қараб ҳатосиз ҳукм чиқариш мумкин. Чунки, севгида келажак жамиятимиз учун, унинг ахлоқий сарчашмалари учун масъулият янада ёрқин намоён булади.

Мактабларда, маҳаллаларда қизлар ҳаёси, ибоси, турмушга ҳаётта тайёргарлиги ҳақида баҳс-мунозаралар ўтказиш. Санитария ва гигиена ишларига эътиборини қаратиш, шифокорлар рейдларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Халқимизда шундай нақл бор. «Ота-онанинг мұқаддас бурчи фақат фарзандни дүнёга көлтирганлығи билан эмас, фарзанд яхши тарбияланғанлығи билан белгиланади».

Мен бугун тарбияси оғир ўқувчилар, улар билан олиб борилаёттан ишлар муаммосига, тарбияси оғир ўқувчи мактабдаги тартиб-интизомни тез-тез бузиб туриши синфдаги ўқувчилар билан шунингдек, бошқа синф ўқувчилари билан, келиша олмаслиги, уларга тазъийиқ ўтказишга ҳаракат қилиши, ўқитувчи гапига қулоқ солмаслиги синф фаолиятiga бефарқ қараши билан характерланади. Аксарият тарбияси қийин болалар ёмон ўқыйдилар.

Тарбияси қийин ўқувчидан ҳам, ўқитувчидан ҳам доимо норози бўлиб гапирадилар.

Ҳеч эсдан чиқармаслик керакки, таълим-тарбиянинг тури амалга ошиши учун оила, мактабнинг ўқувчиларига қўядиган талабларида бирлик бўлиши керак. Бунинг учун ўқитувчи ва синф раҳбарлари ота-оналар билан яккама-якка суҳбатлашиб, бир фикрга келишиб олишлари зарурдир.

Мактабларда ота-оналар билан оила беллашуви тадбирларини ўтказиш ҳам самарасини беради.

«АЁЛ ҚАЛБИ»

*«Болалар кулса олам кулади,
олам тинчлиги эса оила тинчлигидир».*

1950 йиллар эди. Биз Самарқанд-Дарбоза даҳасида яшар эдик. Бизнинг қариндош-уруглар ҳам бир-бирларига яқин туришарди.

Ҳа, биз бола эдик, ҳамма нарсани ҳар хил тушунар, айримларига эътиборсизлик ҳам қилар эдик-да.

— Бизнинг ота-оналаримиз катта оила бўлиб, ҳар бир оила ақа-сингиллари бир-бири билан иноқ ва яқин туришар, бир-биридан доимо хабардор, фарзандларини ҳар бирининг юриши, одоби, хулқи назоратда эди.

Ҳа, биз ёш болалар эдик-да, ўйинқароқ бўлиб, назорат

қилишларини билмас эдик. Күнлардан бирида бир воқеани гувоҳи бўлдик.

Кичик аммамизни уч ўғли ва бир қизлари бўлиб, уларни ҳаммасини уйлантириб, қизларини узатган оила анча тўқ бўлиб камчиликлари йўқ эди. Катта ўғил Маҳамаджон, кейингиси Алижон, кичик ўғли Суннатилла эдилар. Маҳамаджон ака Руҳиниса деган қизга уйланган бўлиб, Руҳиниса ҳамма келинларга ўrnak бўладиган ўта ақлли, чиройли, сабрли бўлиб, ҳамма қариндошларга ўrnak бўлиб улар ҳам шу келиндан ўrnak олишарди. Уйга жуда кўп меҳмонлар, қариндош-уруглар доимо шу ҳовлида бўлишарди. Руҳиниса ҳеч чарчашини билмас, бир кунда бир неча маротаба овқат тайёрлаб, ҳаммани дуссини олар, турмуш ўртоги Маҳамаджон ака ҳам жуда меҳрли, ақлли бўлиб, аёлларини жуда ҳурматлар эдилар. Ўртанча ўғил Алижон бола-чақалари кўпайиб, алоҳида жой олиб чиқиб кетдилар. Кичик ўғил ҳам болалари кўпайиб алоҳида жой олиб кетишиди, аммо катта ўғиллари фарзандлик бўлмадилар. Фарзанд бўлмаганлиги сабабли, Маҳамаджон ака укалариникига бориб, болаларини эркалааб, уларга қўлдан келганича ёрдам, яхшиликлар қиласа эди.

Лекин тез орада оталари, кейинчалик оналари вафот этишди.

Энди уйда эр-хотиндан бошқа киши йўқ. Руҳиниса келинойининг акаларида 6 та, укаларида 8 та, сингилларида 4 та фарзанд бор бўлиб, Маҳамаджон аканинг укаларида 8 та иккинчисида 4 та, сингилларида 3 та фарзанд бор. Маҳамаджон ака энди уйга қайттанларида озгина ичиб, хафа ҳолда келадилар, лекин аёллари яхши чеҳра билан кутиб олар, ҳеч нарса бўлмагандай сабрли аёл эдилар. Энди аста-секин Маҳамаджон ака озгина эмас, яхшигина ичиб келиб, уйда тўпалон қиласа, келинойига озор бера бошладилар. Бу иш кескин тус олиб оғирлашиб, қўйди-чиқдига олиб келди, лекин ҳар қанча тўпалон бўлмасин тогалар бу ишга йўл қўймас, «бизнинг қариндош-уругларимизда бундай бўлмаган, ҳеч ким бизни авлодларимиздан норози бўлмаган» дейишарди.

Нима қилиш керак, энди бу масалани ҳал қилиш қариндош уруглар, айниқса Маҳамаджон аканинг тогалари, Руҳиниса келинойининг акалари бош қотиришар эдилар.

Хонадоңда Маҳамаджон ака ичмаган куни можаро бўлмасди, улар бир-бирларини жуда севишар, ҳурмат қилишарди. Рўзгорда ҳеч қандай камчилик йўқ, аёлда ҳеч қандай камчилик йўқ.

Баҳор кунлари эди, ҳамма ёқ ям-яшил, гуллар очилган, дараҳтлар гуллаган, ҳаммани кўнглига табиат манзараси уғр uriб туради.

Шундай кунларнинг бирида кўп ўйлаб, нима қилсан экан деб, Маҳамаджон маҳаллада ҳаммага ўрнак бўладиган, қариндош уругларга маслаҳат бериб турадиган тогалариникига борадилар.

«Тога-тогажон, уйдаги ҳамма воқеаларни биласиз, ёшимизга ёш қўшилиб бормоқда, анчадан бери фарзанд кутиб яшадик, лекин нима қилийлик, фарзандимиз бўлмади. Ўйда иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ, жим-житлик. Энди нима қилишим керак тога?»

Узоқ вақт ўртага сукунат тушди ва кўп ўйлаб дедилар.

«Жиян ҳамма гапларинг тўгри, энди менга вақт бер, мен ўйлаб кўрай, айrim маслаҳат берадиганлар билан гаплашай, жиян».

Ана шундай фикр билан Руҳиниса келинойини акалари билан учрашиб ўзаро бир фикрга келадилар.

Баҳор кунларининг бирида отам раҳматлик мени олиб, аммангларникига ўтиб келамиз дедилар. Маҳамаджон aka ишдан қайтмаган экан, бироз ўтирдик. Келинойи ош дамлаётган эканлар. Маҳамаджон aka ҳам ишдан келдилар ва хурсандчилик билан овқатландик. Мен бօғга чиқиб кетдим, бօғда бир неча қўй, сигир, отлар боқишар эдилар, бунга жуда ишқивоз эдилар.

Отамлар узоқ, нималарнидир гаплашишди. Чиройли гаплар бўлган бўлса керак, шовқин-сурон бўлмади.

Отамлар мени чақириб, кетдик ўглим дедилар ва уйга келгунларича нимагадир ўз-ўзларига пицирлаб, гаплашиб келётган пайтларида «буғун ишимиз пишмади, кўнглимдагини айта олмадим. Келгуси учрашувда албатта айтаман», деганлари эсимда. Яна бир неча кун ичида Алижон укалариникига бориб, акалари уйдаги воқеаларни тушунтириб, «сен укасан, жигарсан, мен акаларим билан келишиб бир қарорга келдик. Агар сен йўқ демасанг сен кичик қизингни акангга берсанг. Уйда келинойинг болангни жуда яхши тарбиялади. Бу уйга ҳам келиб туради. Ҳар ҳолда жигарчилик, оиласиқ бузилиб кетмасин, дейман» дейди. «Тогажон, мен сизни сўзингизни икки қила олмайман, лекин бу қандай бўлар экан. Келинингиз рози бўлармикан». «Қўявер, жиян, сен рози бўлсанг бўлди, келин билан ўзимиз гаплашамиз». Шу зайдада келинни чақиришиб, аканинг уйида бўлган воқеаларни тушунтиришди ва ҳар хил бўладиган воқеаларни айтишиб, охири кўндиришди. Бу масалани ҳозирча эр-хотиндан бошқа ҳеч ким билмаслитини айтишди. Чунки ҳали иккинчи томон билан ҳал қилинадиган масала бор эди.

Отам раҳматлик хурсанд бўлиб уйга қайтдилар ва энди келин томонни акаси ишни удасидан чиқса, ишимиз ёмон бўлмайди,

оила сақланиб қолади дедилар. Орадан икки-уч кун ўтгач, отамлар келинойимни акасини уйга чақыртириб келишни менга айтдилар. Мен дарров бориб отамлар чақыртирганларини уларга айтдим, тез боришларини тушунтирудим. Ҳозироқ бораман ўғлим, дедилар. Бироз вақт ўтгач, севимли, суюкли келинойимнинг акалари бизникига келдилар. Сұхбат узоқ давом этди. Билишимизча укаларининг ўғлини олиб бериш масаласини ҳал қылган эканлар. Қилинган ишлар буйича ҳаммалиги хурсанд бўлишди. Энди бу масалани келинга, Маҳамаджонга қандай қилиб етказиш керак, ким бунга журъат этади. Отамлар келинойимларнинг акаларига сиз акасиз, сиз ҳал қиласиз деса, у киши сиз тогасиз, эл-юрт ичидаги юрасиз, бу масалада ҳамма вақт сизга маслаҳатта келишади. Шунинг учун сиз ўзингиз ҳеч кимсиз бу масалани ҳал қиласиз, дедилар. Шу оила барбод бўлмаслиги учун бир қарорга келишиб, рози бўлишди ва бу масалани тезда ҳал қилиш учун эртасига ўқотамлар билан бирга мен аммамларни кига бордик. Отамлар Руҳиниса келинойи ва Маҳамаджон акага ука-синг'иллар, ота-оналар маҳалла, қариндош-уруглар ўртасида тутган мавқенини ҳеч қаҷон оиласидан ўртасида жанжал бўлмаганлиги ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишни тушунтириб, мақсадга ўтдилар:

«Келин, мана акангиз, укангиз, опангизда 4-8 тача фарзандлиги жиян сени укаларингда 4-8 тача фарзандлари бор. Синглингда 3-8 тача фарзанди бор. Сизларда фарзанд бўлмаслиги Аллоҳдан деб билингиз. Ҳар бирингиз бир-бирингизни хафа қилмасдан яшашингиз керак. Аллоҳни марҳамати кенгdir. Мен, келин, сизнинг акангиз билан бир неча маротаба учрашиб, бу масалани нима қилсан бўларкин деган ўй билан юрдик. Оила ахир камчилиги йўқ, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган оила бўлса, уни бузилиб кетмаслигини ҳисобга олиб, биз бир қарорга келдик. Келин сизни укангизни Хомиджон деган ўғлини, жиян, сени Алижон укангни Гулнора деган қизини сизларга олиб берадиган бўлдик. Шу икки фарзандни вояга етказиб, шу уйни чирогини йқиб турса деган мақсадда улар билан ҳам келишдик. Улар ҳам жигарчилик рози бўлишди. Жиян!»

— Тора қандай бўлар экан? — Яхши бўлади. Худо хоҳласа буларни тарбиялайсизлар. Келажақда маҳалла аҳлига, қариндош-уругларга ўзларингизга ҳам яхши бўлади. Опамларни, поччамларни руҳлари шод бўлади деб ўйлайман.

2-3 кун орасида ҳовлида катта йигин бўлди. Гулнора билан Хомиджонни олиб келишди. Бу болалар ҳам, ҳамма болалар ҳам бу

уйга тез-тез келиб туришар, меҳрли, оқибатли доимо яхши чөхра билан кутиб олинадиган хонадон эди. Энди Гулнорахон, Ҳомиджон отангиз — Маҳамаджон, онангиз — Руҳинисалардир. Ана шундан бошлаб оила мустаҳкамланиб, фарзандлар улғая бошлашди.

Гулнорахон бичиш-тикиш мутахассиси, Ҳомиджон эса автомашиналарни тузатиш бўйича мутахссис бўлишди.

Гулнорахонни 19 ёшида яхши бир оиласга турмушга узатиши. Ҳомиджон 1-2 йил ишлагандан сўнг уни ҳам уйлантириши ва тез орада бир неча набираларни бувиси-бобоси бўлдилар, ҳамма хурсанд. Орада тогалар ҳам, келинойининг акалари ҳам оламдан ўтишиди.

4-5 йил бурун Маҳамаджон ака, кейин Руҳинисалар ҳам вафот этишиди. Хонадон гавжумлиги, отани чирогини ёқиб, ҳалқни дуосини олиб келаётган Ҳомиджон ҳам набирали бўлди, синглиси Гулнора ҳам набирали бўлиб, хонадондаги илгариги урф-одатлар давом этмоқда.

Мен 50-60 йиллардаги бўлган воқеани изоҳлаб бердим, ўша даврдаги ака-укаларнинг бир-бирига меҳрибонлигини, меҳр-муруватлигини улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни, ҳурматни, бир-бирига, катталар гапига қулоқ солиши, алоҳида ўрин тутади. Ҳамжиҳатлик меҳр-оқибатли оила тарқаб кетмаслигига олиб келади. Шундай меҳрли, муруватли кишилар фарзанди бўлганим учун мен ҳам ака-укалар, сингиллар, қариндош-уруглар орасида шу фикрларни олдинга суриб, ҳаммасини бир-бирига меҳрли бўлишлари, ўзларининг фарзандлари орасида ўрнак бўлиб, отоналаримизнинг меҳр-муруватли ишларини давом эттиришларини орзу қиласман.

«МЕН НЕГА СИГАРЕТА ЧЕКМАДИМ!»

«Бахт мисоли капалак, унинг
ортидан қувласанг, сендан
узоқлашади, агар ишингни
қиласверсанг ўзи келиб
елкангга қўнар».

Мен 2004 йилни Президентимиз раҳбари томонидан «Меҳрмурувват йили» муносабати билан яхши фазилатли, меҳрли инсон ҳақида ёзмоқдаман.

Меҳр-оқибат, инсоф, маҳалладаги болаларга етти қўшини отаона, ёшлар тарбиясига бефарқ қарамаслик тушунчалари авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган, лекин кейинги пайтларда инсонлардаги бу фазилатлар негадир камайиб бормоқда.

— Мана мустақилликка эришганимизга кўп йиллар бўлмаган бўлса-да, аста-секин кексаларимиз орасида ёшларга бераётган ўғитлари натижасида яхшилик қилиш, меҳрибонлик, отоналаримизга ҳурмат, ўтган тарихий шахсларни эслаш, ёдгорликларни ўрганиш, тиклаш каби фазилатлар кун сайин сингиб бормоқда.

Мен 1948-1950 йилларда бўлиб ўтган бир воқеа ҳақида, бу воқеа орқали бир неча оиласларни тарбияси тўгриланганлиги, оиласларни ҳаётга тўғри қарashi, Ватаним деб, элим деб меҳнат қилаётган, катта-кичикни ҳурматини ўрнига қўядиган фарзандларни, набираларни Ватанимизга, халқимизга керакли қилиб тўғри тарбиялаётганлар ҳақида сухбатламишомақчиман.

Ҳа, ўша йиллари биз бола эдик, қилаётган ишларимизнинг охири нима билан тугаши ҳаёлимизга келмас эди.

Мен, амакимнинг ўғли Абдуллажон билан ҳар куни эрталаб нонуштадан кейин Самарқанд Дарбоза кўчасида жойлашган чуқур-кўприк жари жуда чиройли манзарага эга бўлган, ҳар хил дараҳтлар билан ўралган, яна алоҳида чанқоқ босди булоқлари кўп бўлган жарда икки дўст сигир боқар эдик.

Жар ёқасида бир киши аранг сигадиган тор йўл бўлиб, бу йўл одамлар юришлари орқали тикланган эди. Шу йўлча Самарқанд — Дарбозагача бўлган ўнлаб кўчаларда яшовчи аҳолини йўлини яқинлаштирап эди. Шу кўчалардан бирида Ҳалил ота оёқлари чўлоқланиб, ҳасса таяниб юардилар. Бу ота иккинчи жаҳон уруши даврида урушнинг бошидан охиригача қатнашиб, кўп орден,

медалларга эга бўлган, охирида касал бўлиб қайтган, ақлли, фарзандларга бефарқ қарамайдиган, катта-кичиларни ҳурматга сазовор бўлган меҳри дарё инсон эдилар.

Ота-боболаримиз бизларни тарбиялашда олий ҳимматли, меҳрмуруватли, адолатли, ёлғон гапирмаслик, уларга кўмаклашиш катталарни гапига гап қайтармаслик, меҳнатга ёндошиш ҳалол ва ростгўй бўлиш, қуни-қўшнилар билан яхши муомила қилиш, дўстни тушуниш каби хислатларни доимо ўқтириб келишган.

Ҳа, ўша йиллари биз бола эдик, унча-бунча гапларни тушуниб етмасдик.

Ёз кунлари, кун иссиқ, дараҳтлар кўм-кўк майсаларда ўтириб дам олиш мароқли, булоқлардан оқиб чиқаётган сувларни ичиш, анҳор сувида чўмилиш қандай маза, жарларни шуниси яхши-да!

Абдуллажон билан — у мендан 2 ёш кичик, — сигир боқаётгандага менга бир фикр келди, Абдулла ҳам қарши бўлмади.

Мен ундан катта бўлганим учун ҳар бир ишга мен уни бошлар здим. Ердаги қуруқ ҳар хил баргларни, қогоз ва чўпларни йигиштириб, аввал гулхан ёқдик, кейин баргларни йигиб, папироста ўхшатиб, газета қолдиқларига ўрадик ва уни чека бошладик. Биринчи маротаба бўлганилиги учун бўлса керак, тутун ички органларга кириб, биз бетўхтов йўталадик, кўзларимиздан ёш оқа бошлади.

Бу воқеани узоқдан кузатиб турган Ҳалил ота, ўша куни кечқурун эринмасдан Абдуллажонни уйига келиб, амакимларга воқеани тушунтирадилар.

— Аҳмаджон ака! Узингиз маҳалламизга узоқ йиллардан бери раислик қиласиз, ҳаммани ҳожатини чиқарадиган ажойиб меҳри дарё инсонсиз. Сизнинг ўғлингиз, укангизни ўғли билан биргаликда жарда сигир боқиши билан биргаликда, бўш вақтларида ҳар хил қуруқ, ифлос баргларни йигиштириб, сигарета ясад чекишишмоқда. Мен буни ўз кўзим билан кўрдим, буни олдини олиш керак. Фарзандларингиз ёмон болалар эмас-ку. Биз буни кейинчалик эшитдик, тушундик.

Бу воқеанинг эртаси куни кечқурун, мен бир неча тенгкур болалар билан футбол ўйнаётган здим, узоқдан амаким келаётгандарини пайқамадик, улар тўғри бизларни оддимизга келиб, саломлашиб бўлгандан сўнг, «Ўғлим Абулаҳад, тезда уйга бориб келар экансан, опоқингни сенда зарур ишлари бор экан», бориб кел» дедилар-да, амаким бизни ҳовлига кириб кетдилар. Амакимизни гапини икки қилиб бўлмасди. Улар жуда меҳрибон ширин сўзли бўлгандарни учун амҳалла болалари уларни айттанларини қилишар эди.

Мен югуриб уйга кириб бордим. Не күэ билан күрайки, Абдуллажонни құл-оғөләлари болғанған, опоқим раҳматли құлларида арқонни тайёрлаб, мени кутаётган эканлар.

Кирдим-у құрқұв фарәд билан бақириб юбордим ва орқамга қараб югуриб кетдім. Опоқимлар ҳам ялангоශқ тезлик билан мени қувиб кетдилар. 300-400 метргача қувиб бориб етолмадилар. Ана шу воқеа сабабли биз умуман сигарета чекмәдик. Раҳмат дейман, шундай одамларга

Натижада әртаси кундан бошлаб Абдуллажон жарнинг бошқа жойида сигир боқса, мен эса бошқа жойида сигир боқиб, бир-биirimиздан ажралиб юрадиган бұлдик.

Абдуллажон мактабни олтин медалига тугатиб, үқишиңи давом эттириб, 26 ёшида номзодлик даражасыга етди, 33 ёшида эса фан доктори профессори бўлиб, фарзаңдарни замон талабига мос қилиб тарбиялаб борди. Мен эса бошқа касб, ёшларга таълим-тарбия бериш билан шуғулландим.

Биз икки дўст ёшлиқда, ўша вақтда қилинган хатоимиз учун жазоландик. Ҳеч қаочон бу такрорламасликка сўз бердик. Абдулла ва мен, бизнинг фарзаңдаримиз шу кунгача чекишмади. Абдулла 2 ўтил ва бир қизли бўлиб, уларни илм соҳасида олимлик даражасигача олиб борди.

Мен ҳам икки қиз, бир ўғилни тарбиялаб, фарзаңдарим ҳаммаси олтин медалга битказиб, олий ўқув юртларини тугатиб, ўғлам олимлик Техника фанлари номзоди бўлди. Улар халқимиз учун астойдил хизмат қилишпти.

Фарзаңдаримизга ота-она ҳурматини эъзозлаш, қариндош-уругларга меҳрибонлик қилиш, оқ кўнгилли бўлиш, қўлидан келганча яхшилик қилиш, фазилатларини ўргатдик.

Абдуллажон Кимё соҳаси бўйича институт проректори вазифасигача бўлган босқичларни бажариб келди. Ҳозир ҳам юртимиз ёшларига чарчаш нималигини билмай, билим бераётган егук олимларимиздан биридир.

Мен эса муаллимликдан илмий бўлим мудири, мактаб раҳбаридан то Тошкент шаҳар халқ таълими Бош Башқармаси мудири мусовинигача ишлаб келдим ва ҳозир ҳам мактабда ёшларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланаман.

Абдуллажон оиласлари бизнинг оиласлариз қандайдир йигинларда булғанимизда, ўша воқеани эслаб, Ҳалил отани бизлар учун қилган яхшиликларини, мурувватларини, инсоний фазилатларини эсдан чиқармаймиз, (уларнинг рухлари доим шод бўлсин).

Ха, биз бола эдик, ўша даврларда ҳам одамлар меҳр-шавқатли, оқибатли бўлганликлари, маҳаллада яшайдиган болаларга бефарқ қарамасликлари натижаси шу бўлса керак деб эслаймиз. Шунинг учун ҳозирги кунда фарзандларимизни қилаёттган ишларини, юриш туриши, кимлар билан дарс тайёрлаётгандарини, нималар билан ўйнаётгандарини, кеч қолмаётгандарини, яъни ҳар бир қадамини кузатиб бориш ва ўз вақтида олдини олиш келгуси ҳаёт учун йўлланмадир.

«Меҳр-мурувват йили»да ва доимо ҳаммамиз меҳрли, оқибатли, ширин сўзли, ёшларимизга келгуси ҳаёт учун тўғри йўл кўрсатайлик.

Ота-оналар меҳри ҳамма вақт фарзандларга юқори бўлган эъзозланганилиги сизларга эслатиб ўтмоқчиман холос. Бу меҳрни ҳеч нарсага алмашиб бўлмайдиган, бу меҳрни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган меҳрdir.

«ТЎҚЛИКДАН ЧИҚАР ШЎХЛИК» (Бола азиз, одоби ундан азиз)

Қатнашадилар: Ўқитувчи, ота-она, Азиз, қўшни бола.

Ўқитувчи ўзи раҳбарлик қилаёттган синфдаги ҳар бир ўқувчини феъл-атворини билиб, ҳаёл суриб, ўзига-ӯзи гапиради.

Ўқитувчи: Нима қиссан экан, синф болалари ичida айрим ўзгариш бўлаётганилигини, Азиз жуда ўзгариб кетаяпти, мактабга келгиси келмаяпти, ота-онани эса хабар олиш, ота-оналар мажлисида на отаси, на онаси келмайди, бир неча маротаба ўқувчилар орқали чақиритирдик, лекин барибир фойдаси бўлмади. Яхшиси ўзим уйларига борганим маъқулмикан? Ҳа айтгандек, ўтган куни Азиз мактабга Жигули машинасини ҳайдаб келиб кўз-кўз қилиб, дарс вақтида қизларни машинада айлантириб келишини айтди. Биз ўқитувчilar мактаб раҳбари билан насиҳат қидик, у бўлса нима «машина ҳайдаш мумкин эмасми? Сизларга нима?» деб чиқиб кетди. Ҳа, мактаб раҳбари Азизни отасини таклиф қилишимни айтган эдилар. Яхшиси ўзим уйларига бориб гаплашиб келганим маъқулдир, дедимда, дарсдан кейин Азизларни уйларига йўл олдимда ва эшикни тақииллатдим.

Ўқитувчи: Ассалому алайкум!

Ота: Ваалайкум ассалом, келинг, келинг.

Она: Вой, келинг, айланай кира қолинг, яхши юрибсизми?
Тинчликми ўзи? Қайси шамол учирди сизни?

Үқитувчи: Мен ўглингиз Азизжонни синф раҳбари бўламан,
мен ўглингиз тарбияси билан ҳаммамиз биргалиқда шуғуллансанак
яхши бўларди деган ўй билан келувдим.

Ота: Вой, ўглимнинг тарбиясига нима қилибди? Ёмонлик
қилдими?

Үқитувчи: Ўглингиз охирги пайтларда дарсга кам қатнайдиган,
дарс тайёрламайдиган, баҳолари эса пасайиб кетаяпти. Булар ҳам
етмагандек ўтган куни ўглингиз, мактабга «Жигули» машинасини
ҳайдаб келиб, ҳамма болаларни дарсга кечикиб келишларига сабабчи
бўлди. Биз унга дарс пайтида, машина ҳайдаб юриш мумкин
эмаслигини уқтирган эдик, у бўлса эшикни қаттиқ ёлиб чиқиб кетди.

Ота: Вой, Азизчик тўгри қилибди. Нима, сизларни
лекцияяларингизни эшлиши керакмиди? Машина ҳайдаш айбми?
Нима қилибди, дадаси олиб бергандан кейин ҳайдайди. Азиз ўзи
сал эркатойроқ бўлиб ўсади, сабаби битта ўғил, онаси билан
опаларидан ҳайиқмайди, уларни унчалик менсимайди, лекин мендан
бироз ҳайиқади.

Үқитувчи: Менимча Азизжонга машина ҳайдашга ҳали эрта,
мактабни бу йил ўқиб, шаҳодатномасини олгандан сўнг шофёрлик
курсига ўқишига кириб сўнг ҳайдаса ҳам бўлаверади.

Ота: Қизиқсизда опаси, ҳозир ҳайдади нима, кейин ҳайдади
нима? Мен ҳам Азиздек вақтимда машина ҳайдаб юрганман, ҳеч
нарса бўлмади-ку ахир.

Үқитувчи: Ҳўп майли, энди мен кетай, айтгандек Азизжонга
илоҳим ҳеч нарса бўлмасин, лекин унинг тарбиясига жиддийроқ
эътибор берсак келгуси ҳаёти яхшироқ бўларди.

Ҳа бола тарбиясига жиддийроқ қараш керак эди. Аммо
Азизжонни ота-онаси унинг тарбиясига эътиборсизлик қилишди.
Сал ўтмай Азизжон маҳалладоши Акбар аканинг ўтини қаттиқ
калтаклади. Энди эса маҳалладагилар (Акбар акани ўгини)
Азизжонни отаси Толибжон акани ва унинг ўғли Азизжонни олиб,
маҳалла суди ўтказиб, Толибжон акани ишхонасига ўғлига яхши
тарбия бера олмаганлиги ҳақида маълумот юборишиди. Бу ишлар
Толибжон акага ҳам, унинг ўғлига ҳам заррача таъсир кўрсатмади.
Орадан кўп ўтмай, мудҳиш воқеа содир бўлди.

Қўшни бола: Толиб амаки, ҳой Толиб амаки!

Ота: Ҳа, нима дейсан ўглим?

Қўшни бола: Ўглингиз, ўглингиз машина ҳайдаб беш яшар
қизни босиб олибди.

Она: Вой ўлмасам энди нима қиласыз? Вой дод, вой дод, нима бұлади энди, отаси?

Ота: Үқитувчисини гапига, маҳалла ақлини гапига қулоқ солмадик, битта үғил деб күнглиға келганини қылса, қайтармадик, ҳаммасига үзимизни лоқайдылгымиз сабаб, содир бұлды, ҳа онаси лоқайдылгымиз сабабли. Энди нима қиласан, кимнинг эшигига бориб ёлвараман, эшиттанлар нима дейди ахир? Мен үзимдаги ёшлик давримда қылган, билган хатоларимни фарзандымда тақрорланишини, ҳаётда авлоддан-авлодга ўтиб келаёттан, «қайтар дунё», сен нима қылсанг, фарзандинг ҳам шуни қиласы, мақолларнинг ҳақдигини айтисың үтмоқчымыз, холос!

АЕЛИНГНИ АСРАГИН ЭЛИМ

*Дунёда шундай бир зот борки, биз ундан умрбод
қарздормиз.
Бу зот онадир.*

Оналар ўз фарзандларини камоли инсон бўлиши учун жуда мешақатли ва серқирра тарбия жараёнини бошдан кечирадилар. Ҳатто ҳеч қачон қўшиқ куйламаган оналар ҳам ўз боласига муҳаббатини куйлаб айтадилар.

Азиз қизлар, ҳамиша онажонингиз, бувижонингиз айтган аллаларни эсланг ва қадрланг, чунки улар куйлаган аллалар заминида бутун олам оналарининг меҳр-муҳаббати куйланади. Бизгача етиб келган аллалар садоси оҳанги ҳеч қачон сўнмасин.

— Ўтмишни ўрганиб келажакка умид билан қараб яшаймиз.

Бугунги кунда мустақил давлатимиз ҳам ҳар қанча қийин даврни ўз бошидан кечираётган бўлса ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилишни энг муҳим вазифа деб билади.

Бу бежиз эмас, давлатимизнинг порлоқ келажаги бугунги гўдакларнинг баркамол ўсишига боқлиқдир.

Онажон, номинг дилимда жисм аро танҳо ўша

Шавкатинг битмас хазина, менга минг тилло ўша

Ҳар нафас меҳринг булоги томса, бир дунё ўша

Кўз очиб кўрдим юзингни, менга бир дунё ўша

Онажон, каъбам ўзинг, сенсиз жаҳонни на қиласы

Танда меҳринг ёнмаса, беҳуда жонни на қиласы.

Болаларимиз на халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари

асосида ҳалол меңнат ўз тупрогига муҳаббат кўзи билан қарашда катталарга ҳурмат-иззат, инсонийлик, диёнатли қилиб тарбиялашда муносиб усуллардан фойдаланиша қаратишимиш керак.

Ҳозир биз сизлар билан биргаликда ўқувчиларимиз иштирокида «Бола азиз, одоби ундан азиз» деган ҳалқимизнинг ибратли сўзларига асосан кичик кўриниш намойиш қиласиз.

Ўқувчилар иштирокида икки хил оилани кўрсатувчи кичик саҳналаштирилган кўринишни кўрамиз.

Хона тасвири: Стол, стул. Стол устида магнитафон, хона тартибсиз. Хонада қиз бола пардоз-андоз қилиб ўтиради.

— Болажоним, азиз қизим, яхши ўқиб келдингми?

— Салом мамуля.

— Ҳа, энди ўқиб келдим-де, мактабиям ордона қолсин. Ҳеч нарса қилмасам ҳам, «оинингни чақир, отангни чақир», деб бошимни оғритади, кетвордим. Борармишсиз...

— Эй, шу ўқитувчилар ҳам, ўзи ишлашни билмайди, ахир мактабда ишлагандан кейин тарбиялайвермайдими. Ўзлари ишлашни билмайдилар, дангасалар!

— Мамуличка, ҳаммаси вечно ақл ўргатгани, ўрганган. У мумкин эмас, бу мумкин эмас. Чет эл фильмларини кўришмайдида, ҳеч ким модани билишмайди. Чет эл ўқувчилари мактабга хоҳлаган кийимларини кийиб борадилар.

— Видиоларни қаранг, у ерда болалар мазза қилиб яшайдилар.

Бизларнинг ўқитувчилар эса тирногингни ўстирма, кўзингни бўяма дегани деган.

— Қизим, мактабингни, дарсингни қўя тур, ўқиб шаҳар олиб берармидинг, олдин мана бу нарсаларни Холисхон опангга олиб бориб бер. У пул беради. Кейин ўзингга комерческий магазиндан ёқтирган кофтани олиб бераман. Ўқитувчиларинг бўлса, куйиб кетади. Ҳўпми, болажон, турақол.

— Мамуличка, один «сникерс»га пул чўзинг, кейин бераман.

— Вой, порасиз эrimайдиган қизгинам, олақол биттамас, иккитасига пул бераман. (Она қизига пул беради ва иккаласи чиқиб кетади.)

Иккинчи кўриниш.

Хона тасвири: Стол, стул. Хона тартибли, ўқувчи қиз дарс тайёрлаб ўтирибди.

Хонага она чарчаб кириб келади.

— Ассалому алайкум, Ойижон! Вой совуқда қийналмай, чарчамай келдингизми?

- Ҳозир чой тайёрлайман.
- Ваалейкум ассалом. Болам қўй, овора бўлма. Ҳозир ўзим қиласман. Дарсингни қиласвер, фикрингни бўлма.
- Ойижон дарсимни тутатиб бўлдим. Ҳозир чой қайнасин. Яқинда қўйган эдим.
- Мактабинг, ўқишиларинг яхшими? Ўқитувчинг яхши юрибдими?
- Ойижон, яхши, шу фақат одам асабийлашиб кетади-да. Бугун Дурдона ўқитувчимизга ҳар хил гапларни гапирди. Ўқитувчимиз жуда ҳам хафа бўлдилар. Менинча, мактабда ўқигиси келган ўқувчилар кесада, ўқигиси келмаган ўқувчилар деб, яхши ўқийдиганларнинг ҳам билими пасайиб кегади.
- Энди, болам, ҳар бир одамга Худо инсоф берсин. Ахир, Дурдонанинг ойиси феъли маълум. Мактабга борсалар ҳаммага дўқ уриб келадилар. Шунинг учун бола уйида курганини қиласди. ўқитувчиларга ҳам қийин. Баъзи ота-оналар нуқул мактабга айб қўядилар. Ахир, бир ўқитувчининг ўзи қаерга чопсин, уларга қийин.
- Ойижон, юрақолинг чой қайнади. Чойдан кейин тикувчилик тўгарагига бориб келаман, яқинда Сизга чиройли кўйлаклар тикиб бераман.

Иккаласи чиқиб кетдилар.

Ўқитувчи: Мана кўрлингизми, азизлар ҳалқимизнинг бу борада айтиб ўтган ҳикматлари анчагина. Ахир, ҳар бир ҳикматга қисман бўлса ҳам риоя қилинса, албатта, болаларимиз тарбиясида анча узгаришлар бўлади.

1-фикр:

Ривоят қилишларича она якка фарсанди билан кун кечиаркан. Ёшлигида ўғли кўчадан тухум кўтариб келади. Онаси уни суриштирамай, хурсанд бўлиб кетибди. Кейин бу бола товуқ олиб келади. Шу йусинда ўғриликка ўрганади. Онаси эса фарсандининг шу йўлдан кетишига йўл очиб беради, уни қайтармайди. Ўғриликка ўрганган ўғил бир куни подшоҳ саройига ўғриликка тушади. Уни сезиб туғиб олишади. Подшоҳ уни осиб ўддиришга буюради. Дор остида ундан сўнгги тилагини тилашни буюрадилар. Ўғил онасини олиб келишларини сўрайди. Онасини олиб келишади. Ўғил онаси билан хайрлашиб, тилингизни чиқаринг деб, онасининг тилини тишлаб олади. Подшоҳ ҳайрон бўлиб, ўғридан нега ундан қилдинг деб сўрайди. Шунда ўғри, ёшлигимда биринчи маротаба ўғрилик қилганимда онам мени бу йўлдан қайтаргани йўқ, деб жавоб берди. Онам мени бу йўлдан қайтарганда, мен ҳозирги дор остида турмаган бўлардим.

2-фикр:

Фарзандларимиз одобли бўлишса, ҳар ерда улар ота-онага раҳмат эшилтиради. Биз фарзандларимизга кўпроқ вақт ажратиб, улар билан ҳам мавзуда сухбатлашиб, уни тушунтиришга ҳаракат қилишимиз керак. Биз кўрган саҳнада она қизини нарса олиб сотишга ўргатаяпти, ҳозирги қийинчилик даврида улар фақат ўз фойдаларини ўйлашияпти. Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнаб, ҳамма нарсалар кўпайиб кетганда улар нима қиласидар. Бу ҳунар ўткинчиидир. Она ёшлигига олган билим, тошга ўйилган ҳарф билан баравар эканлигин фарзандига тушунтирса яхши бўлар эди.

Ўғил-қиз яхши бўлса,
Ота-она хурсанд.
Ўғил-қиз доно бўлса,
Элу-юрг хурсанд

Эрка ўғил ёвга ярамас,
Эрка қиз ишга.

Яхши бола ном келтиради,
Ёмон бола гам келтиради.

КЎНГИЛ НИМАЛАР ИСТАМАЙДИ

*Ота-онанинг муқаддас бурчи
фақат фарзандни дунёга келтирилгани
билин эмас, балки яхши тарбияланганлиги
билин белгиланади.*

Қатнашадилар:

*Гулнора — 9 синф.
Онаси — Тижоратчи.
Үқитувчи — Синф раҳбари*

— Ҳар бир мактабнинг 9-синфида ўқиётган синфдоши, ҳар бирининг ҳулқ авторини, ўқишини, кийинишини, синфдош дўстлари орасида бир-бирлари билан ҳар қандай муомалада бўлишларини ҳал қилиш, кузатиш дараражасига кириб келаётган ёшлардир. Мана,

шу даврдаги берилаётган тұғри тарбия, келгуси ҳаётини ҳал қыладиган асосий манбадир.

Гулнора: Ойижон, ойижон синфимизда бирга ўқийдиган Дилянинг папаси чет элдан чиройли плаш олиб келибди, бирам чиройли экан. Менга ҳам үшанақасидан тезда олиб берасиз!

Она: Вой, қызим плашни яқындагина охирги модасидан олиб берган әдим-ку.

Гулнора: Йүқ, йүқ ойи үша чет эл плашини олиб бермасанғыз бўлмайди, бўлмаса мактабингизга бормайман, ўқимайман ҳам.

Она: Вой асалимей, ширинимей, ҳали замон отанг келса айтамиз олиб беради.

(Шу пайт эшик тақиллаб қолади.)

Гулнора, Ойи ўзиз очинг эшикни!

Она: Тур сен очақол қызим:

Гулнора: Эй очмийман, дедимку очмиман, кимлигини кўришни ҳам истамайман. Шундан сўнг она эшикни очади.

Она: Вой кимсиз? Нимага келдиз?

Ўқитувчи: Ассалому алайкум, мен қизингизни синф раҳбари, ўқитувчисиман.

Она: Вой, яхши юрибсизми? Соглиқларингиз яхшими? Киринг айланай кира қолинг.

Ўқитувчи: Опажон яхшимисиз? Мана ўқишни иккинчи чораги ҳам тугади. Аммо бирон марта мактабга келиб қизингизни ўқишлари ҳақида сўрамадингиз, қизиқмадингиз ҳам, ота-оналар мажлисига келмадингиз.

Она: Вақтим йўқ, айланай, ишларим бошимдан ошиб ётибди.

Мактаб ўқиш бўлса қочиб кетмайди-ку. Нима мени Гуличкам ёмон қизми? Ўқимайдими?

Ўқитувчи: Йўқ ёмон демоқчи эмасман, лекин охирги вақтларда унинг дарсларга қизиқиши анча сусайған, у фақат кийинишга эътибор берадиган, сабабсиз дарс қолдирадиган, синфдошларини менсимайдиган бўлиб қолди. Шу маънода сиз билан ўзимни дўстона маслаҳатларимни ўртоқлашмоқчи әдим.

Она: Мен эса сизни маслаҳатларингизга муҳтож эмасман.

Ўқитувчи: Ахир, Гулноранинг келажаги учун биз ҳам жавобгармиз-ку, ҳаётда бирор хатога йўл қўйса, кейин кеч бўлади.

Она: Мани қизим ҳаётда ҳеч ҳам янгишмайди, гапингизни ўйлаб гапиринг.

Ўқитувчи: Йўқ, сиз мени тўғри тушунмадингиз, тўғрироғи тушунишни ҳам истамадингиз, хоҳламадингиз.

Үқитувчи: Шуни айтишади-да, оиласа қыз бола таълимини онасидан олади деб. Ҳа иш давомида бундай қизларни ҳам оналарни ҳам күп күрганман. Кейин роса афсусланишади, лекин кеч булади.
(Үқитувчи, уйдан чиқиб кетади.)

Орадан йиллар үтди. Гулнора мактабни тутагиб, тарбияси бузилиб, ичадиган чекадиган одат чиқарди. Хуллас, тарбияси бузилган эди.

Она: Гулнора қизим қаёққа яна күчагами? Нима бор күчада?
Гулнора: Нима иишингиз бор мен билан?

Она: Уйларни йигиштирсанг, тозаласанг бўлмайдими, ахир.

Гулнора: Ўзиз тозаланг, ўзиз йигиштиринг, мени ўртоқларим кутиб қолиши, баљки бугун уйга келмасман ҳам.

Она: Вой отангга нима дейман, отангга!

Гулнора: Шунгаям жавоб беролмайсизми? Дугонасининг уйида уч-тўртта қизлар йигилишаркан, ўйин -кулги қилишаркан деб қўясиз.

Она: Қачонгача отангни алдайман. Доимо турли баҳоналар қиламан.

Гулнора: Мен тирик эканман алдай берасиз, сизни гапингизга кирадилар. Хўп, хайр, мен кетдим. Ҳа айтгандек папамга айтинг, папам билан келишиб олинг, вокресенъе куни уйни бўшатиб қўйинглар. Сабаби дўстларим билан ўтириш қилмоқчиман. Хўп хайр мен кетдим.

Она: Эй, Худо! Нималар бўляпти ўзи? Ҳаммасига ўзим айборман. Вақтида қизимни камчиликларини отасидан яширдим, айтганларини қилдим, кўнгли ҳушига келгандарини бажардим, ўқитувчиларини ўз вақтида берган маслаҳатларини назарга олмадим, мана натижаси нима билан тугади. Буларни ҳаммасига мен оналик кўнглини бўшлигим тарбияни нотўғри берилиши сабаб бўлди, болаларни ўз вақтида тергаш кўнгиллари нимани истаса шуни бажариши келгуси ҳаётга тўғри ёндошмаслик, енгил-елли қарашиб, мана шундай иллатларга олиб келди. Бу эса менинг айбимдир, лекин бу менинг айбим қизимни келгуси ҳаётга енгил қарашига олиб келади.

— Сиз азиз фарзандларимиз, ҳурматли ота-оналар сизлар мен қилган хатога йўл қўмайсизлар деган фикр билан ҳаётда бундай иллатларга йўл қўймасангиз фарзандларимиз ҳаёти яхши бўлади.

ОНА ҚАЛБИ

Бир улуг киши айтади: Энг яхши таъна шундай таънаки, зарар учун эмас, тарбия учун айтилган бўлади. Энг зарарли таъна шундай таънаки, у таълим учун эмас, мулзам қилиш учун бўлади.

1-кўриниш

Катнашадилар: Она, Ука, Ака, Илгор (Илюш)

Муаллиф номидан:

Сиз кичик бир лавҳа орқали ҳозирги кунларда мактаб, оила, маҳалла биргаликда «баъзибир оиласда ёшларимизни бузилишига сабаб нима? Болаларимизни хатосими ёки мактабникими?» — мана шулар ҳақида биз қуийдаги саҳна кўринишлари орқали, келажак авлодни тарбияланишига келажак авлод ёшлар қўлида эканлиги тушуниб етишларига озгина ҳисса қўшсак деган умиддамиз.

Онанинг кўзларида ёш қалқииди. Қалби алланарсаларни ўйлаб, изтироб чекади. Эндиғина !7 баҳорни кўрган, навқирон ўғли ҳаётда адашганлигидан оҳ чекади, кўзларида эса ёш.

ОНА: Эҳ болагинам, қаерларда юрибсан? Тирикмисан ишқилиб, эҳ нималар деяпман ўзи? Ёмон кунлардан худо ўзи асрасин сени Нодиргина болам, (шу хаёлга чўмган пайтда кичик ўғли кириб келади.)

Укаси: Ойижон яна, яна йиглайпсизми? Ҳар куни шу аҳвол. Дадамларни гапиртиргани қўймайсиз. Сизни акам ҳурмат қилмайди. Гапингизни назар писанд қилмайди. Гапирай десам менга, сен кичкина бўла туриб ақд ўргатма дейди. Унга ўша яқинда қамоқдан чиқкан дўсти ва тарбия кўрмаган дўстлари керак. Бунақада адойитамом бўласизку ойижон. Бир гап айттар эдимку айтишга тилим бормайди.

Она: Нима гап экан болам айт, айт илтимсо қиласман.

Укаси: Ўтган куним акам дўстлари билан биргаликда дўкондаги қоровул амакини қўрқитиб пул ва нарсалар олишган. Юзларига ниқоб тақиб олишгани учун қоровул амаки уларни таниёлмабди. Ҳозир акам ва дўстлари қидирувда ойижон ҳа, қидирувда.

Она: Вой шўрим, бир бало бўлган акангга, шу вақтгача келарди бўлмаса. Оддинроқ айтмайсанми шу гапни?

Укаси: Ана акам келдилар. Яна эркалатинг, яна багрингизга босинг

мәхрибон ўтгингизни.

(Укаси кириб кетади.)

Акаси: Салом мамашка, ўзимни мамашкагинам, танишинг бу менинг дүстүм Илюш.

Илюш: Привет кампир!

Она: Вой шўрим, ўглим нима ишлар қилиб қўйдинг, энди нима қиласми?

Илюш: Эй мамаш ғам еманг, дадам ҳамма ишни босди-босди қилиб юборадилар.

ОНА:

Вой болажонларимей, тинч юрсаларинг бўлмайдими? майли кинога борларинг, театрга борларинг, мен розиман аммо ўғрилик қилмаларинг, бироннинг меҳнати эвазига келтирилган даромад ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Даданг бу ишларингни билиб қолсалар сени сог қўймайдилар.

(Укаси кириб келади.)

Укаси: Ойи-ойи шу воқеаларни дадам билишлари шарт.

Акаси: Кичкина бўлиб менга ақл ўргатган тилингни сугуриб оламан, Акрамчик.

Укаси: Сугириб олсанг ол, лекин бу ёлғон гапирганинг учун ҳали жавоб берасан.

Акаси: Бор чиқ, чиқавер, ойи мен кетдим бошқа бу уйга қайтиб келмайман. Юр, Илюш дүстүм кетдик.

Она: Вой болам нималар бўляпти, ўзи, мени ташлаб кетма, кетма болам.

Орадан йиллар ўтди, у панжара ортида туриб ўз қилган хатоларини тушуниб етди, аммо гишт қолипдан кўчган эди.. тўттрироги кеч бўлган эди. Холидан ўша бетайин дўстлари эмас, укаси ва онаси хабар олгани келищи.

Она: Болагинам мана мен уканг билан сени кўргани ёнингта келдим.

Укаси: Ака, акажон!

Акаси: Ойижон! Мени кечиринг, мен сизларни, ўқитувчиларимни гапларига қулоқ солмай, сизларни юзларингизни ерга қаратдим, отажонимни маҳалла олдида обрўларига, оиласиз шаънига путур етказдим. Онажон, онажон мени кечиринг, кечиринг. Мен бу хатоларимни қамоқдан чиққач, астойдил меҳнат қилиш, ўқишга киришга ҳаракат қиласман.

Ҳозирги кунда ўшларимиз орасида ота-онасини, маҳалла аҳлини, мактаб педагогларини гапларига қулоқ солмай, ёмон ишни қилиб қўйгандан сўнг аттанг деб, ота-онасини ёмон отлиқقا чиқариб қўйган

Ёшларимиз кам бўлсада учраб туради, ота-она муқаддасдир буларни ранжитмаслик, доимо насиҳатларига қулоқ солмоқлик, қариндош-уруглар маҳалла аҳли-олдида юзларини ерга қаратмаслик, ҳар бир фарзанд учун шартдир.

Она қалби она меҳри шундай меҳрки уни ҳеч нарсага тенглашириб бўлмайди, она фарзандини қандай ҳолатда бўлмасин кечиради, чунки бу онадир, онадир.

«ИНСОН ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ»

Эзгулик бўлмаса, бўлмасди дунё,
Инсон изламасди яшашга маъно
Инсон тафаккури бўлмаса олий
Жаҳон бўлар эди гариб, бенаво.

Азиз дўстлар, бугунги кечамизда инсоний гўзаллик ҳақида гаплашамиз.

Гўзаллик бамисоли дарахт.

Япроги — ахлоқ, илдизи — ички дунё, меваси — яхши фазилат.

Одам боласи гўзаллик — табиат ато қилган ҳусн — жамолдан ташқари, яна энг яхши фазилатларни ўз ичига олган одамийликдан иборатдир. Мана шундай гўзаллик инсонга ҳусн беради. Одамийлик, меҳнатсеварлик, ахлоқ, маданийлик, ширин сўзлик каби хислатларга эга бўлган инсонгина гўзал бўла олади.

Кулар юзли, хушхулқли, хушмуомила одам андиша ва фаросат эгаси бўлади. шундай гўзал сифатларга эга бўлган, лекин ўқимаган одам ҳамсуҳбат бўлиши — ёмон хулқли, қўрс бир олим билан ҳамсуҳбат бўлишидан кўра яхшироқдир. Бир фозилдан: «Қайси фазилат энг яхши фазилат саналади?» — деб сўрадилар.

Фозил: «Кулар юзли, ширин сўзли, хушмуомилали бўлиш», — деб жаъоб берди.

Барча ишдан хулқли хуш яхши эрур,

Хулқи хуш одамни эл иззат қилур.

Одамнинг бошланиши саломдандир. Таниш ёки нотаниш икки киши бир-бирлари билан учрашиб қолсалар, салом бериб кўришишлари жуда лозимдир. Бир киши иккинчи кишига салом берса, дарров алик олиб, салом жавобини берсин.

«Ассалому алайкум» — арабча сўз бўлиб, «Сизга тинчлик бўлсин», демакдир. «Ваалайкумус-салом» эса «Сизга ҳам тинчлик бўлсин», демакдир.

Инсонни маънавий жиҳатдан гўзал қилаётган одамийлик ва меҳнатсевралик каби сифатлар орасида ахлоқ шарти мұхим ўрин тутади. Одам боласи билимли, тажрибаси, шижаоги, ташқи қиёфаси билан ҳавас уйготиши мумкин.

Одамзод ўз иситбосидан бошлаб ҳозирги кунгача бир ажойиб фазилатини ёргу юз билан сақлаб келади. Бу фазилат ота-она олдиғаги фарзандлик бурчининг ҳар вақт ҳамма ерда шараф билан бажарилишидир. Фарзанд катта ёки кичик ёшда бўлишидан қатъий назар ота-онасининг ҳурматини, демак, хизматини қиласи.

Чин фарзандлик бурчингни кўрсат ота-онангга,

Умринг бўйи сақлагин ҳиммат ота-онангга.

Онанг берса оппоқ сут, отанг қилган насиҳат,

Этма зинҳор ишингдан миннат ота-онангга.

Ошно тутиб ёмондан қилма хато йўлларда тушурмагил дод ила кулфат ота-онангга.

Уларни сен сийласанг, эл сийлайди сени ҳам,

Яхши одоб билан бўл зийнат ота-онангга.

Ота мұхаббатини бизда «мехр» дейдилар. «Мехр» сўзининг қадимги маъноси эса «қўёш» демакдир. Табиат қўёш ҳарорати билан яшаганидек, фарзанд ҳам ота меҳри билан гулгундир.

Танантга заррача кирганда киприклари билан сугуриб оладиган Она! Кўзингта нам келганда кўз ёшлиарини дарё қилиб қайгуингни тортадиган она!

Онадир фарзанд қалбининг метин суюнчи,

Онадир, ҳар бир боланинг сўнмас қувончи!

Онадир, йўлида йўлдош, жонига жондош

Онадир, тунида ойю, кунида қуёш!

Инсоний фазилатлар ва иллатлар ҳақида донолар ўғити.

Бошқаларнинг баҳт-саодатининг кўролмаган ҳасадчи киши доимо қайгу-алам остида бўлади. Ўзгаларнинг яхши турмушлари унинг юрак бағрини ёндиради:

Дилни сен аввал ҳасаддан пок қиласи,

Ўзни сўнгра сохиби идрок қиласи!

Ақл-хуш эгаси бўлган одам халқ билан дўстона яшайди. Халқ билан чиқишимаган одам роҳат юзини кўра олмайди.

Кимки эл бирла муроса қиласи,

Умрингин ширинлигин ул билмади!

Ақлли одам олимлар, фозиллар ва тадбирли ҳунарманда суҳбатларида бўлади, улардан баҳра олади. Донишмандлар суҳбати мушк-анбар демакдир.

Ҳам тавозелик бўлиб, ҳам боодоб
Яхшиларнинг сұғбатин қылгин талаб.
Бир донишмандан:
— Қайси одам, қайси миллат афзал? — деб сүрадилар.
У донишманд икки қўлига ердан тупроқ олиб:
— Мана шу икки қўлимдаги тупроқнинг қайси бири афзал?
— деди. Кейин икки қўлидаги тупроқни бир-бирига қўшиб айтди:
— Икки қўлимдаги тупроқнинг бир-биридан фарқи бўлмагани
каби ҳамма ҳалқ, ҳамма миллат бир-бирига биродардирлар,
келгусида ҳам шундай бўлишига ишончим комиёндир.

Ўзбекистон миллый истиқлол мафкурасида келажак кўп жиҳатдан ёшларнинг таълим тарбиясига боғлиқ дейдилар. Масъулиятли ҳозирги вақтда ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор билан қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Зоро, Республикаизда таълим соҳасидаги давлат сиёсати умуминсоний қадрияларни тиклашга ҳалқнинг тарихий тажрибаларидан унумли фойдаланишга қаратилган бўлиб, маданият ва фан арбобидаги кўп асрлик анъаналарини жамиятнинг истиқболдаги ривожига қаратишдир.

КИМ АЙБДОР?

*Бегам бўлманг, гафлатда қолманг,
ҳали навқирон, кучли экансиз,
яхшилик қилишдан толманг.*

Бошловчи: Ёшлар тарбияси – давримизнинг энг долзарб муаммосидир.

Фарзандлар фақат оила ва ота-оналарининг эмас, балки давлатимизнинг келажагидир. Келажак авлод тақдири жамиятимиздан, ота-она, маҳалладан катта масъулият талаб қиласи, бу масалани ҳал қилишда илгаридан «етти қўшнинг «отанг-онанг» деган иборалари, болаларимиз бирон шўхлик қисса, кўчадан ўтаётган ҳар бир киши бефарқ эмас ва буни ҳамма ота-она тўғри тушунишар эди, ҳозирда эса бундай ходисаларни кўрмасликка олиб кетиши, айрим ота-оналарга уқтирилганда эса «Сизни нима ишингиз бор, ўзингизни болангизга қарасангиз бўлмайдими?» қабилида иш кўрадилар, бу эса оиласа ҳам, маҳаллага ҳам, мактабга ҳам, жамиятимизга ҳам зид ишдир. Кейинги вақтларда кўп жойларда

юз бераётган ҳодисалар бунинг мисолидир. Айрим мактабларимизда дарсларга кам қатнашаётган, баҳолари кўп фанлардан қониқарли бўлмай, мактаб ўқитувчиларини, ота-оналарини, маҳалла жамоасини менсимайдиган, кўп салбий ҳодисаларда айбдор бўлиб қолаётган ёшларимиз анчагина. Кунларнинг бирида бўлаёттан воқеа:

Мактабга дарсга қўнгироқ чалинди, ҳамма дарсда. Бир неча кунлардан бери дарсга келмаёттан 9-синф ўқувчиси Валижон билан синф раҳбари сұхbatлашмоқда.

Ўқитувчи: — Валижон ўғлим бир неча кунлардан бери дарсга қатнашмаяпсан тинчликми ўзи, нима гап?

Валижон жим орқага қарайди.

Ўқитувчи: — Тани жонинг сөғми ўзи, гапир нима гап?

Валижон: — Тани жоним sog, устоз, энди буёги тирикчилиқда. Ҳамма яхши яшагиси келади-да, устоз.

Ўқитувчи: — Бир неча ойдан кейин ўқишилар тугаб, давлат имтиҳонлари бошланади қандай қилиб имтиҳонларни топширасан. Ҳаракат қилишинг керак, бирга ўқиётган дўстларингдан, ўқитувчиларингдан қўшимча дарс олиб битказгин кейин яхши яшашинг қочмас, яхши бўлиб кетарсан, она-онангга ҳам ёрдаминг тегиб қолар.

Валижон: (жим, калласини қимиirlатиб хўп ишорасини билдириди.) —Устоз, ҳаракат қиласадиму, лекин ҳар куни эрталаб ойимларни юкларини бирга олиб боришман натижада дарсга кеч қоламан, кейин киргим келмай қолиб кетаяпман, узр.

Ўқитувчи: — Валижон эртага дарсдан кейин албатта отанга ёки онанга тайинлагин мактабга келиб мен билан учрашсинг, келишдикми?

Валижон: — Хўп, устоз бугун ўzlари келишмоқчи эдилар, бугун келишмасалар эртага келишади.

II

Бошловчи: — Эртасига дарс бошланган вақтда Валижоннинг онаси мактабга келади.

Онаси: — Мактабда ким бор ўзи? Нега бекордан-бекорга мени овора қилиб чақиришади, нима гап ёки мени ўғилчагинам ёмон иш қилибдими? Ҳой, айланай сиз кимсиз ўзи, ўқитувчи бу ерда сизларни тартибга чақирадиган кагтларинг борми ўзи?

Етакчи: — Ҳа, борлар юринг, уларнинг хоналарига олиб бораман, онахон сиз ўзи нима масалал бўйича келган эдингиз?

Онаси: Бу сизнинг ишингиз эмас, сиз ёш қизча, бунга сизнинг ақлингиз етмайди. (Шу пайт ўқувчилар учун танаффус қўнгироги чалиниб қолди ва онахонимиз раҳбар ҳузурига етмасданоқ, ўқитувчиларни кўриб тўхтаб қолади.)

Навбатчи ўқитувчи: — Келинг онахон, келинг, кимга келувдингиз.

Онаси: — Менинг ўғлим шу мактабда ўқийди, билмадим нимагадир синф раҳбари чақиртирибди.

Навбатчи ўқитувчи: — Нечинчи синфда ўқийди.

Онаси: — 8-ми, 9-ми, сизга нима фарқи бор, (шу орада синф раҳбари келиб, Валижоннинг онасини хонага таклиф қилди.)

Синф раҳбари: — Ассалому алайкум, келинг, келинг.

Онаси: — Яхшимисиз айланай.

Синф раҳбари: — Валижон, ўғлингиз ҳақида сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим.

Онаси: (бетоқатланиб, соатига қараб). — Ҳа, айтақолинг, 12.00 да Эмиратга учмоқчиман, шошиб турибман.

Синф раҳбари: Валижон дарсларга мунтазам равишда келмаяпти, бозорга аралашиб қолибди шекилли, истеҳзо билан.

Онаси: А-а, шундайми? Мен кўп мамлакатларга учаман, ҳар хил молларни ҳалқимиз учун олиб келаман, чунки ҳамма ҳам ҳар хил мамлакатларга бора олмайди, олиб келган молларимизни бозорга олиб чиқиш керак. Ўғлим яхши бола ҳаммасини ўзлаштириб олади. Эркатой ўғлимда, айтган нарсаларини олиб бераман, майли домла, мен самалётга кеч қоляпман, кейин гаплашамиз.

Синф раҳбари: Сизни бир неча бор чақиртирамиз, доим келмайсиз, ҳар хил баҳоналар қиласиз, ота-оналар мажлисига умуман қатнашмайсиз. Сиз билан ҳеч мулоқотда бўлолмаяпман.

Онаси: — Айланай, шу ерда тўхтайлик кеча отаси билан ҳам шу ҳақида гаплашган эдим, у албатта келади, гаплашади, менга ваъда берган, келади.

Синф раҳбари: (ўйланиб жим қолади) Афсус, афсус ҳамма хатолик оиласа экану она турмуш ўртогини ҳам ҳурмат қилмас эканку, келгусида булярнинг фарзандларининг тарбияси қандай бўларкин.

III

Бошловчи: — Жимжит, мактабда ҳамма синфларда дарс ўтиляпти, шу пайт мактабга, дабдаба билан худди ҳамма ишламайди-ку, бу киши ишлайтгандай ўзларини ким эканлигини англатмоқчи бўлгандек Валижоннинг отаси кириб келди.

Ота: Нима бу мактабми? Нима учун жимжит? Қани ўқитувчилар? Менинг ўглим ҳақида шикоят қилғандан күра, үзи жойида үтиrmайдими? Аввалам бор, уша шикоят қиладиган ўқитувчиларнинг ўзини тарбиялаш керак, албатта тарбиялаш керак.

Бошловчи: — Отанинг сўзларини эшитиб турган мактаб ташкилотчиси эътиroz билан.

— Ҳа, келинг, ҳурматли отамиз, сизнинг фарзандингиз устидан шикоят қилган ўқитувчи ким үзи, ўглингиз ким?

Ота: Мени ўглим Валижон, у ақлли бола, ҳеч дарс қолдирмайди баҳолари ҳам хулқига яраша яхши, мен доим ундан сўраб тураман, лекин қайси синфда ўқишини билмайман, устози бор экан, уйга бориб аёлimgа шикоят қилиб, баҳолари паст, жуда дарс қодидради, шу аҳволда бўлса давлат имтиҳонларини топширолмай синфда қолади деб шикоят қилибди. Қани уша устози, мени эркатойимни, мени ўглимни ёмоналаса, мени кутиб гурмайдими? Биз эру-хотин кечаси билан ухламай чиқдик ва эртага сен ҳам борасан мактабга мен ҳам бораман, уша шикоят қиладиган устозига мен кимлигимни кўрсатиб қўяй деб келдим. Ойиси ҳам келган бўлса керак, мендан олдинроқ чунки у Эмиратга учиши керак эди.

Етакчи: — Ҳа, энди тушундим, ким тўтрасида гап бўлаёттанини, Валижон ҳақида экан, юринг мен синф раҳбари билан сизни учраштириб қўяман.

Бошловчи: Ташкилотчи, Валижоннинг отаси бирга уша синфга боришиди, қарашса синфда Валижон йўқ.

Ота: — Қани ўглим, э-е, бу нимаси? Ўглим дарсда йўқ. Сиз нима қилиб үтирибсиз, бундоқ тарбияга қарангда, шунга маош оласиз-ку.

Етакчи: — Тўхтанг, тўхтанг.

Ота: — (Ҳеч кимни гапига қулоқ солмай), боламни буларга ишонсам, болам йўқ, қаердан топаман ахир, — (бақириб-чақириб чиқиб кетди.)

IV

Бошловчи: — Ота боласи қидириб кетади, онаси Эмиратга учиб кетади, Валижон мактабни битирмай, гоҳ-гоҳ дарсларга қатнайдиган ўртоги Солижонни олдига боради ва ўзи онаси молларини бозорга олиб борганда бир неча пачка портлайдиган олиб келган эди.

Икки ўртоқ учрашиб:

Валижон: — Солижон, Солижон нима қилиб юрибсан ўзи?

Солижон: — Э-э, сўрама, ўзиям зўр нарса тайёрлаяпман, зўр нарса.

Валижон: — Нима экан айтақол, айтақол.

Солижон: — Биласанми, орқа кўчадаги Эргаш аканинг ўғли ўйланяпти.

Валижон: — Ҳа, биламан, нима эди.

Солижон: — Шу тўйда шунақа зўр портлатиш қилайлик, ҳамма ҳайрон қолсин.

Валижон: — Ахир бу зарар-ку милиция тутиб олса нима қиласмиш, мана менда ҳам бир неча портилатиш пачкалари бор.

Солижон: Бўпти жуда яхши сен ҳам олиб келасан, иккаламизники анча бўлади, зўр бўлади.

Валижон: Маҳалламиз бўлса, ҳамма бизни таниса, қанақа бўларкин оғайни?

Солижон: — Танишса танишар, нимаси зарар, ҳамма қиляпти-ку, тўйхонадагилар ҳам «раҳмат» айтишса керак.

Валижон: — Қўй, оғайни, шни қилмасдан бошқа нарса уйлаб топайлик.

Солижон: — Бор-бор йўлингдан қолма, портилаттин келмас, аралашма, кет, бор-бор кетавер.

Бошловчи: Шунда икки дўст тортишиб қолдилар ва бир-биридан тортиб олмоқчи бўлишади ва натижада шу вақтда портлаш юз беради.

Валижон: — Вой кўзим, кўзим ачишиб кетяпти, ёнаяпти, вой кўзим, — деб бақира бошлади, ҳеч нарсани кўрмай яна қаттиқроқ бақирди.

Довдираб қолган Солижон нима қилишини билмай қотиб қолди. Шу пайтда одамлар йигилиб, нима гап эканлигини тушунишади ва маҳалла фуқароларидан бири тезда машинага ўтказиб тез ёрдам бериш мақсадида касалхонага олиб келишади, врачлар назоратга олишади ва тезда Валижоннинг кўзини операция қилиш кераклигини, ота-онасини тез топиб келишларини маслаҳатлашиб туришганда, отаси етиб келади, онаси йўқ, учуб кетган, отасига операция мураккаблигини айтишади ва тезда операция қилишади. Отаси касалхона йўлатига бир зум тўхтаб қолади, нима бўлди-а, нега бундай бўлди, деган хаёлда ўйланиб қолади. Онаси эса савдо-сотиқ билан овора, болага на отани, на онани, на мактабни таъсири бўлмай қолганлиги болани шу аҳволга олиб келди. Солижонни эса милиция ходимлари ушлаб,

айбдорлигини бўйнига қўйган ҳолда тергов ишлари бошланиб кетди, охири нима билан тугаши тергов органларига маълум.

Мана, кичкинагина саҳнамиздан кўрдингиз-ки, бир бола айбсиз айбдор бўлиб қолди. Бунга ким сабабчи, портловчи моддалар сотаётган атгорларми ёки ўз манфатини кўзлаган олиб сотарларми? Ёки ўз тирикчилигини ўйлаётган ўз фарзандини тарбиясига лаёкатсиз қараётган ота-оналарми ёки мактабми, ё бўлмаса, маҳалла оқсоқолими?

Бунинг ҳаммасига айбдор бу Валижоннинг отаси, боласини тергаş ўрнига, қилаётган ишлари тўғрилигини айтиб, тенгқўрлари орасида боласини обрўсини кўтармоқчи бўлади, ҳеч кимни гапига кирмайди, онаси эса ҳамма вақт чет элда олди-соти билан овора, мана шулар болага панд берди.

Келинглар азизлар, шу ерда ўтирганлар барчамиз жамоат жам бўлиб, бирлашиб, ўсмир ёшларимизни номаъқбул йўлдан қайтаратайлик, ўз вақтида ана шу муаммони ҳал этайлик. Валижонга ўхшаб кўзи шикастланмасин, Солижонга ўхшаб милицияга тушмасин, кейин аттанг деб қолмайлик.

ЁШЛАРГА МЕҲР-МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК

*Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,
Инсон ҳаётида қолур bemazmун.*

Бизнинг мамлакатимизда ёшлар ҳақида гамхўрлик қилиш оиласда бола туғилишдан олдин бошланади. Бизда ёшлар тарбиясига фақат ота-онанинг шахсий сифатида қаралмайди. Бу умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ўта муҳим, жуда ҳам зарур ва бошиқа ҳар қандай вазифага нисбатан бебахо ишдир. Ёш авлод тарбиясида чегара йўқ.

Бизнинг мамлакатимизда ота-онасидан бевақт жудо бўлган боқувчисиз қолган ёш норасидалар ҳаёт кемасидан четта улоқтириб ташланмайди, хор-зор бўлмайди.

Хукуматимиз ота-онасиз қолганларни ўз қарамогига олади, уларнинг пешонасини силайди, беками кўст ўсишларини, диллари ранжимаслиги учун ихтиёрида бор бўлган ҳамма ва ҳар қандай яхшиликларни ундейлардан аямайди.

Ёшларнинг келажагини белгилаб беришда умумий таълим мактаблари сингари меҳрибонлик уйлари ҳам катта ўрин

тутишларини Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйида кўриш мумкин. Болаларнинг бемалол униб-ӯсишлари, илм олишлари, тарбияланишлари учун бу ерда ҳамма шарт шароитлар яратилган. Тарбиялананаётган 230 боладан бирортасининг ҳам на ейиш ичишдан, на кийининидан камчилиги бор. Болалар истиқомат қиласиган хоналар беками кўст жиҳозланган. Ҳар бир хонада янги замонавий мебеллар, радио ва телевизорлар, магнитафон, китоб жавонлари мавжуд. Турли-туман гуллар хона кўркига кўрк бағишлади. Электр, табиий газ, иссиқ суви бор бўлган ётоқхоналар болаларни беташвиш яшашлари, соғлом ва бақувват кишилар бўлиб етишувларини таъминлаш учун хизмат қилмоқда.

Бу ерда болаларнинг ўз устиларида мустақил ишлашлари, билим олишлари учун кутубхона эшиги ҳамиша очиқ. Ҳафта ва куннинг (доимий аъзолари учун) истаган болалар ундан бемалол фойдаланадилар.

Меҳрибонлик уйида бирон бир байрам, муҳим тарихий сана, тантана билан нишонланадиган кун йўқки, ўша куни оталиқ ташкилотларининг вакиллари келиб болалар уйи тарбияланувчиларини табриклаб, кўнглини кўтариб, аҳволлари билан танишиб, совға-саломлар топшириб кетишади. Болаларнинг қувончи ўша кунларда ичига сигмайди, шодлиқдан ҳаттоқи кўз ёш килиб олишади.

Бизнинг қўнимизда қачонлардир таълим-тарбия олган ва ҳозирги вақтда эса ҳаётда ўз ўрнини топиб олган ёшлиар ўзлари учун муқаддас даргоҳ бўлиб хизмат қиласиган болалар уйини, тарбиячи педагогларни унугтганлари йўқ. Тез-тез хат ёзишиб туришади, учрашувларимизда, байрамларда иштирок этишади, ишларида мувваффақиятлар, келажакдаги режалари ҳақида сўзлашади. Уларнинг ҳаммаси бугунги кунда меҳрибонлик уйида таълим-тарбия олаётган ёш мургакларга қалбида миннатдорчилик ҳис-туйгуларини оширади, келажакка бўлган ишончларини мустаҳкамлади.

Болаларнинг қалбларидан отилиб чиққан дил сўзларидан ҳам билишимиз мумкин.

«Мен учун энг севимли иш — бу китоб ўқишидир. Мен китобни эрмак учун, вақт ўтказиш учун ўқимайман. Китобни мен билим манбаи, кураш қуроли, ақл шамчироги, китоб мен учун шундай бир қадрдан дўст, доно маслаҳатчи ва ҳаётдаги йўлдошdirки, ўкиш орқасида энг катта бойлик — билимга эга бўлдим менга оқни қорадан, яхшини ёмондан фарқлаб олишимга ёрдам берди. Тарихда мен туғилиб ўсаётган, таълим-тарбия олаётган, мен сингари

минглаб, ёшларни авайлаб-асраб, иешонасини силаб, оқ ювиб—оқ тараётган, кабиларнинг чексиз бахти шундаки, отасизларга — оталик, онасизларга — оналик қилаётган жонажон Ватанимга, меҳрибон халқимга абадий таъзим қиласман! Мен ўзимни умримнинг охиригача улар хизматида деб биламан!»

Ота—онасиз болаларга жигаргўшалик қилувчи, хорлик—зорликни билдирамасдан парваришловчи, бокувчисидан маҳрум бўлиб қолганларга дўсти—паноҳ бўлувчи жонажон Ватаним, доно ва ғамхўр мен кабиларни азизлаган, вояга етказган халқим, Ватанимга бутун ақл — идроким, меҳнатим, куч-ғайратимни ўн карра, юз карра багишлаганим бўлсин.

Кишини ҳаяжонга солувчи бу сўзларни меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиларидан Ҳамид Ҳусанов, Зуҳра Норқуловалар ёзган. Бу — ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликка қаратса айтилган миннадорчилик сўзлар, қалб даъватидир, меҳрибонлик уйларида кўрсатилаёттан ғамхўрлик беқиёсdir, чунки ота—онали оиласарда ҳам бунчалик шароитлар йўқдир, лекин бу фарзандларимизга ҳамма нарса етарли бўлса-да, бир нарса ҳамма вақт етишмайди, яъни ота—она меҳри, айниқса она меҳридир. Меҳрибонлик уйларида ота—оналарини кутиб, кўзларига ёш олган фарзандларимизга Сиз азиз онажонлар нима дейсиз?

Бу фарзандлар келгусида ўқиб—улгайиб Ватанимиз учун астойдил меҳнат қиласиган, чет элларга бориб ўқийдиган, меҳри мурувватли бўлиб келишларига астойдил ишонамиз шунда кўксига уриб баъзи ота—оналар бу менинг фарзандим-ку, деганларида фарзандлар нима дейишаркин-а?

МУНДАРИЖА:

I УМР ДАФТАРИДАН БИР САҲИФА:	
Болалик ва ўсмирилик йилларим	2-5
Халқ таълими тизимида	5-9
Эҳтиром	9-18
Вафодор ёр, содик дўст	18-21
Самара	21-22
II ФАРЗАНДИМ - АСАЛ ҚАНДИМ:	
Азиз фарзандларимга	23-24
III ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ:	
Солиҳ ЕҚУБОВ. Умр мазмуни	25-27
Шукур ДАДАШ. Ҳожатбарор инсон	27-28
Маҳкам ГАДОЙБОЕВ. Сергайрат раҳбар	28-29
Үткир ФАЙЗИЕВ. Касбга меҳр	29-30
Гулнора ҚЎЧҚОРОВА. Тұрма маорифчи	30-32
Тұлқин ХАЙДАРОВ. Тиниб-тинчимас раҳбар	32-33
Минаввар Қамаритдинова.	
Устоз доимо устоз бўлиб қолаверади	33-34
IV Оила аъзолари ва иш фаолиятида дўстлар билан тушган суратлар	35-50
V ИЖОД НАМУНАЛАРИ:	
Оқ дастурхон	51-58
Умрнинг гул фасли	58-63
Катта қилиб кўрсатадиган ойна	63-66
Тарбия оиласдан бошланади	66-71
Ибрат	71-72
Эртак эмас бу сўзлар	72-73
Тарбия фақат мактабнинг ишими?	74-76
Яхши тарбия-оила қувончи	76-78
Ибрат юлдузи	78-80
Сиз қонунни биласизми?	80-83
Садоқатни кўзлари нега ёшланди	83-85
Беллашувга саволлар	85-86
Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлидадир	87-92
Аёл қалби	92-96
Мен нега сигарета чакмадим	97-100
Тўқлиқдан чиқар шўхлик	100-102
Аёлингни асрарин элим	102-105
Кўнгил нималар истамайди	105-107
Она қалби	108-110
Инсон одоби билан гўзал	110-112
Ким айбдор?	112-117
Ешларга меҳр-мурувватли бўлайлик	117-119